

ISSN 2010-7498

# KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL  
2019, № 3



“AQLLI KOLLEJ”?!

# Hurmatli jurnalxonlar!

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririysi sizni  
o’zaro hamkorlikka taklif etadi.**

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

# KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование  
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal  
2019-yil, 3-son

## Muassislar:

Kasb-hunar ta'limi markazi,  
Kasb-hunar ta'limi tizimini innovatsion rivojlantirish,  
pedagog kadrlarning malakasini oshirish va qayta  
tayyorlash instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV  
Bosh muharrir o'rinnbosari: SH.QURBONOV  
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

## Tahrir hay'ati:

B.B.SOBIROV, R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV,  
F.X.RIZAYEV, H.SH.RAXMONOV,  
SH.T.ERGASHEV, O'.D.XIDIROV,  
O'.S.XUDAYBERDIYEV, X.F.MASUDOV,  
A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV, A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.  
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,  
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar  
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi  
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori  
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dessertatsiyalar  
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga  
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani  
Universitet ko'chasi, 2-uy  
Tel.: 71-246-30-26; 90-979-75-89;  
94-677-90-32; 90-973-95-15.  
E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,  
ksbjurnal@inbox.uz.

## Nashr uchun mas'ul

H.Sirojiddinov

## Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri  
kelmasligi mumkin.  
Tahririyatga yuborilgan maqlolalar egasiga  
qaytarilmaydi.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"  
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: \_\_\_\_\_ 2019-yil. Bichimi  
60x84 1/8  
Bosma tabog'i 10. Adadi 830 nusxa.  
Buyurtma "BUSINESS PRINT PLUS" MChJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxona manzili: Toshkent shahri, So'gali ota  
ko'chasi, 5-uy.

# МУНДАРИЖА

## Педагогика

<b>Б.Собиров.</b> Kasb-hunar ta'limi tizimida kadrлar малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда компетенциявий ёндашув ...	2
<b>Ш.Курбонов.</b> Целенаправленная подготовка педагогических кадров .....	6
<b>Д.Камилов.</b> Касбий компетентлик ва унинг илмий-педагогик асослари .....	11
<b>Х.Хакимжонова.</b> Касб-хунар коллектида таълим жараёнини ташкил этишда андрагогик ёндашувлардан фойдаланиш	16
<b>Ж.Матчанов.</b> Касб-хунар таълимида таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш .....	20
<b>Ф.Валиева.</b> Узлуксиз таълим тизими шарқ олимлари нигоҳида .....	25

## Касбий таълим

<b>Д.Рахматуллаева.</b> Мехнат бозори эҳтиёжлари асосида қабул квоталарини шакллантириш .....	28
<b>Б.Ташпулатов.</b> Касбий таълим тизими ва унинг таркибий қисмларини дидактик моделлаштириш .....	31

## Ахборот технологиялари

<b>С.Сиддиқова.</b> Maxsus fannlarни ўқитишида электрон таълим ресурсларининг янги авлодидан фойдаланишнинг педагогик йўсиллари .....	35
<b>А.Хасанов, Ф.Миржамолова.</b> Таълим тизимида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари .....	42
<b>Х.Офтобхўжаева, А.Абрайқулов, Т.Худайберганов.</b> Касбларни ўргатишида рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда педагоглар фаолиятини рақамлаштириш .....	47

## Инновацион таълим

<b>Ш.Шарофаддинов, А.Авлиякулов, М.Шорахимов, Н.Ходжаев.</b> «Ақлли колледж» нима? .....	51
<b>Н.Пулатова.</b> Умумтаълим мактабларида инновацион бошқарув .....	54

## Методика

<b>У.Абдиев.</b> Физика фани тўғарак машғулотларида муқобил энергия манбалари мазмунидаги билимларни ўқитишида дидактик тамойилларнинг узвийлиги .....	58
<b>Д.Дадажонова.</b> Ёшларда инглиз тилига қизиқишни ривожлантириш усуллари ва унга доир машқлар .....	63
<b>К.Гулямов.</b> Амалий безак санъатини ўргатиш жараёнида талabalarning касбий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари .....	66
<b>Д.Юнусова, М.Тожибоев.</b> МТМларида жисмоний тарбия машғулотини ўтказишида харакатли ўйинларнинг ўзига хос хусусиятлари .....	71
<b>Г.Кадирова.</b> Кимё фанини ўқитишида кимёвий тажрибаларнинг дидактик восита сифатида шаклланиши .....	75

# КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

**Б.СОБИРОВ**  
**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти директори**

**Аннотация.** Ушбу мақолада касб-хунар таълими тизимида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда компетенциявий ёндашув мазмуни, компетенциявий ёндашувни малака ошириш жараёнида таълим сифатини баҳолашнинг асосий кўрсаткичи эканлиги ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** компетенция, компетентлик, компетенциявий ёндашув, рақобатбардош мутахассис, техника, технология, лойиҳалаш, таълим жараёни.

**Аннотация.** Данная статья посвящена проблемам сущности компетентностного подхода в сфере непрерывного образования, эффективного применения технологии реализации компетентностного подхода.

**Ключевые слова:** компетенция, компетентность, компетентностный подход, конкурентноспособный специалист, техника, технология, проектирование, процесс образования.

**Annotation.** Given article is devoted essence problems competence the approach in sphere непрерывного formations, effective applications of technology of realisation competence the approach.

**Key words:** the competence, competence, competence the approach, the competitive expert, technics, technology, designing, formation process.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларни касбга тайёрлашнинг сифатига янги талабларни қўймокда. Мамлакатимизда замон талаблари асосида таълим жараёнини ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш”<sup>1</sup> вазифаси белгилangan. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат

таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ти қарорида умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчилигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик маҷмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу борада албатта касб-хунар колледжларида педагогик фаолият олиб бораётган касбий-таълим педагоглари ва раҳбар кадрлари сифатига эътибор қаратмоқ лозим. Таълим парадигмасининг алманиши касб-хунар таълими муассасалари касбий таълим ўқитувчиларини педагогик тайёргарлигини ўзгаришини талаб этади. Энди фақат ўз касбнингина чуқур билувчи ва илмий-техника тараққиёти ютуқларида ҳам ўзини йўқотмайдиган, рақобатбардош, ижодий фаол касб устасигина эмас,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони:// Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил.

балки педагогик жиҳатдан билимдон, Касб-хунар таълими муассасаларининг рақобатбардош мутахассисларини тайёрлашга қодир касб эгаси керак.

Касб-хунар таълими муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш касб-хунар таълими тизимида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини қай даражада тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш – ўқитиш сифатига қўйиладиган талабларни оширишни ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича янги касб билимларини, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Педагогик қайта тайёрлаш – мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлаш.

Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) – таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат талаблари) билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Педагог кадрлар малакасини ошириш – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари (Давлат талаблари) асосида касбий ва педагогик маҳорат доимий равиша ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёни юқори илмий-методик даражада олиб борилишини таъмин-

лайдиган ўқитиладиган, ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равиша янгилашиб бориш.

Маълумки, касб-хунар таълими тизими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда олиб борилган ижобий ишлар билан бирга малака ошириш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан, малака ошириш жараёнида таълимни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг ташкилий-методик таъминотини такомиллаштириш, касбий фаолият объектларига мос ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, уларни инновацион шароитларга мос равиша касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик ва дидактик таъминотини такомиллаштириш мухим аҳамият касб этади.

Кейинги ўн йилликларда таълим жараёнини компетенциявий нуқтаи назардан ташкил этиш ва таълим натижасини баҳолашда компетенция даражасини аниқлаш тобора кўпроқ оммалашиб бормоқда (Европа Кенгашининг “Европа учун асосий компетенциялар” (Key Competences for Europe) мавзусидаги симпозиуми материаллари, ЮНЕСКО материаллари, “Таълим-2030” – Инчихон декларацияси).

Компетенциявий ёндашув ўз мазмунида бугунги кунда таълимда юз берадиган инновацион жараёнларни мужассам этади. У ривожланган мамлакатларда қабул қилинган таълим стандартининг умумий концепциясига мувофиқ бўлиб, таълим мазмунини қайта қуриш ва унинг сифатини назорат қилиш тизимида, яъни компетентлик тизимида ўтиш лозимлигини кўрсатади.

Таълимга компетенциявий ёндашув таълим олувчиликни мураккаб фаолият

турларига жалб этади, шахсий ва касбий хусусиятларини шакллантиради. Таълимга компетенциявий ёндашувнинг таянч нуқтаси таълимнинг умумий моҳиятидан келиб чиқади ва унинг мақсадларига хизмат килади.

Таълимга компетенциявий ёндашув асосида шахсда бир қатор маълум ҳаракат ва фаолиятлар тизимини бажариш бўйича компетенциялар захираси шаклланади.

В.И.Бойденко, И.А.Зимняя каби олимларнинг фикрича компетенциялар захира-сига қўйидагилар киради: умумий дунёқараш ва тушунчалар, табиатнинг асосий қонунлари, жамият ва инсон фаолияти, иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий асослари ва ташкилий жиҳатлари, фуқаровий-ҳуқукий, информацион-коммуникативлик, политехник ва табиий илмий-техник асослар, техника ва технологиялар, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг функция қўрсаткичи принциплари, уларни назорат қилиш ва бошқариш тизими, барча касблар бўйича алоҳида-алоҳида компетенциялар.

“Компетентлик”, “компетентли”, “компетентлилик”, “компетенция” тушунчалари компетенциявий ёндашувнинг етакчи категориялари сифатида намоён бўлади. Педагогикада “компетенция” ва “компетентлик” атамалари олимлар томонидан бир хилда талқин этилмайди.

Компетентлик дейилганда кўпинча шахснинг интеграл сифатлари тушунилди. Улар шахснинг умумий қобилиятида, унинг таълим олиш ва ижтимоийлашиш жараёнида ўзлаштирган билими ва тажрибасига асосланган фаолиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб компетенция ва компетентлик тушунчалари билим, кўникма ва малака тушунчаларидан кўра кенгроқ маънони англатади. Чунки улар шахснинг йўналганлиги (мотивацияси, қадриятий

йўналишлари), унинг стериотипларини енгиш, муаммоларни ҳис этиш, кузатувчанлик, фикрлаш қобилиятини; характерини – мустақиллик, мақсадга интилувчанлик, иродавий сифатларни қамраб олади.

Хозирги вактда “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари ва уларнинг таркибида кирувчи муҳим компетенциялар ёки компетентликлар мазмунини аниқлаш, шунингдек фаолиятнинг турли соҳаларида уларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари бўйича жуда кўп тадқиқот материаллари тўпланди. Бу эса уларни таснифлаш муаммосини юзага келтирди.

Г.В.Никитинанинг фикрича, компетентликлар таснифида бир неча асослар мавжуд:

- инсонинг умумий компетентлиги (математик, коммуникатив, информацион, ижтимоий, ахлоқий ва бошқалар);
- фаолият турлари бўйича компетентлик (меҳнат, ўқув, ўйин, касбий ва бошқалар);
- фаолият йўналган обьектлар бўйича компетентлик (инсон-инсон, инсон-техника, инсон-табиат, инсон – бадиий тимсол ва бошқалар);
- ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича компетентлик (маиший, фуқаровий, маданий ва бошқалар),
- ижтимоий билимлар тармоқлари бўйича компетентлик (математика, гуманитар фанларда);
- ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича компетентлик (транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа соҳаларда);
- қобилияtlар бўйича компетентлик (педагогик, психологик, ижтимоий, ижодий, техник ва бошқалар).

Компетентлик нуқтai назаридан ёндашув малака ошириш ва қайта тайёрлашда таълим сифатини баҳолаш учун ҳам жуда муҳим. Чунки таълим оловчи эришадиган асосий таълимий натижага компетентлик ҳи-

собланади. Унинг асосий кўрсаткичлари, бир томондан таълим стандартларининг меъёрий талабларига мувофиқлиги, иккинчи томондан, шахс ва турли ижтимоий гурухларнинг эҳтиёжларига мослигидир. Шундай қилиб, компетентликнинг биринчи таркибий қисми меъёрий хужжатлар (ЎзР конунлари, ДТС ва бошқалар)да белгилаб қўйилган таълим натижаларидан иборат. Иккинчи таркибий қисмини ижтимоий талаблар ва эҳтиёжлар белгилайди. Бу қисм жамиятнинг ривожланишига мутаносиб равишда универсал, ўзгарувчан бўлиб, унга ўзгартириш ва тузатишлар киритилиб турилади.

Шундай қилиб, малака ошириш тизимида таълим жараёнини ташкил этишда компетенциявий нуқтаи назаридан ёндашув таълим самарадорлигини оширишда ташкилий педагогик шароитларни яратишга хизмат қиласди. Асосий мақсад малака ошириш тизимида таълим мазмунини белгиловчи хужжатларни (ДТСларини, ўқув дастурлари, ўқув режалари) компетенция талаблари асосида такомиллаштириш, таълим мазмунига янада аниқлик киритиш, ўқув модуллари ва ўқув материаллари сифат даражасини кўтаришдан иборат.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Кзырева Е.В. Условия развития профессиональной компетентности педагога в профессии повышения квалификации. Дис.канд. пед.наук. Тюмен, 2004-206с.
2. Зимняя И.А. Ключевые компетентновая парадигма результат образования// высшие образования сегодня. –М.,2003 -№54 с.-18-24.
3. Зеер Э.Ф. Компетентностный подход к образованию // Педагогика.- 2005.-№3
4. Гришина И.В. Профессиональная компетентность руководителя школы как объект исследования. - М.: Наука , 2002. -231 с.

## ЦЕЛЕНАПРАВЛЕННАЯ ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ

ПРОФЕССОР Ш.Э.КУРБНОВ

В течении последних лет, особенно, государство, общество, непосредственно представители педагогической науки и практики выражают неудовлетворение качеством и уровнем эффективности и функционирования системы отечественного образования в целом, и каждым ее структурным звеном в отдельности. Очевидно, что это порождается комплексом причин, каждая из которых вносит в него свой вклад. Но столь же очевидно, что одной из таких причин, причем системообразующего характера – **является подготовка педагогических кадров.**

При несомненной необходимости выявления и устранения каждой из причин, отрицательно сказывающихся на функционирование системы отечественного образования, представляется возможным признать, что самой исходной и основной является именно качество подготовки **профессиональных работников системы образования.** Ведь именно они, в конечном итоге, определяют эффективность функционирования всей системы образования, в целом, и каждого ее звена – в отдельности.

Но любое дело может сколько-нибудь продуктивно осуществляться при одном непременном условии – предельно конкретном определении цели, ради которой предпринято это дело, и конкретной разработки целевой программы для её реализации.

Одним из возможных объяснений происходящего может быть наличие объективно существующего, но недостаточно теоретически проработанного, а точ-

нее, даже не выявленного противоречия, без устранения которого невозможно вырваться из сложившегося состояния. И суть данного противоречия в следующем.

При всём осознаваемом значении профессиональной школы (среднего специального, профессионального и высшего образования), автономности её функционирования и развития, необходимо признать, что последняя является звеном в единой системе непрерывного образования, ориентированной на достижение общих для всей системы целей. И, следовательно, цели эти должны быть приоритетным по отношению к функциональным целям, выдвигаемым «изнутри» перед педагогическими образовательными учреждениями.

Расхождение между целями, выдвигаемыми перед педагогическими образовательными профессиональными учреждениями изнутри и целями, стоящими перед ними как органической частью системы непрерывного образования, и порождают это противоречие. **Исследовательское решение проблемы и состоит в том, чтобы найти пути его разрешения и устранения.**

При этом одно условие остается непременным и обязательным. Являясь исходной системообразующей основой эффективности функционирования и развития системы образования, педагогическое образовательное учреждение, как её любое другое звено, должно строить свою работу с позиций потребностей и требований, предъявляемых государством и обществом всей системе образования.

При этом системный анализ позволяет прийти к выводу, что самым основным звеном, определяющим эффективность функционирования системы образования, является **подготовка педагогических кадров**, от деятельности которых и зависит искомая эффективность развития всех звеньев системы образования. Все другие, несомненно, актуальные проблемы развития образования, решение которых представляется значимым и необходимым, не обеспечивают и не могут изначально обеспечить требуемый уровень функционирования образования на всех структурно-организационных уровнях.

Невозможно решить проблему повышения качества подготовки кадров, пока не избавимся от избыточной неопределенности при её исследовательской постановке, пока не определим предельно конкретно, что нужно в этом «качестве» улучшить, усовершенствовать, принципиально изменить. Следовательно, идея, раскрывающая возможность решения проблемы, должна концентрированно отразить в чём состоит и заключается то качество подготовки, которое должно быть обеспечено.

Конечно, же при этом должна быть осмысlena и представлена роль собственно педагогики как учебного предмета, с которым в течение десятилетий связывались и продолжают связываться особые надежды на качество профессиональной подготовки педагогических кадров.

Конечно, то количество часов, которое в современных условиях на нее отводится, очевидно, недостаточно, но нет никаких оснований гипертрофировать именно этот недостаток. Его устранение, что, безусловно, было бы желательно, кардинально не изменит ситуации. Но, надо учесть, что в педагогическом сознании продолжает заявлять о себе стойкая убежденность

в прямой зависимости качества функционирования профессионального педагогического образовательного учреждения от количества часов, выделяемых именно на педагогику. При всем значении и несомненной значимости роли преподавания учебного предмета «Педагогика» во всех возможных вариациях, нет и быть не может, если исходить из реального положения вещей, даже надежды, что таким образом может быть обеспечено коренное улучшение качества подготовки педагогических кадров.

Анализ эмпирических и исследовательских поисков решения проблемы повышения качества педагогического образования убедительно свидетельствует о наличии существенных изъянов, ставящих под сомнение предпринимаемые усилия и не позволяющих радикально повысить качество подготовки педагогических кадров.

Именно признание этого нераскрытого и неосмысленного факта убеждает, что **необходима теоретическая концепция**, выдвигающая принципиально иную, **системообразующую идею преодоления или устранения этих изъянов**. Эта концепция должна определить и выделить из бесконечного числа нерешенных проблем ту единственную, решение которой приведет к требуемому результату. Сегодня столь же очевидно проявляет себя разрозненность и противоречивость исследовательских поисков, недостаток теоретических предложений, способных не имитировать необходимые решения и не подменять необходимую комплексную целостность решения проблемы многочисленными фрагментарными предложениями.

Анализ предлагаемых современной исследовательской мыслью решений позволяет выделить три основных направления, по которым строится поиск.

**Первое** – связано с предметным содер-

жанием образования, видящим решение проблем в фактологическом и научном обогащении **изучаемого учебного предмета**, в усилении методических основ его преподавания, в **укреплении его связей** (в зависимости от требований времени) «**с практикой**» или «**с наукой**».

Это направление отстаивается, преимущественно, представителями той или иной науки, а точнее, того или иного учебного предмета, преподаваемого в педагогическом образовательном учреждении.

**Второе** – с поиском путей **усиления межпредметных связей**, выявления возможностей **создания интегрированных курсов, блоков, модулей**. Это направление разрабатывается представителями разных предметов и специальностей.

При этом процесс обучения рассматривается как многоуровневая система, строящаяся в отличие от традиционно существующего на основе трех предметно-цикловых блоков – **социально-гуманитарного** (общекультурного), **психолого-педагогического, и предметного**. И каждый из них и составляющих их элементы подчинены определенной целевой установке.

С этой позиции каждым из этих блоков решаются следующие профессиональные задачи:

- предметы социально-гуманитарного блока способствуют формированию мировоззрения, определению собственных личностных, социальных и профессиональных целей;
- в процессе психолого-педагогических курсов студент осознает себя субъектом профессиональной деятельности и овладевает способами самоопределения и анализа собственной профессиональной деятельности;
- предметный блок призван раскрыть особенности повседневной практичес-

кой деятельности.

**Третье направление** увязывается с развитием личности студента, преимущественно, его мышления, формирования необходимой мотивации, приобретения профессиональных умений, навыков, практического опыта. **Это направление противопоставляет идею линейного обучения идею развития личности**, что и призвано способствовать профессиональной подготовке учителя.

Исторически, как уже выше отмечалось, так сложилось, что особая забота о повышении эффективности учебно-воспитательного процесса возложена на педагогику и, естественно, что вся комплексная совокупность вопросов, связанных с поисками решения столь актуальной проблемы продолжает оставаться предметом её исследовательского внимания.

Суть возникшего противоречия в том, что педагогика в современном вузе является только одним из учебных предметов, входящим в содержание получаемого студентом образования. А получаемая им специальность определяется определенной совокупностью основных для данного вуза учебных предметов. И при всей, никем не отрицаемой роли педагогики, её действительное значение и самая возможность оказания формирующего профессионального влияния зависит от учебных программ, определяющих учебную деятельность каждого вуза или педагогического колледжа.

В результате, вопреки реально сложившемуся положению вещей, именно педагогическая наука, сконцентрировавшись на подготовки кадров, и в лучшем случае, психологии и методики преподавания того или иного учебного предмета, по сути, перекрывает не только поиски эффективного решения проблемы, но и самую возможность её продуктивной реализации.

Исходя из выявленных положений, в стороне остается самый главный вопрос, от постановки и решения которого и зависит качество подготовки кадров. **Педагогический вуз призван решать принципиально иную** по сравнению с **другими вузами задачу**, что должно исключать самую возможность их рассмотрения.

Несколько не желая противопоставлять его другим вузам, мы не можем не отметить принципиального отличия его фундаментальной роли в развитии образования как такового. **Его выпускники изначально призваны обучать других людей тому или иному предмету, увлекать их за собой в мир творчества и познания в разных областях предметного знания.** И именно в этом заключается функциональная предназначность избранной ими специальности. И, следовательно, изучение самого предмета не является основной целью подготовки специалиста педагогического вуза. **Целью же является и должно являться профессиональное умения учить и воспитывать.** Само знание, сколь угодно глубокое, такого умения по определению обеспечить не может.

Поэтому **основная цель педагогического вуза** не только, а может быть и не столько в том, чтобы вооружить своего выпускника знаниями, сколько в том, чтобы **обеспечить его профессиональную готовность воспитывать, передавать знания, учить, включать самого учащегося в процесс активного овладения знаниями, добиваясь уже в стенах вуза гарантированной готовности выпускника к осуществлению этих целей.**

При всей значимости собственно учебного предмета педагогики и любого другого учебного предмета, входящего в состав содержания образования, продолжать пытаться решать проблему повыше-

ния качества подготовки кадров на этой основе в лучшем случае неэффективно.

Очевидно – и в этом **суть принципиально новой идеи** – возникла необходимость, несмотря на все противоречия и разного уровня трудности – социальных, психологических, содержательных и организационных – **возложить на педагогический вуз** как целостную учебно-воспитательную структуру задачу гарантированного обеспечения эффективного обучения и воспитания будущего учителя. И задачу эту вуз должен решать не только в процессе преподавания каждого предмета, не только за счет всевозможных межпредметных связей между ними, не только за счет педагогической практики и т.д., сколько за счет создания **целостной совокупности формирующих условий и этапной последовательности подготовки и формирования будущего учителя**.

Эту комплексную совокупность требований вуз сможет выполнить, если проблема **профессиональной подготовки педагога** будет рассматриваться как **всесторонняя целенаправленная организация жизнедеятельности студента в течение всех лет обучения**, программное обеспечивающая формирование его требуемой профессиональной готовности.

Таким образом, в качестве исходной идеи, реализация которой способна привести к необходимому результату, может быть выдвинута осознаваемая необходимость принципиального изменения подхода к организации всего учебного процесса, не сводимая к тому или иному набору учебных предметов, знание и официальная экзаменационная сдача которых является узаконенной формой получения педагогической профессии.

С позиций такого утверждения годы обучения должны быть осмыслены и системно представлены как целенаправ-

ленный процесс формирования профессиональной готовности к творческой деятельности и непрерывному профессиональному росту. И коль скоро это процесс, то он должен быть раскрыт как становление личности учителя, год от года овладевающего профессией, её многосторонними особенностями, целями и требованиями, вплоть до необходимого уровня развитости своей речи и умения владеть собой. Следовательно, каждый учебный год должен быть направлен на реализацию разных и при этом достаточно автономных целей.

Именно эта совокупность целей, поставленных педагогическим вузом перед собой, позволит придать необходимый уровень формирующий целостности учебно-воспитательному процессу, используя развивающий потенциал каждого учебного предмета, и, естественно, ничем не заменимой роли педагогики в деле **педагогизации жизни студента, в создании формирующей педагога – профессионала среды**.

Но выдвижение и сколь угодно аргументированное обоснование гипотезы, осуществление которой способно внести необходимые изменения в качество подготовки специалистов, условие, конечно,

необходимое, но недостаточное. Реальное решение проблемы находится в прямой зависимости только от того, насколько удастся вычленить и предельно четко определить:

- необходимую совокупность недостатков, которые должны быть устранены. И, естественно, столь же четко и определено адекватной совокупности задач и средств, путей и методов их решения;
- совокупность условий, призванных и способных решить эти задачи, представленные и раскрытие во времени и пространстве как целенаправленный последовательный учебно-воспитательный процесс.

Исходя из этого, необходимо подчеркнуть, что исследовательский поиск решения проблемы определяется, в первую очередь, не перечислением всех имеющихся, а только определенной совокупностью недостатков, устранение которых осознается как необходимость и как исследовательская задача. Причем важно отметить, что речь идет не о всех выявленных и отмечаемых недостатках, связанных с проблемой профессиональной подготовки педагогов, а только тех, которые могут быть устранены в процессе осуществления данного подхода.

# КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Д.КАМИЛОВ

Жиззах политехника институти “Менежмент” кафедраси ўқитувчси

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги кунда олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентликни ривожлантириш ва унинг илмий-педагогик асосларини очиб бериш ҳақида сўз боради. Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишидир.

**Калит сўзлар:** компетентлик, компетенция, таълим, тарбия, креатив, касбий компетенция, педагогик креативлик, шахсий компетентлик, технологик компетентлик.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы развития профессиональной компетентности и раскрытия ее научно-педагогических основ у студентов в современных высших учебных заведениях. Профессиональная компетентность – это знания, умения и навыки, необходимые специалисту для осуществления профессиональной деятельности и их практического применения на высоком уровне.

**Ключевые слова:** компетентность, компетентность, обучение, воспитание, креатив, профессиональная компетентность, педагогическая креативность, личностная компетентность, технологическая компетентность.

**Annotation.** This article discusses the development of professional competence and the disclosure of its scientific and pedagogical foundations of students in modern higher educational institutions. Professional competence is the knowledge and skills necessary for a specialist to carry out professional activities and their practical application at a high level.

**Key words:** competence, competence, training, education, creativity, professional competence, pedagogical creativity, personal competence, technological competence.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра, янги педагогик лойиҳаларни амалга ошириш ва инновация ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этиш ҳамда таълим сифати даражасини янги босқичга кўтаришда бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Жумладан, ўқитишнинг янги парадигмаларини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида касб таълими тизимининг халқаро стандартлари асосида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммоларини бартараф этишда ўқитишнинг ноанъанавий ва инновацион усусларидан комплекс фойдаланиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларидан тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш ва баҳолаш методикаларини меҳнат бозори талабларига мувофиқ такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Таълим ва тарбия жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни жамият талабларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий буюртма асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат. Таълим ва тарбия жараёнида ёшлар аждодлар томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўнимкаларини ўзлаштириши, ҳаётий тажриба асосида жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, салоҳияти ва дунёқарашининг шаклланишида педагог шахси, унинг касбий маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ёшларда давр талабидан келиб чиқувчи янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган сифатларни шакллантириш педагогик фаолият соҳасининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун аввало педагогнинг ўзида янги-

ча билим бериш, ўзгариб борувчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ ижодий фаолият билан шуғулдана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим. Менинг фикримча, таълим – тарбия тизимини ўзgartиришдаги асосий муаммо шу ерда. Ўқитувчи ўкувчиларимизга замонавий билим берсин, деб талаб киламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак. Шахс Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истемолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида белгилаб берилган. Бу эса республикамизда шахсга йўналтирилган таълимнинг йўлга қўйилиши учун зарур асосларни яратиб берди.

Психолог олимлар касбий компетенция тушунчасига турлича таъриф берадилар. Т.М.Сорокинанинг фикрича касбий компетентлик педагогларнинг касбий фаолиятни назарий ва амалий жиҳатдан амалга оширишга тайёрлиги ҳамда педагогик вазифаларни турлича даражада ечиш қобилиятига эга бўлиши тушунилади. М.И Лукъянова эса психологик-педагогик компетентликни педагог шахсининг ўзига хос сифатлари ҳамда юқори даражадаги касбий тайёрликни ва таълим-тарбия жараёнида таълим олувчилар билан ўзаро самарали таъсир кўрсата олиш ийгиниси, – деб таъкидлайди [1].

“Компетенция” термини тилшуносликда илк бор XX асрнинг 50-60 йилларида қўлланган ва инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқатини билдирган. А.Зимняя [5], А.Хоторский [6] ва бошқалар томонидан “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларига берилган таърифларда компетенция муайян фаолиятда талаб қилинадиган хулқ-автор, ўзини тутиш, компетентлик эса ушбу талабга мослик даражаси, яъни компетенцияни намойиш қилишнинг пировард натижаси деб талқин қилинади. Уларни умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда таълим жараёнида фаол қўлланаётган ушбу ту-

шунчаларни шарҳлашда қўйидаги хulosага келдик: “Компетенция” – маълум бир соҳада фаолият юритиш жараёнида шахсий сифатлар ҳамда билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; “компетентлик” эса муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатdir.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришини, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик қўйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда касбий компетенцияга эга мутахассис:
- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чукур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

### **Касбий компетентлик сифатлари.**

Касбий компетентлик негизида қўйидаги сифатлар акс этади (1-расм):

Кўйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

**1. Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.



I-расм. Касбий компетентлик сифатлари

**2. Махсус компетентлик** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланыш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, билим, кўйнумка ва малакаларни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуидаги мазмунни ифодалайди: 1) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни яратса олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш; 2) методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсаддага мувоғиқ танлай олиш, методларни самарали кўллай олиш, воситаларни муваффақиятли кўллаш; 3) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йигиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш; 4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш; 5) инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги гояларни илгари суриш, уларни амалиётта самарали

татбиқ этиш; 6) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш [3]. 3) Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш. 4) Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илгор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

Педагогик компетентликнинг таркибий асослари касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади.

Креативлик сўзи (инглизча “create” – яратувчанлик, ижодкорлик) сўзидан олинган бўлиб, инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истеъдод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принципиал янги гояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил фактори сифатида қабул қилинган ижодий қобилияtlаридир.

Америкалик олим Д.Векслер “Креативлик фикрнинг шундай турики, у шахсга бир

муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар пайдо бўлишини тақозо этади ва шаблонли, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўзига хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам беради ” - деб таъриф беради [3].

Креатив шахс бўлиш, бизнинг мисолимизда эса, креатив талаба бўлиш – бугунги дунёда афзалликларга эга бўлиш, масалан, бошқа талabalар ичида ажралиб туриш, бошқаларга қараганда қизиқ сухбатдош бўлиш, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлардан ноодатий тарзда чиқиб кетиш демакдир.

Креатив қобилиятларни фақат янги ғояларни яратишгина учун эмас, балки ҳаёт тарзининг, ёки алоҳида олинган аспектларни яхшилаш учун қўллаш ва шахснинг ички дунёси ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Креативлик ахборотни ёдда сақлаш ва фактларни йиғишига асосланганлиги туфайли анъанавий таълим системаси ҳар доим ҳам шахснинг, хусусан, талабанинг креативлик қобилиятини ривожлантиришга қодир эмас. Кундалик ҳаёт тарзи кўпинча шахснинг креатив хусусиятларининг пасайишига сабаб бўлади.

Махсус ёки қасбий компетентлик (қасбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш), Аутокомпетентлик (ўзини ижтимоий-қасбий ривожлантира олиш), Экстремал қасбий компетентлик (кутилмаган вазиятларда ишлай олиш), Ижтимоий компетентлик (қасбий фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш, ижтимоий масъуллик). Шу туфайли, креатив қобилиятларнинг ривожланиши фақат махсус ташкил қилинган муҳит бўлиши лозим. Келажакда ижодий қобилиятлардан фойдаланиш учун таълим жараёнига махсус топшириқларни киритиш зарур.

А.Маслоу ҳам креативликни – барчага хос түгма ижодий йўналиш, атроф муҳитнинг таъсирида кўпчиликда йўқолиб кетувчи фаолият деб ҳисоблаган.

Америкалик психолог олим Джо Пол Гилфорд ўзининг илмий тадқиқот ишларида креативлик ва интеллектни биринчи марота-

ба таққослади. У интеллект структураси моделини яратишда тафаккурни конвергент ва дивергент турига ажратди.

Конвергент тафаккур – (лотинча convergere – “бир йўлдан”) тафаккур формаси бўлиб, муаммонинг бир қанча ечимларидан фақат ягона тўғрисини танлашдир. Конвергент тафаккур асосида интеллект ётади, шунинг учун интеллектуал тафаккур деб ҳам аталади [4].

Дивергент тафаккур – (лотинча divergere – “бўлиниш”) ижодий тафаккур методларидан бири бўлиб, берилган бир муаммонинг бир қанча ечимларини топиш, шунинг билан бир қаторда, дивергент тафаккур “бир вақтнинг ўзида турли йўналишларга излашиш, яъни бир муаммога бир нечта тўғри жавоблар борлигини ва оригинал ижодий ғояларнинг туғилишига хизмат қиласи. Ди-вергент тафаккурнинг асосида креативлик ётади [2].

Джо Гилфорд умумий қобилиятлар соҳасини тадқиқ қилиш натижаларини системлаштириб, “интеллект структураси моделини”, яъни “ИСМ” ни таклиф этади. Унинг модели асосида “мазмун”, “операция”, “реакция”. Реакция – материалга нисбатан қандай операцияни қўллаш натижаси.

Гилфорднинг моделидаги барча факторлар мустақил бўлиб, у уч ўлчамли, баъзида эса номларнинг классификацион шкалалари турли хил ўлчамларда ҳам учраб туради.

Операция деганда Гилфорд синовдан ўтказилаётган объектнинг қобилиятини, яъни қуидаги психик жараёнларни тушунади: тушунча (дунёқараш сифатида), хотира, дивергент унумдорлик (ҳар хил йўналишларда фикрлаш), конвергент унумдорлик (фақат ягона тўғри жавобга олиб келувчи фикр), баҳолаш.

Мазмун эса ахборот ёки материалнинг операция олиб борилаётган табиати билан аниқланади: тасвир, символлар (ҳарфлар, рақамлар), семантика (сўзлар), хулқ.

Гилфорд креативликни дивергент тафаккурнинг унумдорлиги билан боғлайди.

Педагогик манбаларда сиз унинг “Креативлик – дивергент тафаккур жараёнидир” деган фикрини учратишиңгиз мүмкін. Дастанлаб, Гилфорд ўз креативлик структурасыда дивергент тафаккурдан ташқари ўзгарувчанлик қобиляти, ечимнинг аниклиги ва бошқа интеллектуал параметрларни бирлаштириди. Шунингек, у креативлик ва интеллект ўртасыда ўзаро узвий алоқа борлигини исботлади. Бирок, Гилфорд ўз тажрибаларида юқори интеллектуаллиларнинг тест ечиш давомида ижодкорлик хулқини ҳар доим ҳам күрсатмаслигини, креатив паст интеллектуалли бўлмаслигини аниклади.

Шундай экан, дивергент тафаккур креатив жараённинг барча хусусиятларини акс эттирамайди.

Умуман олганда, креативлик – бу янги, оригинал ғояларни яратиш, фикрлашнинг ностандарт шакли, берилган муаммоларга омадли ечимлар топишидир. Креатив тафаккур эса революцион тафаккур бўлиб, у конструктив характерни ифодалайди.

Үқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишида таълим ва тарбия жараёнини са-

марадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал килишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти “Креатив педагогика” қуидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларни ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиласынан стратегия ва воситаларни тавсия этиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Шу сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади.

Юқорида келтирилган касбий компетенция педагогларнинг фаолиятидаги етуклик кўрсаткичи ҳисобланиб, мутахассиснинг муроқот жараёнида шахс ҳамда мутахассис сифатида шаклланишида асосий омил бўла одади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: [http://www.vshu.ru/lections.php?tab\\_id=3&a=info&id=2600](http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600)
  2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
  3. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари / – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
  4. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.
  5. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании // 2005. – № 6. – С. 13–29.
  6. Хуторский, А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования // Народное образование. 2003. - №2. - С. 58-64.

# КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АНДРАГОГИК ЁНДАШУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Х.ХАКИМЖОНОВА**  
**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти катта ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада касб-хунар таълими тизимида ислоҳотлар ва унинг вазифалари, касб-хунар коллежларида таълим жараёнини ташкил этишда андрагогик ёндашувлар асосида амалга оширишнинг долзарбилиги ва андрагогик таълимда ёндашувлар ва ўқитиш услубларидан фойдаланиш лозимлиги баён этилган. Шунингдек, катталар таълимида таълим олувчиларга индивидуал ёндашиш орқали қандай натижаларга эришиш мумкинлиги тўғрисида таҳлил натижалари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** андрагогика, катта ёшли инсон, компетенция, индивидуал ёндашув, касбий компетенция.

**Аннотация.** В данной статье описаны реформы в системе профессионального образования и ее задачи, актуальность реализации на основе андрагогических подходов к организации образовательного процесса в профессиональных колледжах и необходимость использования подходов и методов обучения в андрагогическом образовании. Также были представлены результаты анализа того, какие результаты могут быть достигнуты путем индивидуального подхода к обучающимся в образовании взрослых.

**Ключевые слова:** реформа, образование взрослых, компетентность, андрагогика, профессиональное развитие, индивидуальный подход, профессиональная компетентность.

**Annotation.** This article outlines the reform of the vocational education system and its objectives, the relevance of the implementation of the educational curriculum on the basis of theoretical approaches to the teaching process and the use of approaches and teaching methods in the pedagogical education. Also, the results of the analysis of the results of the individual approach to adult education are given.

**Key words:** reform, Adult Education, Competence, Andragogy, Professional Development, Individual Approach, Professional Competence.

Бизга маълумки, ривожланган давлатлар тараққиётга эришиш учун ислоҳотларни, айнан, таълим соҳасидан бошлаган. Натижада, иқтисодиёти ривожланмаган мамлакатлар қисқа вақт оралиғида юқори технологиялари ривожланган мамлакатга айланган. Ушбу соҳада катта ислоҳотларни амалга оширган Корея, Финляндия ва Сингапур каби давлатлар бунга яққол мисол бўла олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари таълим тизимида ҳам тубдан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда ҳалқаро тажрибалар асосида профессионал стан-

дарт, миллий квалификация рамкалари халқаро квалификация рамкаларига мос равишда ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Бу эса коллежларда жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрланиши мақсад этиб белгиланган. Касбларнинг ва мутахассисликларнинг мураккаблилигидан, ўқувчилар эгаллаши керак бўлган билими, малака, кўнишка ва компетенциялар ҳажмидан келиб чиқиб, таълим жараёнида дифференциаллашган ҳолда, яъни 6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим дастурлари жорий қилинади [3].

Республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган иннова-

цион технологик жараёнлар, тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнесни қўллаб-куватлашнинг янгича ёндашувлари натижасида яратилаётган янги технологик иш ўринлари ўрта бўғин кадрларини тайёрловчи янги турдаги касб-хунар таълими муассасалари тармоғини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси regulation.gov.uz порталига 2019 йил апрель ойида “Касб-хунар таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори муҳокамага кўйилди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5313-сонли Фармони билан ташкил этилган Касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурлари асосида тадбиркорлик соҳаси, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ҳамда маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжларига асосан кадрлар тайёрлайдиган «Кўп тармоқли» касб-хунар коллежлар, иктисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар асосида яратиладиган янги иш ўринларини малакали мутахассислар билан бутлашга йўналтирилган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар тасарруфидаги фаолият қўрсатадиган «Идоравий» касб-хунар коллежлар, олий таълим тизими билан интеграциялашган «Олий мактаб» кўринишида фаолият қўрсатадиган касб-хунар таълими муассасаларини ташкил этиш таклифи берилган. Мазкур касб-хунар таълими муассасаларида аҳоли турли тоифаларини «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи бўйича умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари, катта ёшли аҳоли, шунинг-

дек, ишсиз ёшлар ва ногирон шахсларни турли касб ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш назарда тутилади.

Демак, 2019-2020 ўкув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларига катта ёшли аҳолининг қабул қилиниши таълим жараёнини андрагогик ёндашувлар асосида амалга оширишни тақозо этади.

Андрагогика – катта одамни бошқариш, етаклашдир. Бунинг учун бошқарилаётган, етакланаётган одамнинг табиати ва хусусиятларини билиш лозим.

Андрагогика катталарни ўқитиш амалиётини ўрганувчи ва умумлаштирувчи фан сифатида катта ёшдаги одамларнинг таълимий мақсадларини шакллантиришга асосланган ва амалга оширишга имкон беради. У катталар ҳаётида таълимни ривожлантирувчи, ижтимоийлаштирувчи ва мослаштирувчи ролини таъминлашга ёрдам берадиган тамойиллар, методлар ва воситаларни очиб беради. Шундай қилиб, андрагогика бутун умр давомида таълим муаммоси бўйича ечимни ҳал қиласди.

Катталар таълими ва бутун умр давомида таълим (“Ҳаёт давомида таълим олиш принципи”) кўпчилик ривожланган мамлакатларда умумий таълим тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, илмий-техника тараққиёти ҳамда аҳолининг бандлиги даражасини оширишда муҳим рол ўйнайди. Бу эса, катталар таълими жамиятнинг иктисодий ва маданий ривожланишидаги ўрни сифатида эътироф этилганлиги айни ҳақиқатдир.

Касб-хунар таълими муассасаларида фаолият юритаётган раҳбар ва педагогларни катталар таълими бўйича жаҳон тажрибалар, тамойиллар, ёндашувлар, методикалар, меъёрий асослар билан таништиришни айнан малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Катта ёшдаги кишиларни ўқитишнинг

назарияси ва амалиёти масалалари, катталар таълимининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари А.Зокиров, Н.Абдунаизарова, Г.Елдашева, Н.Рахимовлар, катталар таълимида педагогик инновацияларга оид тадқиқотлар бўйича А.А.Абдукадиров, Н.Азизходжаева, Д.Юнусова, К.Уматалиевалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Мазкур олиб борилган тадқиқотлардан хулоса қилиб қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозимdir:

Катталарнинг касбий ривожланиш бўйича назарий-методологик асосларини аниқлаш;

Таълим жараёнида педагогни касбий ривожланишининг илмий асосларини белгилаш;

Катталар таълими хусусиятларини аниқлаш;

Катта ёшли таълим олувчининг касбий ривожланиш моделини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш.

ЮНЕСКО тадқиқотларига кўра, катталар таълимининг устувор вазифаси – инсонни замонавий тезкор ривожланаётган жамиятда ижодий фаолият ва қувончли ҳаёт учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуаси билан таъминлашdir [4].

Андрографик билимнинг илмий контексти қуйидаги категорияларни қамраб олади: инсон; вояга етганлик; катталар таълими; узлуксиз таълим ва андрагог<sup>1</sup>.

Катта ёшли таълим олувчининг касбий компетентлигининг шаклланиш босқичлари қуйидагича бўлиши лозим: ўз-ўзини таҳлил қилиш ва англаш; ўзини ривожлантиришни режалаштириш, мақсад ва вазифаларни белгилаш; ўз устида доимий ишлаш орқали ўзини намоён этишdir.

Турли кўринишдаги замонавий таълим технологияларнинг умумий тасвири

таълим берувчи ролининг ўзгаришида деб қараш мумкин. Таълим берувчи ўқитиши жараёнининг одатдагидек фаол иштирокчиси бўлиши зарур эмас. У фаол таълим берувчидан модератор, тренер, фасилитатор, тьютор ва бошқа ролларни эгаллаши катталар таълимининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади. Ўқитишининг бундай шаклида ўқитувчи ва тингловчи ўзаро таъсир остида бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда таълимнинг асосий шарти тингловчи муаммоларини аниқлаш ва уни бартараф этишга ҳамда мавжуд билим, кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим. Бу борада қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- Таълим жараёнини баҳолаш;
- Таълим олувчи учун зарур бўлган билимларини эгаллашга кўмаклашиш;
- Таълим жараёни таълим олувчи муаммоси атрофида ташкил этиш;
- Ўқитишининг янги метод ва технологияларини кўллаш;
- Таълим олувчилар билимларини инновацион ғояларни шакллантиришга йўналтириш;
- Таълим жараёнига ахборот технологияларнинг ютуқларини жорий этиш.

Бунда катта ёшли таълим олувчилининг хатти-ҳаракатлари қуйидагича намоён бўлади:

- ўқитиши жараёнида асосий ролда бўлиш ҳоҳиши;
- таълимни ўзи амалга оширишга, ўзи бошқаришга ва мустақил бўлишга ҳаракати;
- ҳаётий тажрибаси уни ўзини ва ҳам-касларини ўқитиши учун зарурый манба эканлиги;
- зарурый ҳаётий муаммони ечиш ва аниқ мақсадга эришиш учун таълим олиши;
- таълим олиш жараёнида қобилият, марака, кўникма, билим ва сифатни кечиктирмай қўллашга ҳаракат қилиши;
- ўқиши жараёнини режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш ва тузатишлар ки-

<sup>1</sup> Основы андрагогики: Учеб. пособие для студ. высш. пед. О 753 учеб. за- ведений / И. А. Колесникова, А. Е. Марон, Е. П. Тонконогая и др.; Под ред. И. А. Колесниковой. - М: Издательскийцентр «Академия», 2003. - 240 б.

ритишнинг барча бўғинларида ўзаро ҳамкорлик шаклида амалга оширилиши.

Демак, касб-хунар коллежларида таълим жараёнини андрагогик ёндашувлар асосида амалга ошириш алоҳида ёндашувни талаб этади. Жумладан, таълим олувчиларнинг ёши, шахсий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Таълимни тўғри ташкил қилиш тўғридан-тўғри таълимга янгича ёндашув ва шахс ривожланишининг муаммоларига қаратилганлигига боғлиқдир. Бу дегани таълим жараёни мавжуд билимлардан унумли фойдаланишга ва кўникмаларини ривожланитишишга, таълим диалогик: таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида қайта алоқанинг радикал ривожланиш тизимини йўлга қўйиш, таълим олувчиларнинг мотивациясини ошириш мақсадида машғулот таълим ресурсларига бой ва ахборотни излаш мезонлари ҳамда ахборотларни баҳолаш имкони бўли-

ши лозим.

Хуласа қилиб айтганда, касб-хунар коллежларида таълим жараёнини андрагогик ёндашувлар асосида амалга ошириш, катталар таълимининг ташкил қилишда:

- катталар таълими учун маҳсус мўлжалланган ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш, бунда улар таълимини самарали ташкил қилиш имкони пайдо бўлади;

- катталар таълимимга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, катталарнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари инобатга олинган катталар таълими технологияларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим тизимида мутахассис-андрагогларни (маслаҳатчилар, раҳбарлар, ахборот-йўналтириш хизмати ходимлари, ишлаб чиқаришда катталарни ўқитиши ташкилотчилари ва х.к.) тайёрлашни киритиш мақсадга мувофик ҳисобланади.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Основы андрагогики: Учеб.пособие для студ. высш. пед. О 753 учеб.заведений / И. А. Колесникова, А. Е. Марон, Е. П. Тонконогая и др.; Под ред. И. А. Колесниковой. — М: Издательский центр «Академия», 2003. — 240 с.
2. А.Зокиров, Н. Абдуназарова, Г. Елдашева, Н. Рахимов. Катталар таълимининг хусусиятлари. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТ 2013, 178 б.
3. <https://sputniknews-uz.com/analytics/20180210/7477865/Ozbekistonda-kasb-hunar-talimi-islohoti-nima-ozgaradi.html>.
4. [http://www.unesco.org/new/ru/media-services/single-view/news/global\\_report\\_on\\_adult\\_learning\\_and\\_education\\_calls\\_on\\_count/](http://www.unesco.org/new/ru/media-services/single-view/news/global_report_on_adult_learning_and_education_calls_on_count/)

## КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ж.МАТЧАНОВ**

**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти бўлим бошлиғи, мустақил тадқиқотчи**

**Аннотация.** Ушбу мақола касб-хунар таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштиришга бағишланади. Мақолада бугунги кундаги Ўзбекистон Республикаси Касб-хунар таълими тизимида мавжуд баҳолаш тизими ва халқаро WorlSkills стандартидаги баҳолаш тизими таҳлили таққосланган.

**Калит сўзлар:** таълим сифати, халқаро таълим стандартлари, халқаро WorlSkills стандарти, мустақил баҳолаш ва унинг мақсад, вазифалари.

**Аннотация.** Эта статья о повышении качества образования в системе профессионального образования. В статье сравниваются действующая система оценки в системе профессионального образования Республики Узбекистан и международная система оценки WorlSkills.

**Ключевые слова:** качество образования, международные образовательные стандарты, международный стандарт WorlSkills, независимая оценка и ее цель и задачи.

**Annotation.** This article is about improving the quality of education in the vocational education system. The article compares the current assessment system in the vocational education system of the Republic of Uzbekistan and the international assessment system WorlSkills.

**Key words:** quality of education, international educational standards, international standard WorlSkills, independent assessment and its purpose and objectives.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида” ги Ф-4941-сон фармойиши асосида ишлаб чиқилган ҳаракатлар режасида касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши бўйича касб-хунар таълими муассасаларида халқаро баҳолаш дастури талаблари асосида ўкувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича билимларини ташқи баҳолаш тизимини жорий қилиши борасидаги вазифалар белгиланди. Шу билан бирга бугунги кун талабларига биноан касб-хунар таълими тизимида сифат даражасини баҳолашда малака ва кўникмаларга эътибор берилиши лозимлиги қайд этилди.

Касб-хунар таълими стандарти талабларини таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи, халқаро квалификация рамкалари, профессионал стандартлар

талабларига мувофиқлигини ўрганиш, тизимни халқаро андозалар талабларига ўйғунлаштириш борасида ислоҳотлар даврида касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар билимини баҳолашнинг энг оқилюна услубини қўллаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январь “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5313-сон Фармонида тилга олинган Касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти касб-хунар коллежлари таълим йўналишларига жавоб бермайдиган ўкув устахоналари ташкил этилишига, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келганлиги, Касб-хунар коллежлари моддий-техник жиҳозланишининг ўртача даражаси бугунги кунда атиги 56 фоизни ташкил этётганлиги ва 31 та касб-хунар колледжида

ўқув устахоналари умуман мавжуд эмаслиги танқид қилинди. Афсуски, бу ҳолатлар тегишли равишда қатор таълим йўналишлари бўйича битирувчиларнинг таълим даражаси тушиб кетишига, уларга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига олиб келди ва натижада ўқиши тамомлагандан кейин иш жойларида уларни қўшимча ўқитиш заруратини келтириб чиқарди.

Мазкур муаммолар касб-хунар таълими тизимида таълим сифатини баҳолашнинг янги мезонлари ва воситаларини, амалий имтиҳонларни ва битирувчиларни мустақил баҳолаш тизимларини ишлаб чиқиш заруратини юзага чиқарди.

**Таълим сифати** – таълим дастурларининг режалаштирилган натижаларига эришиш даражасини ифодаловчи таълим фаолияти ва таълим олувчиларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ДТСга мувофиқлиги ҳисобланади.

*Хўи касб-хунар таълим сифатини қандай шакллантирамиз?*

Агар бугунги кундаги ислоҳотлардан келиб чиқсак, касб-хунар таълими сифатини баҳолашда **халқаро стандартлар, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий стратегик мақсадларидан** келиб чиқишимиз лозим.

Касб-хунар таълими миллий стандартлари талабларини **халқаро таълим стандартлари** таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш. Баҳолаш жараёнида бугунги кунда таълим интеграцияси жараёнида рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун касбий таълим тизимимизнинг натижаларини халқаро миқёсда қабул қилинган мезонлар ва стандартлар билан таққослашимиз лозим.

**Иқтисодиётнинг ривожланиш ис-**

тиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни, битирувчиларни эҳтиёж юқори бўлган ва турдош мутахассисликлар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий қўнималарга эга бўлишганлигини, камида иккита хорижий тилни билиш даражасини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Давлат дастурларида белгиланган фуқароларнинг оиласи турмуш даражани яхшилаш шароитида битирувчиларни қўллаб қувватлаш билан боғлиқ бўлган **ижтимоий стратегик мақсадни** амалга ошириб, уларни меҳнат бозорига тезроқ кириб бориши ва муайян оиласи ёки ижтимоий шароитларда мустақил бўлишлигини эътиборга олиш шарт.

Касб-хунар таълими тизимида битирувчиларни профессионал малакасини белгиловчи – профессионал стандартлар ва у билан боғлиқ профессионал таълим дастурлари учун талабларни шакллантиришда муаммолар сақланиб қолмоқда. Хорижий тизимларда Касб-хунар таълими халқаро стандартида ҳар йили энг қўп талаб қилинадиган ва истиқболли касблар ва мутахассисликларнинг стандартлари янгиланиш баробарида мутахассисларни баҳолашга қўйилган талаблар ҳам такомиллаштирилмоқда.

Мутахассисларни илгор такомиллаштирилган баҳолаш имтиҳонларидан самарали тизим сифатида WorldSkills моделидаги кўргазмали имтиҳонни мисол қилиш мумкин.

WorldSkills International-халқаро нотижорат ташкилоти ишчи касб нуфузини ошириш учун 1953 йилда Испанияда ташкил қилинган ва бугунги кунда 79 та давлат ташкилот фаолиятида қатнашиб келмоқда.

Ташкилотнинг мақсади бутун дунё

бўйлаб касбий тайёргарлик, малака ошириш мақоми ва стандартларни тақомиллаштириш, касб-хунар тизимида инновацияларни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратиш ва бу бўйича WorldSkills эксперtlари ўртасида алоқаларни йўлга қўйишга кўмаклашиш, WorldSkills иштирокчилари, дунёдаги бошқа ёшлар ўртасида касб-хунар, билим ва маданият алмашинувини рағбатлантиришdir.

Мазкур ташкилот ўзига баҳолаш имтиҳонлари тизимини ишлаб чиқсан ва аъзо давлатлар ўртасида мутахассисларни баҳолаш бўйича тадбирлар ташкил қилиб келмоқда.

Ушбу имтиҳон шакли халқаро тажрибани ривожлантириш ва халқаро стандартларга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор.

Устунлик томони намойишкорона имтиҳон шаклидаги яқуний аттестация касбий таълим сифатини **мустақил баҳолашни** кафолатлади. Давлатимизда касб-хунар таълими тизимида ҳам миллий хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда мазкур тизимни жорий қилиш таълим сифатини баҳолашнинг самарадорлигини таъминлади.

Мустақил малакани баҳолаш тизими биринчи навбатда иш берувчиларни фаол иштироки билан боғлиқ масала ҳисобланади. Яъни, имтиҳон жараёнларига иш берувчиларни жалб қилиш ва таълим ташкилотидан ташқарида баҳолаш жараёнини ташкил қилишни ўз ичига олади. Фақат бу жараённи профессионал стандартларни жорий қилиш орқали ташкил қилиш мумкин.

### **Мустақил баҳолашнинг мақсад ва вазифалари:**

Биринчи навбатда таълим муассасаси ходимларини касбий фаолиятда ҳаракатчанлигини ошириш ҳисобланади. Эн-

диликда таълим хизмати кўрсатувчилар профессионал стандартларда бўлаётган ўзгаришларни доимий кузатишларни инобатга олган ҳолда касб-хунар таълими хизматларини кўрсатишга мажбур бўлишади.

Иккинчидан, касб-хунар таълими ва таълим бериш жараёни сифатини баҳолашнинг самарадорлиги ошириш. Бугунги кунда касб-хунар таълими тизимидағи муаммолардан биттаси, яъни иш берувчилар билан ҳамкорлик орқали сифатни таъминлаш бугунги кун талаблари даражасига олиб чиқилади.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва таълим тизими ходимларини таълим хизматларида иштироқида ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароитлар яратиш. Касб-хунар таълими муассасалари ишлаб чиқариш таълими усталарини ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қилиш ёки ишлаб чиқариш усталарини таълим жараёнида иштироқини таъминлаш механизми шаклланади.

Тўртингчидан, профессионал малакани ривожлантиришда профессионал жамоаларни шакллантириш ва уларнинг ролини кучайтириш;

Бешинчидан, мутахассислар малакаларининг касб-хунар стандартига мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш;

Олтинчидан, битирувчи кадрларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишdir.

Касб-хунар таълими муассасаларида яқуний давлат аттестациясини ўтказиши тартиби тўғрисидаги Низомда белгилangan баҳолаш тизими рақобатбардошлини эмас, балки муайян фаолиятни амалга ошириш учун муҳим бўлган асосий меҳнат функциялари ва ҳаракатларини текширишга қаратилган.

Мустақил баҳолашнинг хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- жараён рақобат асосига қурилмайди;
- касб-хунар стандартига мувофиқ

аниқ бир мезонларга асосланган баҳолаш-  
га йўналган;

- аниқ баҳолашга эга (тайёр ёки тайёр  
эмас қабилида);

- баҳолаш учун мақбул индикаторлар  
(Профессионал стандартларда белгилан-  
ган талабларни имтиҳон қоидалари 100 %

акс эттириш мажбурий эмас).

Ислоҳотлардан келиб чиқиб, келгу-  
сида мустақил малакани баҳолаш тизими  
мезонларини Касб-хунар таълими муас-  
сасаларида якуний давлат аттестациясини  
үтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда акс  
эттириш мақсадга мувофиқ.

### **Баҳолаш жараёнлари бир-биридан қандай фарқ қиласди?**

Кўрсатгич- лар	WorlSkills стандартидаги имтиҳон- лар	Касб-хунар таълими муассасала- рида якуний давлат аттестацияси- ни үтказиш тартиби тўғрисидаги Низом
<b>Мақсад</b>	Билим, малака ва қўнімда даражаси- ни аниқлаш, WorlSkills стандартлари- га мувофиқ халқаро даражада рақо- батбардош касбий фаолиятни амалга ошириш имкониятини яратиш	ДТС талабларига мувофиқ профес- сионал фаолиятни амалга оширишга тайёрлигини аниқлаш
<b>Баҳолаш асослари</b>	Халқаро даражадаги WorlSkills стан- дартлари	Профессионалний стандарт ва қону- ний равишида қабул қилинган бошқа малака талаблари
<b>Баҳолаш предмети</b>	Халқаро даражадаги WorlSkills стан- дартларидаги компетенциялар	Қонун билан тасдиқланган талаблар- га мувофиқ малака даражалари
<b>Баҳолаш воситалари</b>	WorlSkills эксперtlари томонидан ишлаб чиқилган имтиҳонлар инфратузилмаси, мезонлари ва топшириқлар	Мутахассислар жамоасининг умумий бирлашмалари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган воситалар
<b>Малака талаблари</b>	WorlSkills талаблари асосида ишлаб чиқилган миллий талаблар	ДАК томонидан кўрсатилаг талаб- ларга мувофиқ
<b>Имтиҳон комиссияси</b>	Фақатгина WorlSkills эксперtlари ва таълим муассасалари ўқитувчилари	Касб-хунар таълими тизими экспер- тлари.(Турли мутахассисликларга бириклирилган эксперtlар)
<b>Баҳолаш жараёни</b>	Танлов шаклдаги топшириқларини баҳолаш учун белгилangan қоидалар	Расмий хусусиятдаги рақобат хусуси- ятига эга бўлмаган жараён
<b>Хужжатлар</b>	Бир вақтни ўзида мутахассислик дипломига эга бўлиш ва иш берувчи- лар томонидан мутахассис сифатида тан олиниши, WorlSkills стандарти- да фаолият олиб бориш малакага эга эканлигини кўрсатувчи сертификат	Мутахассислик дипломи ва белилан- ган талабдаги малака даражаси

Шундай бўлса ҳам, намойишкорона имтиҳонлар асосида баҳолаш (WorldSkills модели бўйича) якуний аттестацияларида айrim камчиликлар мавжуд:

- якуний давлат аттестациясида Касб-

хунар таълими мутахассисликлари ва  
каслари ўртасидаги чегараларга эътибор  
берилмаслиги;

- битирувчиларни тайёрлаш сифатини  
стандартлаштирилган баҳолашни амалга

ошириш учун мезонлар ишлаб чиқиш ус-  
лубиятининг йўқлиги;

- имтиҳон жараёнларида мустақиллик тамоилини бузиш ҳолатлари (кўпинча тизим вакиллари томонидан);

- Ўзбекистон шароитида меҳнат бозори томонидан эътироф этилган малака талаблари шакллантирилмаганлиги;

-WorlSkills ваколатларининг бизнинг малака талабларимиз билан номувофикдиги:

- намойишкорона имтиҳонларни ташкил қилишда масъулларнинг ёндашуви ва ўтказишинг молиявий ва моддий қийинчиликлари шулар жумласидандир.

Мавжуд тадқиқотдан келиб чиқадиган бўлсақ, намойишкорона имтиҳонлар бу-гун кунда касб-хунар таълимига қўйила-ётган мамлакат иқтисодиётини янада ис-лоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўкув жараёнига ин-новацион ғоялар, технологиялар ва ишлан-маларни фаол қўллаб касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳам-корлигини таъминлаш ва юқори самарали ўкув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва инновацион технологиялар-

га асосланган парклар билан жиҳозланган касб-хунар колледжларининг замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун айни муддао хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 майдаги “Мехнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 394-сонли қарорининг қабул қилиниши мазкур халқаро стандартдаги имтиҳонларни ташкил қилишга асосдир. Ундан ташқари кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисадиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-хунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштиришга ва касб-хунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш, десак янглишмаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти 2017 йил 18 майдаги “Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ф-4941-сонли Фармойиши.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва қасб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313 сонли Фармони
  3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни қасбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сонли қарори
  4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 4 сентябрдаги 39/ҚҚ ва 27/ҚҚ-сон қарори асосида тасдиқланган “Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”
  5. Журнал «Образование. Карьера. Общество» Учредитель журнала – «Кузбасский региональный институт развития профессионального образования» №1 (56) 2018.

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ШАРҚ ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА

**Ф.Р.ВАЛИЕВА**

**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти таянч докторанти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада шарқ мутафаккирларининг ўзига хос ўқитиш услубияти ёритиб берилган. Таълим тизимини ривожланиш тараққиёти натижасида юзага келган таълим турлари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** мифологик таълим, схоластик таълим, маърифатпарварлик, таълимнинг тарихий хусусиятлари.

**Аннотация.** В этой статье освещена методика преподавания восточных мыслителей. В результате развития системы образования были сформулированы виды образования.

**Ключевые слова:** мифологическое образование, схоластическое образование, просвещение, исторические особенности образования.

**Annotation.** This article describes methods of teaching Oriental thinkers. As a result of the development of the education system, the types of education were formulated.

**Key words:** mythological education, scholastic education, enlightenment, historical features of education.

Европа ва Шарқ, Осиё ва Америка мамлакатларида таълим турлари тарихий тараққиёт натижасида юзага келган. Биринчи тури **мифологик таълим** бўлиб, унда дунёниг моҳияти эртак, афсона, достон, қисса ҳамда қўшиқлар шаклида ўрганилган.

Кейинги тарихий тури **схоластик таълим** бўлган. Унинг моҳиятига кўра, таълимда матн маданияти ва ер, осмон ҳақидаги билимлар сўз билан ифодалиб, хотира ва иродани машқ қилдириш асосида ёш авлодга инсон мавжудлиги ва у томонидан ташкил этиладиган фаолият мазмуни ҳақида билимлар берилган ҳамда саводхонлик ва нутқ маданияти ўргатилган.

Таълимнинг учинчи тарихий тури – **маърифатпарварлик** бўлиб, у дунёвий билимлар яратилган даврда юзага келган. XX асрдан бошлаб эса турли таълим моделлари, турлари ва кўринишларининг ривожланиш жараёни кузатилади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда илмий асосларга кўра

таълимнинг қўйидаги турлари ва кўринишлари мавжуд<sup>2</sup>:

- Илмий билимларни ўзлаштирилиш тури ва сифатига кўра (биологик, математик, физик, иқтисодий, физиологик таълим ва шу кабилар);
- Устувор мазмунга кўра (назарий ва амалий, гуманитар ва бошқалар);
- Ижтимоий фаолиятларни эгаллаш тури ва маҳоратига кўра (анъанавий таълим, бадиий эстетик, диний таълим ва бошқалар);
- Кишилик жамиятининг маданий қадриятларни ўзлаштириш кўламига кўра (миллий, европа, халқаро, глобал таълим ва бошқалар);
- Таълим тизими турига кўра (университет, академик лицей, касб-хунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва бошқалар);
- Таълим мазмуни йўналишининг устуворлигига кўра (формал ва моддий, илмий ва элементар, гуманитар ва табиий фанлар, умумий ўрта, касб-ху-

<sup>1</sup> Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана (XIV-XVвв). / Х.А.Аликулов; Под ред.: М.М.Хайруллаева; АН. РУз; Институт философии и права.- Ташкент: Фан, 1992.

<sup>2</sup> Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. М.: Педагогика, 1986. 150 с

- нар, олий таълим ва бошқалар);
- Таълим даражасига кўра (бошланғич, ўрта, умумий ўрта, касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим)

**Таълимнинг тарихий хусусиятлари.** Таълим мазмуни тарихий хусусиятга эга, чунки у жамият ривожининг у ёки бу босқичида устувор ўрин тутувчи ижтимоий мақсад ва вазифалар билан белгиланади. Бу таълим мазмунининг ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш ва касбий билимларнинг ривожланиш даражаси талаблари таъсири остида ўзгариб боришини англатади. Таълим ижтимоий ҳодиса сифатида болаларнинг билимларни ўзлаштиришга бўлган амалий эҳтиёжлари негизида шаклланган ва одамларга ҳаёт фаолиятларини йўлга қўйиш учун зарур. Билимларни тўплаш ва чуқурлаштириш, жамият маданиятининг ўсиб бориши билим томонидан ташкил этилувчи функциялари қўлламини ошишини таъминлайди. Мазкур ёндашувлар (амалий ва маданий) кишилик жамиятининг турли босқичларида таълим мазмуни йўналишларини белгилаб келган.

Ўрта асрларда, яқин ва Ўрта Шарқда диний ўкув муассасалари – мадрасалар таълим ва фан марказлари бўлган. Ўзбекистонлик, Россиялик ва чет эл шарқшунос тадқиқотчилар томонидан мадраса туридаги ўкув муассасалари айнан Марказий Осиёда юзага келгани ва шу ердан бошқа мамлакатларга тарқалгани исботланган<sup>3</sup>.

Сомонийлар даврида (X аср) фақат Самарқанднинг ўзида 20 га яқин мадрасалар мавжуд бўлган. Абу Али Ибн Сино (980-1037) ўзининг “Донишнома” (“Билимлар китоби”) номли асарида мазкур мадрасаларда фақат мусулмончиликка оид билимлар берилибгина қолмай, балки дунёвий илмлар ҳам ўрганилганлиги, илмий

тадқиқотлар олиб борилганлиги, уларнинг негизида илмий мактабларнинг юзага келганлиги қайд этилади<sup>4</sup>.

Ўз даврида мадрасаларда ўқитилиши йўлга қўйилган фанларни Абу Али Ибн Сино қуйидаги тизимлар бўйича ажратади<sup>5</sup>: одоб (хулқ этикаси), астрономия, тиббиётшунослик, тил ва унинг грамматикаси, фикҳ (мусулмон қонунчилиги).

Аллома томонидан таклиф этилган тарбия турлари эса қуйидагилардан иборат: 1) ақлий тарбия; 2) жисмоний соғломлаштириш; 3) эстетик тарбия; 4) маънавий тарбия; 5) хунарга ўрагатиш. Абу Али Ибн Сино томонидан таклиф этилган тарбия турлари Марказий Осиёда, Ўйғониш даврида (IX-X) таълимнинг инсонпарварлик ва шахснинг баркамол ривожланиши борасидаги ғояларга асосланган эди, – дейишга имкон беради.

Шарқдаги уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари – Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Берунийлар ўзларининг таълимий қарашларида биринчи ўринга инсон шахсини қўядилар ҳамда болаларни ҳар томонлама, жисмоний ва эстетик камолотга эришишлари, шунингдек, тилларни билишларини зарур деб ҳисоблайдилар. Ақлий таълимни ташкил этувчи фанлар сирасига математика, астрономия, механика ва табиатшунослик каби табий-илмий фанларни киритадилар.

Алломалар болага хурмат билан муносабатда бўлиш ғоясини илгари сурадилар. Схолистик ўқитиш ва қатъий интизомга қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, ўқиши болада қизиқишини уйғотиши керак.

Мухаммад Тарагай Улуғбекнинг (1394-1449 йиллар) Самарқанддаги фаолияти XIV-XV асрларда мадрасаларнинг фанлар ривожини таъминловчи марказлар вазифасини бажарганлигини қўрсатади<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тошкент: Маънавият, 1999, 19 бет

<sup>4</sup> Ибн Сино. Донишнома. Донишмандлик китоби. Сталинабад. 1957.

<sup>5</sup> Ибн Сино. Сараланган фалсафий асрлар. — М.: Наука, 1980.

<sup>6</sup> Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т. 1995

Мұхаммад Тарагай Улұғбек Самарқанд-нинг ҳукмдори бўлиши билан бирга астроном, математик ва тарихчи сифатида машхур бўлган. Шунингдек, алломанинг моҳир педагог ҳам бўлганлигини тарихий далиллар қайд этади. Чунончи, аллома кўплаб истеъодли ёшларни тарбиялаган. У одамлар, айниқса ёшларнинг илмий билимларни ўрганишларига катта аҳамият берган.

Аллома ўз давлатида таълим соҳасида жиддий ислохотларни ташкил этди. У мадрасаларни давлат таъминотига ўтказди, мударрис (ўқитувчи)ларга ойлик иш хақи белгилади, шогирд (талаба)ларга стипендия ажратди.

Буюк истеъдод эгаси сифатида аллома ўз давридан бир неча асрларга ўзеб кетган. Деярли 600 йил аввал Мухаммад Тарагай Улуғбек қуидаги аксиомани илгари сурган: билим олишга интилиш давлат равнақига йўл демакдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги тажрибаси мазкур фикрни тўлалигича тас-

диклайди.

Европа уйғониш даври (XIV-XVI асрлар) маърифатпарварлари XVIII-XIX асрларда ҳам шахснинг баркамол ривожланиши фояларини илгари сурганлар. Мисол учун, Италия маърифатпарвари В. Де Фельтре (XV аср) “қувонч мактаби”ни ташкил этади. Бу мактабда болага эркин жисмоний ва ақлий ривожланиш имкони берилган. Ж.Ж.Руссонинг эркин тарбия назарияси, И.Г.Песталоццининг одамни фаол ҳаётий фаолиятга жалб этиш йўли билан уни ривожлантириш ҳақидаги фояси XX аср педагогикасининг ривожига ўз таъсири кўрсатди<sup>7</sup>.

Тарихийлик тамойилини таълим ва педагогика тизимларини тадқиқ этишнинг энг муҳим тамойилларидан бири, деб аташ мумкин. Тарихийлик тамойили педагогик тафаккурнинг ривожланиш узвийлигини, унинг методологик асосларини яққол очиб беради. Айнан тарихий ривожланиш мантиғи янги педагогика тизимининг ривожланишига олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана (XIV-XVвв). / Х.А.Аликулов; Под ред.: М.М.Хайруллаева; АН. РУз; Институт философии и права.- Ташкент: Фан, 1992.
  2. Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. М.: Педагогика, 1986. 150 с
  3. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тошкент: Маънавият, 1999, 19 бет
  4. Ибн Сино. Донишнома. Донишмандлик китоби. Салинабад. 1957.
  5. Ибн Сино. Сараланган фалсафий асарлар. – М.: Наука, 1980.
  6. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т. 1995
  7. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.Ўзбекистон, 1997.34-81 бетлар

7 Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.Ўзбекистон, 1997.34-81 бетлар

## МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭҲТИЁЖЛАРИ АСОСИДА ҚАБУЛ КВОТАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ

**Д.Р.РАХМАТУЛЛАЕВА**  
**КҲТТИРПКМО ва УҶТИ доценти (в.б.), PhD**

**Аннотация.** Ушбу мақолада меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иктисодий механизми ва концептуал йўналишларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат бозори талабини ўрганиш асосида ўкувчиларни, катта ёшдаги ва хорижий давлатда ишлаш истагини билдирганларни эҳтиёж асосида қабул квоталарини шакллантириш методикаси келтирилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, эҳтиёж, қабул квоталари, буюртмачиси бўлган шахслар эҳтиёжи, буюртмачиси бўлмаган шахслар эҳтиёжи.

**Аннотация.** В данной статье представлен метод формулирования потребностей в квотах, основанный на потребностях учеников, желающих работать у взрослых и за рубежом, основанный на эффективном использовании организационно-экономических механизмов и концептуальных направлений регулирования рынка труда и исследования спроса на рынке труда.

**Ключевые слова:** рынок труда, потребность, квота приемки, потребности клиентов, потребности не клиентов.

**Annotation.** This article presents a method for formulating quota requirements based on the needs of students wishing to work in adults and abroad, based on the effective use of organizational and economic mechanisms and conceptual areas of labor market regulation and labor market demand research.

**Key words:** labor market, need, acceptance quota, customer needs, non-customer needs.

Бугунги кунда аҳоли, хусусан, меҳнатга лаёқатли фуқаролар сонининг салмоғи ошиб бориши қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уни оширишнинг ўзига хос янги шаклларини топишни тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам кўп йиллардан буён меҳнат бозоридаги бандлик муаммоларини ечиш, ҳал этиш ва бутунлай бартараф этиш барча мамлакатлар олдидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида 4.1-бандида қўйидагилар устувор йўналиш сифатида белгиланган:

- янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта маҳсус ва олий ўкув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камай-

тириш;

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтоҷ шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш каби вазифалар белгилаб берилган.

Республикамида меҳнат бозорида юзага келаётган ижтимоий иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитини белгилаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий меҳнат можароларни бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатларни ҳал этиш долзарб муаммолардан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 2019 йил 1 апрель ҳолатига 33,3 млн кишини ташкил этиб, 2019 йил бошидан 120,3 минг кишига ёки 0,4%га ўсганини кўришимиз мумкин. Давлат статистика

қўмитаси маълумотларига кўра, шаҳар аҳолиси сони 16,8 млн кишини (жами аҳоли сонидаги улуши 50,5%), қишлоқ аҳолиси сони 16,5 млн кишини (49,5%) ташкил этади.

2019 йил 1 апрель ҳолатига республика доимий аҳоли сонининг 30,4%и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 59,5%и меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,1%и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳаки ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур. Буларнинг барчасини хуқукий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш ва энг асосийси, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг нафақат мажбуриятини, балки шахсий масъулиятини ҳам белгилаш зарур. Фақат шундай йўл билан биз давлатнинг ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари олдидаги мажбуриятини бажаришимиз мумкин. Худди шундай амалиётни республика олий таълим муассасалари битирувчилари бўйича ҳам ишлаб чиқиш ва жорий этиш даркор”.

Шу мақсадда биз томондан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида педагог кадрларнинг малакасини ошириш курси ўқув режасига “Касб-хунар таълими ва меҳнат бозори” (Инвестиция ва таълим интеграцияси) ўқув модули киритилди.

Ушбу ўқув модулнинг асосий мақсади – тингловчиларда меҳнат бозорини тартибга солишининг ташкилий-иктисодий механизми ва концептуал йўналишларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат бозори талабини ўрганиш асосида ўқувчиларни, катта ёшдаги ва хорижий давлатда ишлаш истагини билдирганларни эҳтиёж асосида

қабулни шакллантириш лойиҳасини ишлаб чиқишига оид билим, малака ва кўникмалар хосил қилишдир.

Меҳнат бозори деганда, бозор иқтисодиётининг умумий кичик тизими тушунилиб, унда, бир томондан – иш берувчилар (ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари), иккинчи томондан – ёлланма ишчилар ўзаро алоқада бўлади. Бу ўзаро муносабатлар натижасида ишчи кучи таклифи ва унга талабнинг ҳажми, тузилмаси ва нисбати шаклланади.

Тингловчилар меҳнат бозорини ўрганишда ва эҳтиёжга асосан қабул квоталарини шакллантиришда қуйидаги босқичларни таҳлили қилиб олишлари зарур. Булар:

**1. Меҳнат бозорини ташкил этишда ҳар бир ҳудуднинг демографик ва географик ҳусусиятларини ўрганиш лозим.**

- Таълим муассасаси ҳудуднинг қаерда жойлашгани;
- Ҳудудда қандай корхона ва заводлар мавжудлиги;
- Ушбу ҳудудда рақобатбардош коллеж мавжудлиги, агар мавжуд бўлса қандай жиҳатлари билан ажralиб туриши лозимлигини аниқлаш мумкин;
- Ҳудуддаги аҳолининг умумий сони;
- Аҳолининг неча фоизи меҳнатга яроқли эканлиги;
- Аҳолининг неча фоизини ишсизлар ташкил этиши;
- Ҳудуддаги қайси касбларга эҳтиёж бор, меҳнат бозорига қандай кадрлар кераклиги аниқланади.

**2. Ҳудуднинг мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжини аниқлаб олиш лозим.**

- Шу ҳудудда тайёрлайдиган касб бўйича корхоналардаги иш ўринлари сони;
- Ҳудудда қайси касбларга талаб бор ва қайси касбларнинг ишга жойлашишида юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланади;
- Табиий иш ўринларининг бўшаши

(сони бўйича).

### **3. Ҳудудда инвестиция лойиҳалари асосида ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар эҳтиёжи ўрганилади.**

- Яқин келажақдаги инвестиция дастурлари бўйича ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг қурилиши ва уларга қандай мутахассислар зарурлиги,
- Ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар неча ўринга мўлжаллангани,
- Тегишли касб ва мутахассисликлар бўйича ишловчилар сони ҳамда улардаги номутахассислар (улар ўқитиб берилади).

### **4. Ҳудуддаги иқтисодий тармоқларни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати.**

- Балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик ва бошқалар бўйича талаб этиладиган мутахассисларга эҳтиёж ўрганилади.

### **5. Тегишли касб ва мутахассисликларга индивидуал эҳтиёжлар ўрганилади.**

Ушбу қисмда аҳолининг ишсиз юрган, олий таълимга киролмаган ва меҳнат бозорида фаолият юритмоқчи бўлганлар, яъни ўз ҳоҳиши билан (буюртмачиси бўлмаганлар) ўқимоқчи бўлганларнинг қайси касб ва мутахассисликлар зарурлиги ўрганилади ва шу асосида қабул квотаси шакллантири-

лади.

### **6. Таълим жараёнида андрагоглар эҳтиёжини ўрганиш.**

Бунда катта ёшдагилар, ўз касбини ўзгартироқчи бўлганлар ва илгари мактабни битириб қолиб кетган, қўлида дипломи йўқ бўлганлар эҳтиёжи ўрганилади ва уларга ўз ҳоҳишилари асосида қисқа муддатли ўқув жараёни ташкил этилади.

Юқоридаги босқичлар асосида ҳудуднинг меҳнат бозори эҳтиёжлари ўрганилан ҳолда ҳар бир касб-хунар коллежининг қабул таклифлари шакллантирилади.

Шунингдек, касб хунар коллежлари бозор иқтисодиётида фаолият юритиши, ўз мавқенини ушлаб туришда ва таълим мутасасасига бўлган талабни оширишда ҳар бир коллеж турли хил чегирмалар ва реклама усулларидан фойдаланишлари лозим (ўқувчи ўзи билан иккита танишини олиб келса унга текин, битта олиб келса нечадир фоиз арzonрок, маълум муддатда чегирмалар таклиф этиши ва бошқа турли хил усулларда ташкил этилади).

Хулоса қилиб айтганда, келажакда ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳисобга олиб ҳамда ҳудуддаги касбларга бўлган эҳтиёжни ўрганган ҳолда касб-хунар таълими тизимида йўналишлар очиш ишсизларнинг олдини олишда яхши самара беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзияев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ.
2. М. Холмуҳамедов “Юқори технологиялар сари интилган мамлакат”. Спутник Ўзбекистон мухбирига берган интервьюси, -Т.: 2018 й.
3. Қ.Абдураҳмонов Меҳнат ресурслари сафарбарлиги. Ўқув қўлланма. -Т.: TDIU, 2011.
4. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz)
5. [www.kun.uz/12084474](http://www.kun.uz/12084474)

## КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ ДИДАКТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Б.ТАШПУЛАТОВ**  
ТерДУ ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада касбий таълим тизими ва унинг таркибий қисмларини дидактик моделлаштириш ва танлаган касби бўйича меҳнат фаолиятини бажаришга оид амалий кўникма ва малакалар мажмуасининг эгалланиши нуқтаи назаридан касбий таълим жараёнининг мазмуни ёритилган.

**Калит сўзлар:** касб, касбий таълим, модель, дидактика, тизимли ёндашув, моделлаштириш, бош функция, мақсад, мазмун.

**Аннотация.** В статье освещено содержание процесса профессионального образования с точки зрения о усвоения комплекса практических умений и навыков связанных с выполнением трудовой деятельности по выбранной профессии и моделирование системы профессионального образования и её составных частей.

**Ключевые слова:** профессия, профессиональное образование, модель, дидактика, системный подход, моделирование, главная функция, цель, содержание.

**Annotation.** The article highlights the content of the process of vocational education from the point of view of mastering a set of practical skills related to performing work in the chosen profession and modeling the vocational education system and its components.

**Key words:** profession, professional education, model, didactics, systems approach, modeling, main function, goal, content.

Касбий таълим жараёни – бу талабаларни касбий фаолиятга ўргатувчи, касбий шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён бўлиб, уни муайян тизим асосида тартибга солиш ва бошқаришга имкон берувчи модель ишлаб чиқишини талаб қиласди. Хўш, у моделга мувофиқ касбий таълим тизими, уни амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитлари нималардан иборат?

Биз шу мақсадда касбий таълимнинг бир бутун тузилмасини ифодалаш учун моделлаштириш методидан фойдаланишини тавсия этамиз ва тизимли ёндашув принципига таяниб иш юритамиз. Бунда қўйидаги бир қатор нуқтаи назарларни ҳам ҳисобга олдик:

- “модель” термини бир қатор ёндашувлар билан шарҳланади: модель – бу борлиқдаги бир қанча алоқалар ва қонуниятлар ҳақидаги умумлашган билимларни ўзлаштиришга имкон берадиган ўзига хос восита (П.Я.Гальперин ва бошк.); мо-

дель – бу миқдорий муносабатлар ҳақидаги умумлашган тасаввурларни шакллантириш воситаси (Л.Е.Жукова, Л.Ф.Обухова ва бошк.); модель – бу ахборотларни тахлил қилиш, ундаги асосий фикрни ажратиб кўрсатиш, олинган билимларни умумлаштиришга ёрдам берадиган блок-чизма (О.В.Васильева, В.В.Дементьевва ва бошк.) [4].

- файласуфлар, психологлар ва педагогларнинг (В.В.Давидов, В.П. Бесъпалко, Ю.Г. Татур, В.Сергеев, Н.Муслимов ва бошк.) тадқиқотлариiga қўра, педагогик тузилмалар (тизимлар) ижтимоий тузилмаларга хос бўлиб, улар қўйидаги муҳим белгилари: мақсади, умумий қонуниятлари ва ўзаро реал алоқалари мавжудлиги билан тавсифланади [1;2;4].

Касбий таълим тизими ва унинг таркибий қисмларини дидактик моделлаштириш қўйидаги бир қанча принциплар асосида амалга оширилади. Жумладан:

а) касбий таълимнинг асоси ҳисоблан-

ган тажриба-синов ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг батартиблиги;

б) тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг тузилмавийлиги (яъни, уларнинг муайян ўзаро алоқадор элементлардан ташкил топганлиги);

в) тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг мазмунини ташкил қилувчи таркибий қисмларнинг бир хилдаги мураккаблиги;

г) мазкур таркибий қисмлар баёнининг қисқа ва аниқлиги;

д) ўқув материални узатишида сўз ва кўрсатмалийкнинг бирлиги;

е) ўқув материалларининг ижтимоий касбий муҳит билан боғлиқлиги;

ё) “ўзининг” педагогик мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалари ва сабаб-оқибат муносабатларини танлаш билан аниқланадиган янги тузилмаларнинг вужудга келиши;

ж) касбий таълим жараёнининг ўзгаришларга бойлиги - жўшқинлиги (яъни, изчил равишида оддий ишлардан мураккаб ишларга доимий ўтилиб турилиши).

Юқорида таъкидланган дидактик принципларга асосланган ҳолда биз амалий касбий таълим тизими ва унинг таркибий қисмлари моделларининг бош функцияларини ажратиб кўрсатдик:

- тушунтирувчи (ахборот берувчи);
- йўналтирувчи (амалий фаолиятни тўғри йўлга бошловчي);

- ташхисловчи (ўрганилаётган ўқув материалининг натижавий жиҳатини аниқловчи);

- прогностик (ўрганилаётган ўқув материалидан қачон ва қаерда фойдаланиш хақидаги ахборотни берувчи);

- баҳоловчи (“Нима қилиш керак?”, “Қандай қилиш керак?”, “Нима қилинди?” саволларига жавобан фаолият натижаларини англатувчи).

Бу функциялар ўқитувчилар ва амали-

ёт раҳбарлари томонидан касбий таълим мазмуни ва унинг таркибий қисмларига оид ахборотлар (вариатив-тузилмавий чизмалар), улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатувчи стрелкалар (чизиклар), шунингдек, савол-жавоблар воситасида амалга оширилди.

Ўқитувчилар ва амалиёт раҳбарлари га қўйилган талабларга мувофиқ касбий таълимни унинг мазмуни ва таркибий қисмларига мос равишида тизимли ва самарали ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида педагогик маҳоратни узлуксиз ошириш йўлларини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан амалий-лаборатория ишлари методикаси, ўқув амалиёти методикаси, ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти методикаси ва битирав-малакавий амалиёти методикаси ишлаб чиқилиши талаб этилади[4].


Касбий таълим мазмуни ва жараёнига тизимли ёндашув уларнинг таркибий қисмларини аниқ белгилашта, бажариладиган ишлар мазмунини тўғри аниқлашта, шунингдек, ўқитувчилар, амалиёт раҳбарлари ва талабаларда зарурый касбий маҳорат асосларини тизимли шакллантиришга имкон беради.

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида 5111000-Касб таълими (5310600-Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) йўналиши бўйича касбий таълим мазмуни ва жараёни ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни аниклаб, уларнинг таркибий қисмларини алоҳида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш керак.

5111000-Касб таълими (5310600-Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) йўналиши касбий таълим жараёнининг дидактик моҳияти 1-расмда келтирилган.

Касбий таълим тизимини мажмуулавий аниқлаш учун энг аввало амалий касбий таълим жараёнининг дидактик моҳиятини

билиш талаб этилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Касбий таълим жараёнининг дидактик моҳияти

1-расмдан кўриниб турибдики, 5111000-Касб таълими (5310600-Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) йўналиши бўйича амалий касбий таълим жараёнининг асосини талабаларнинг тажриба ишлари ва ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати ташкил қилиб, мақсади - талабаларда касбий маҳорат асосларини, асосий мазмуни эса касбий кўнирма ва малакаларни шакллантиришдан иборатdir. Бунга эришиш учун, биринчидан, тажриба-синов ва ўқув-ишлаб чиқариш жараёнларининг ўқув-моддий жиҳозланиши, иккинчидан, назария билан амалиётнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги, учинчидан, талабаларга махсус ташкил этилган ва ишлаб чиқариш шароитларида таълим бериш уйғулиги етарли даражада таъминланиши лозим[4].

Касбий таълим жараёнининг моҳиятини ҳар томонлама асослаш учун унинг таркибий қисмларини турли жиҳатдан қўйидагича аниқладик:

1. Талабалар томонидан танлаган

касби бўйича меҳнат фаолиятни бажаришга оид амалий кўнирма ва малакалар мажмуасининг эгалланиши нуқтаи назаридан касбий таълим жараёнининг мазмуни қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олди:

- а) меҳнат жараёнини режалаштириш;
- б) меҳнат жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш;
- в) меҳнат жараёнини амалга ошириш;
- г) меҳнат жараёнининг бориши ва натижаларини назорат қилиш;
- д) меҳнат жараёнига хизмат кўрсатиш.

2. Махсус фанлар ўқитувчилари, амалиёт раҳбарлари ва талабаларнинг фаолияти нуқтаи назаридан амалий касбий таълим жараёнининг мазмунни қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олди:

- а) ўқитувчилар ва амалиёт раҳбарларининг педагогик фаолияти ўргатиш, йўл-йўриқлар беришдан иборат бўлиб, талабаларда мазкур касб бўйича меҳнат жараёнларини бажариш ва назорат қилиш вазифалари, шарт-шароитлари, усуллари ва воситалари ҳақида тўлиқ тасаввурлар ҳосил қилишни; автомобиллар бўйича та-

жриба ва ўқув-ишлиб чиқариш ишларини бажариш жараёнида талабалар фаолиятига раҳбарлик қилишни; талабаларнинг ўқишдаги ютуқларини таҳлил ва назорат қилиб, уларда амалий кўникма ва макаларнинг ривожланишини текшириш ва баҳолашни ўз ичига олди;

б) талабаларнинг ўқув фаолияти ўрганишдан иборат бўлиб, маҳсус фанлар ўқитувчилари ва амалиёт раҳбарлари йўриқли кўрсатмаларини қабул қилишни, уларнинг моҳиятини англашни, олдинда турган ишларни ўйлаб кўриш ва режалаштиришни; талабаларнинг меҳнат ва техноло-гик жараёнларни бажариш бўйича ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини; уларнинг ўқув-меҳнат фаолияти жараёнида ўз-ўзи-ни ва иш натижаларини назорат қилишини ўз ичига олди.

3. Касбий таълим воситалари нұктай назаридан амалий касбий таълим жараё-нининг мазмуні қуиидаги таркибий қисм-ларни ўз ичига олди:

а) ўкув-моддий жиҳозланиши (даст-гоҳлар, верстаклар, стендлар, ўкув-ишлаб чиқариш қуроллари, ўкув хоналари, машқ майдончалари, тренажёрлар, машиналар, иш ва назорат-ўлчов асбоблари, хом-ашё, материаллар ва ҳ.к.);

б) ўкув-техник ҳужжатлар (жихозлар-нинг паспортлари, иш чизмалари, принципиал ва йиғув чизмалари, технологик хариталар, технологик жараён харитала-ри, иш сифатига техник талаблар, ишлаб чиқариш йўриқномалари ва х.к.);

в) талабалар учун ўқув қўлланмалар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маълумотномалар, стандартлар ва меъёрий жадваллар, амалий-лаборатория ишларини бажариш бўйича кўрсатмалар, илфор ишусуллари хариталари ва ҳ.к.);

г) машғулотларнинг дидактик воситалари (йўриқномалар, йўриқли технологик хариталар, кўп содир бўлувчи хатоликлар ва уларни бартараф этиш усуллари жадвали, кўрсатмали қуроллар, таълимнинг техник воситалари, материаллар ва тайёр маҳсулот намуналари ва ҳ.к.);

д) ўқитувчилар ва амалиёт раҳбарлари учун методик қўлланмалар (амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва унинг методикаси бўйича кўрсатма ва қўлланмалар, хусусий методик ишланмалар, маълумотнома қўринишидаги қўлланмалар, илғор тажрибалар тўғрисидаги методик тавсиялар ва х.к.)

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беспалько В.П., Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. - М.: «Высшая школа», 1989.-144 с.
  2. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. - М.: «Просвещение», 1986. – 93 с.
  3. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари / Пед. фан. докт.... дисс. - Т.: ЎМКҲТТҚМОҚТИ, 2007. -315 б.
  4. Қосимов Ш.У. Касб-хунар колледжларида амалий касбий таълимни ташкил қилишнинг методик асосларини такомиллаштириш / Пед. фан. PhD.... дисс. - Т.: ҚҲТТИРПҚМО ва УҚТИ, 2018. -167 б.

# МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЙЎСИНЛАРИ

С.СИДДИҚОВА

Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқотчisi

**Аннотация.** Мақолада электрон таълим ресурслар янги авлодининг имкониятлари, уларнинг педагогик мақсадларни таъминлашдаги ўрни таҳлил этилган. КҲҚ ўқувчилари учун ишлаб чиқилган “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича мультимедиали қўлланмалар тўплами”нинг имкониятлари баён этилган.

**Капит сўзлар:** электрон таълим ресурсларнинг янги авлоди, очиқ модулли тизимлар, интерфаол, мультимедиа, моделинг, коммуникативлик, самарадорлик, электрон ўқув модуллар, тематик элементлар.

**Аннотация.** В статье рассмотрены возможности электронных образовательных ресурсов нового поколения, а также анализированы их место посредством их внедрения в достижении педагогических целей. Изложены возможности мультимедийного учебного сборника “Охрана труда и техника безопасности” разработанного для учащихся профессиональных колледжей.

**Ключевые слова:** электронные образовательные ресурсы нового поколения, открытые модульные системы, интерактив, мультимедиа, моделинг, коммуникативность, производительность, электронные учебные модули, тематические элементы.

**Annotation.** The article discusses the possibilities of electronic educational resources of the new generation, and also analyzes their place through their introduction in achieving pedagogical goals. The possibilities of the multimedia educational compendium "Occupational safety and health" developed for students of vocational colleges are outlined.

**Key words:** electronic educational resources of a new generation, open modular systems, interactive, multimedia, modeling, communication, productivity, electronic training modules, thematic elements.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш, уни инновацион технологиялар тизимига ўтказиш даврида – касб-хунар таълим муассасаларида замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган ва мураккаб технологик жараёнларни бошқариш малакаларига эга бўлган кадрларни тайёрлаш зарурияти пайдо бўлди. Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимизда ўрта бўғинга тегишли техник кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундай малакали мутахассисларни тайёрлашда касб-хунар коллежларда маҳсус фанларнинг мазмунини нафақат ишлаб чиқариш талабларига мос равиша ўзгартиришни, балки таълим жараёнини ташкил этишининг методларини ва формা-

ларини, шунингдек ўқув машғулотларида ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга эътиборни қартиш лозим.

Бу борада таълим муассасаларида ахборот – компьютер технологияларни ўқув машғулотларда қўллашга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, касб-хунар таълимида янги малака талабарининг қабул қилиниши натижасида техник кадрларни ўқитиши даври ва ўқув машғулотларининг аудитория соатлари қисқартирилди. Шу билан бирга техника таълим йўналишини битирувчи ўқувчиларнинг билимлари ва малакаларига қўйилган талаблар камаймайди, аксинча ошади. Бу ўз навбатида

таълим олувчиларга ўқув материалларни етказиш ва уларни ўзлаштиришнинг янги формаларини қидириш долзарблигини оширди. Иккинчидан, таълим йўналишларининг малака талабларида ўқув жараёнида интерфаол методларни жорий этиш ва ноанъанавий ўқитиш формаларидан фойдаланиш вазифалари белгилаб берилди. Шунинг учун ҳозирги кунда касб-хунар таълим тизимида анъанавий ўқитиш формалари билан уйғунлашган ҳолда масофа-вий таълим технологиялари элементларини ўқув жараёнида жорий этиш заруряти пайдо бўлди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, интегратив (анъанавий+масофавий) технологиялар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш натижасида маҳсус фанлардан ўқувчиларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтириш мумкин. Контактсиз ўқитиш формаларини қўллашда ўқитувчи ўқув машғулотларда ўқувчиларга нафақат билим бериши, балки уларни ўқишига ўргатиши, мустақил фолият олиб боришга қодир бўлган шахсни тарбиялаши ва интегратив ўқитиш формаларини самарали жорий этиши талаб этилади. Замонавий таълим тизимида бундай долзарб масалаларни ҳал этишда электрон таълим ресурсларининг янги авлоди ёрдам беради.

Электрон таълим ресурсларини (ЭТР) ишлаб чиқиши ва фойдаланиш муаммолари W.N.Chambers, E.L.Cowen, U.Mangal, E.Johnson, J.M.Spector, W.N.Chambers, E.L.Cowen, U.Mangal, E.Johnson, J.M.Spector, Г.А.Бордовский, В.В.Гура, О.В.Нас, О.Г.Петрова, А.В.Осин, И.В.Роберт, Е.В.Чернобай, М.О.Яковлева, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегемқулов, Н.Тайлоқов, Қ.Т.Олимовларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича таҳлил этилган.

Ҳозирги кунда электрон таълим ре-

сурсларини яхлит электрон формада тақдим этилган ўқув материаллари сифатида таълимда янгилик, деб баҳолаш ўринисиз деб хисоблаймиз. Чунки, таълим муассасаларида ўқитувчилар кўп йиллар давомида электрон формада тақдим этилган матнлар билан, шунингдек аудио ва видео файллар ҳамда компьютерли презентациялар билан ишлаб келмоқдалар. Ушбу ресурслар таълим жараёнини ахборотлаштиришда ўзлаштирилган босқич бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши ва глобал Интернет тармоғининг кенг имкониятлари жаҳон педагогик амалиётида электрон таълим ресурсларининг янги авлодини ишлаб чиқиши ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини яратди. Электрон таълим ресурсларининг янги авлодини яратиш муаммосининг ҳал этилиши – янги тизимли архитектурани ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, унификацияланган ягона дастурий мухитдан фойдаланишга асосланди [1].

**Натижада очик таълим модулли мультимедиа тизимларни яратишга муваффақ бўлинди.** Бундай тизимлар қисқача **очик модулли тизимлар (ОМТ)**, деб ном олган. ОМТ муҳитида яратиладиган электрон таълим ресурслари катта имкониятларига эга бўлганлиги боис, **электрон таълим ресурсларининг янги авлоди (ЭТР ЯА)**, деб номланадиган бўлди. Бундай таърифнинг асосий маъноси, электрон ўқув материалларининг тараққиёт йўлидаги кейинги интеграцияга ўтганлигини англатмайди, балки “янги авлод” термини янги сифатга ўтилганлигини англатади [2].

ЭТР ЯАда бешта янги педагогик инструментлардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларда интерфаол, мультимедиа, моделинг, коммуникативлик, самарадорлик каби инновацион ғоялар муҗассамлашган. ЭТР ЯАнинг имкониятла-

рини таҳлил этган ҳолда, уларни алоҳида кўриб чиқамиз [2].

Интерфаол (ингл. interactive – ўзаро ҳаракат) – томонларнинг ўзаро ҳаракати, фикр алмашиши, мулоқотга кириши маъноларини англатади. Интерфаоллик ЭТРларининг асосий педагогик инструментларидан бири бўлиб ҳисобланади ва у фаол-фаолиятли ўқитиш формаларини ривожлантириш имконини беради.

Мультимедиа (ингл. multimedia – қўп усуллар) – обьектларни, жараёнларни анъанавий матн кўринишида эмас, балки аудио, видео, график, анимация, овоз ёрдамида тақдим этишдир. Бошқача қилиб айтганда инсон кўз ва қулоқ билан қабул қилиш қобилиятига эга бўлган ахборотнинг ҳар қандай туридир.

Моделинг – реал обьектларни ёки жараёнларни имитацион моделлаштириш бўлиб, маҳсус фанларни ўзлаштиришда муҳим ўрин эгаллади.

Коммуникативлик – бевосита мулоқот қилиш имкониятларидир. Коммуникативликнинг яна бир томони – фойдаланувчига ахборотни тезкор узатиш имкониятларини тақдим этишдир. ЭТР нуқтаи назаридан қаралганда – бу энг аввало, узоқ серверларда жойлашган таълим ресурсларига тезкор эга бўлиш, шунингдек online коммуникациянинг мавжудлигидир.

Самарадорлик – таълим олувчи субъектга ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда қидирав тизимларидан олиш, электрон ресурс билан тезкор интерфаол мулоқот ўрнатиш ва Интернет тармоғида самарали ишлаш имкониятларининг мавжудлигидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ЭТР ЯА очиқ таълим модулли мультимедиа тизимлар бўлиб ҳисобланади ва бундай электрон ўкув маҳсулотлари замонавий ЭТРларининг учта асосий муаммосини ечиш имкониятини беради.


Биринчи муаммо шундан иборатки, қўп вақтдан бери Интернетда жойлаштирилган ЭТРлари асосан текстографик турга тегишли эди. Бундай ресурс дарсликнинг электрон нусхаси бўлиб, таълим олувчига катта қизиқиш уйғотмайди. ЭТР ЯА эса мультимедиали бўлиб, фойдаланувчиларни ўкув материаллари билан таъминлашда ахборотни барча турларидан комплекс фойдаланишни назарга тутади.

Иккинчи муаммо биринчисини ечиш билан бевосита боғлиқдир. Яқин кунларгача интерфаол мультимедиа ресурслари компакт–дискларда чиқарилар эди. Уларни ишлаб чиқарувчилар шахсий дастурий ечимлардан, фойдаланувчи интерфейсидан, ресурсни юклаш усулларидан фойдаланаар эди. Табиийки, бундай электрон ресурслардан фойдаланиш маълум қийинчиликларга олиб келади ва таълим олувчиларга ўз компьютерида янги дастурий воситаларни ўрнатишни талаб этади. ЭТР ЯА эса бир хил интерфейсга эга бўлган тармоқли (локал ва глобал тармоқларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд) маҳсулот бўлиб ҳисобланади ва улардан фойдаланиш учун битта комплект мижоз дастурий таъминоти етарлидир.

Учинчи муаммо шундан иборатки, анча йиллардан бери шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини жорий этиш зарурияти декларация қилиниб келинмоқда. ЭТР ЯА ушбу муаммони ечишга ёрдам беради.

Кўплаб турли электрон ўкув модуллар очиқ таълим модулли мультимедиа тизимнинг (ОМТ) ўзаро жипслашган контентини ташкил этади. ОМТнинг ўзаро жипслашган контентининг мантикий структураси 1–расмда келтирилган [2].

Расмдан кўриниб турибдики, бизга маълум бўлган бошқа ўкув материалларидан фарқли равишда ОМТнинг ўзаро жипслашган мантикий структураси уч ўл-



1-расм. ОМТнинг ўзаро жиспешиган контентининг мантикий структураси

човлидир. Ундаги **тематик элементлар** йўналишнинг малака талаблари ёки предмет соҳанинг ўқув дастури мазмунини дискретизация қилиш орқали аниқланади.

Ҳар бир тематик элемент учун ўқув жараёнининг асосий компонентасига мос бўлган уч турдаги электрон ўқув модуллари (**ЭЎМ**) ишлаб чиқлади:

- информацияни олиш модули (И–тур);
- амалий машғулотлар модули (А–тур);
- назорат модули (умумий ҳолда аттестация) (Н–тур).

Ҳар бир ЭЎМ автоном бўлиб, тугалланган интерфаол мультимедиа маҳсулоти бўлиб ҳисобланади ва аниқ ўқув масалани ечишга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ЭЎМ – бир неча Мбайт ҳажмдаги мустақил ўқув маҳсулоти бўлиб, уни тармоқ сўрови орқали қабул қилиш ва фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир ЭЎМ мазмуни аниқ ўқув масалани ечиш учун етарли бўлиши керак. Минимал структурали бирлик – бу тематик элемент бўлиб ҳисобланади. Масалан: И11, А13, Н12 (расмга қаранг). Тематик элементга мисоллар келтирамиз: “Пифагор теоремаси”, “Нефтни фракцияларга ажратиш жа-

раёни”, “Архимед қонуни” ва х.к.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бошқа ўқув материалларидан фарқли равища ОМТнинг ўзаро жиспешиган мантикий структураси уч ўлчовлидир. Унда “вариативлар” номли янги тушунча киритилган. Вариативларни аналоглар деб тушуниш керак. Вариативлар деб, маълум предмет соҳанинг айнан битта тематик элементига бағишлиланган бир хил типдаги электрон ўқув модулларга (И, ёки А, ёки Н) айтилади. Ҳар бир ЭЎМ учун аналог– вариативлар ишлаб чиқлади. Бирор предмет соҳага бағишлиланган кўплаб ЭЎМлари ушбу предмет бўйича ЭТР Яани ташкил этади. Шундай қилиб, расмдаги ҳар бир алоҳида куб – бу ЭЎМ бўлиб ҳисобланади, ўзаро жиспешиган контентнинг катта параллелепипеди (назарий жиҳатдан ўқлар бўйича тематик элементлар ва вариативлар чекланмаган) эса предмет соҳанинг ЭТРларидир.

И–модул вариативи айнан ўша ўқув материалини бошқача баён этилган формада (тушуниш осон бўлган ёки мураккаброқ формада) бериши мумкин. Шунингдек, вариативлар материални кенгроқ

тақдим этиши билан фарқ қилиши мумкин. Унда И–модулни фаннинг ўқув дастурига қараб ёки ҳар бир таълим олувчининг тайёргарлик даражаси ва қобилиятига қараб танлаш мумкин.

А–модул таълим олувчининг амалий ўқув фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, назарий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. А–модул таркибини виртуал лаборатория ишлари, масалалар ечиш бўйича практикум, макетлар ва ҳ.к. ташкил этади. Бундай ўқув модуллар тренажёrlарда мураккаб тизимларни имитация қилиш орқали уларни тадқиқот қилиш имконини беради. Шунинг учун А–модулнинг вариативларида бундай инновацион сифатларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Н–модул тури ўтилган материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун, шунингдек таълим олувчига тематик модулни ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш имконини беради. Назорат модулини фақат матнли тестлар тўплами деб, ҳисоблаш ўринсиз ҳисобланади. Н–модул вариативлари ҳаётга яқин бўлган реал масалаларни ечишга йўналтирилади.

Табиийки, ЭТР ЯАни яратиш ва жамоат бўлиб фойдаланиш учун улар маҳсус серверда жойлаштирилиши керак. Масалан, Россияда ЭТР ЯА ахборот-таълим ресурсларининг Федерал марказида сақланади (<http://fcior.edu.ru>; <http://eor.edu.ru>) [2].

ЭТР ЯАни ўқув жараёнида қўллаш қўйидаги педагогик мақсадларга эришишни таъминлайди:

1. Таълим олувчининг шахс сифатида ривожланиши. Таълим субъектини (ўқувчини) ахборотлашган жамият шароитидан келиб чиқсан ҳолда мустақил натижавий фаолиятга тайёрлаш. Бундай тайёргарлик қўйидаги фаолият турларида намоён бўлиши керак:

- компьютер билан интерфаол мулоқот

натижасида ўқувчининг конструктив, алгоритмик фикрлашини ривожлантириш;

- мураккаб вазиятларда муқобил қарорлар қабул қилиш малакаларини шакллантириш (ЭТР ЯАни тренажёр сифатида фойдаланиш асосида);
- тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини ривожлантириш;
- ахборот маданиятини шакллантириш, ахборотларни қайта ишлаш технологияларини билиш.

2. Ижтимоий буюртмани амалга ошириш. Замонавий жамиятнинг ахборотлаштириш шартларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидагиларни амалга ошириш:

- педагогик ва ахборот технологиялари воситалари ёрдамида таълим олувчиларни мустақил билим олиш фаолиятига тайёрлаш.

3. Ўқув-тарбиявий жараённи интенсификациялаш:

- ўқитиши самарадорлигини ва сифатини ошириш;
- маҳсус фанлардан тегишли масалаларни ечишда фанлараро алоқаларни чуқурлаштириш.
- С.В.Панюкованинг фикрича, ЭТР таълим олувчиларнинг ўқишига бўлган мотивацияни оширишга хизмат қиласи ва қўйидаги дидактик масалаларни ечиш имкониятларини яратиб беради [3]:
- фан бўйича базавий билимларни шакллантириш;
- ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш;
- компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув материаллари билан мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш;
- ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқишига ва танлаган касбига бўлган

- мотивацияни ошириш;
- оралиқ ва якуний назоратга тайёрла- нишда ахборот манбаларидан фойда- ланиш ҳамда ахборотларни мустақил равишида танлаш имкониятлари.

Кейинги йилларда Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллекцияларни ҳамда Бухоро мұхандислик-технология институтининг “Касбий таълим” кафедраси ўқитувчилари ҳамкорлигыда нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари бўйича маҳсус фанлардан комплекс интерфаол электрон таълим ресурслари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган электрон ресурсларга куйидагилар кирди:

- ўқувчиларнинг мустақил ишларини бажариш бўйича электрон ўқув қўлланмалар;
- маъруза машғулотларига тегишли электрон ўқув-кўргазмали материаллар;
- индивидуал мустақил ишлар учун методик ишланмалар;
- ўқув дастурларида белгиланган машғулотлар бўйича интерфаол тематик модуллар, шу жумладан ўқувчилар билимини назорат қилиш учун тест топшириклари.

Ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларни ривожлантириш мақсадида маҳсус фанлардан алоҳида ўқув модулларининг электрон версияларини ишлаб чиқиши ва уларни ахборот ташувчи воситалар асосида ўқувчиларга тарқатиш ҳамда таълим оловчиларга улардан масофадан туриб фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ушбу электрон ресурслар ўқувчиларда янги ўқув материалларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини эгаллашга ва уларнинг касбий компетентлигини шаклантиришга хизмат қиласи.

Коллеж ўқитувчилари “Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик жамиятининг “Инноваци- он ғояларни қўллаб-қувватлаш” бўлими

ҳамда “Нефт ва газ саноати Ўзбекистон илмий-муҳандислик жамияти” билан ҳамкорликда “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича мультимедиали қўлланмалар тўплами”ни ишлаб чиқишига муваффақ бўлдилар (2-расм). Ушбу мультимедиа ресурслари Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллекцияларни ӯқувчиларининг “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” фанидан мустақил ишларини ташкил этишда, шунингдек Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ўқув марказида самарали қўлланилиб келинмоқда.

Мультимедиа ресурсларнинг ҳар бир бўлими алоҳида модул сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, уларда ўқувчи ҳамда электрон ресурс ўртасида интерфаол мулоқот ўрнатилган. Монитор экранида на- вигацион воситалар асосида (фойдаланувчи ва интерфейс) таълим оловччи ҳар бир модулга кириб, уни мустақил ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Ишлаб чиқилган модулли мультимедиа ресурслар фойдаланувчи ва виртуал борлиқ орасидаги тескари алоқанинг мавжудлиги ҳисобидан ахборот алоқадорлигининг интерфаол характеристини таъминлайди ва фаол-фаолиятли ўқитиш формаларидан фойдаланиш ҳисобидан мустақил ижодий ишни такомиллаштириш имкониятларини яратади.

Шунингдек, ушбу электрон ресурслар мультимедиавийлик, интерфаоллийк, универсаллик каби инновацион хусусиятларидан ташқари, моделлаштириш хусусиятига ҳам эга. “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” фанини мустақил ўзлаштиришда ЭТРларининг моделлаштириш имкониятлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, обьектлар ва жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этиш, жиҳозларнинг муқобил иш режимларини техника хавфсизлиги қоидаларига мос равишида

таъминлаш ва уларни эксплуатация қилиш жараёнларини аудиовизуал акслантириш орқали уларни имитацион моделлаштириш имкониятлари яратилади.

Махсус фанлардан ўқувчилар билимни назорат қилиш учун Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллежида тест кўришида назорат-ўлчов материаллари банки яратилган ва у доимий равишда янгилашиб борилади. Интерфаол топшириқларни бажариш учун Super Testing компьютерли электрон тест қобик дастуридан фойдаланилади. Ушбу дастур ўқувчилар билимини автоматик тарзда баҳолаш имконига эга бўлиб, олган рейтинг балларини махсус файлда сақлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ЭТР ЯАни ишлаб чиқиши ва уларни ўқув жараёнида жорий этиш таълим жараёнининг самародорлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодий харажатларни камайтириш

ҳамда таълим муассасасининг ўқув-услубий таъминотини янада кенгайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, касб-хунар таълимида махсус фанлардан ўқув машғулотларининг сифатини ошириш учун анъанавий ўқитиши технологиялари билан бир қаторда инновацион таълим технологияларини, жумладан ЭТР ЯАдан фойдаланиш белгиланган педагогик мақсадларга эришишга хизмат қиласди. Замонавий ахборот технологиялари имкониятларини ўқув жараёнида жорий этиш ва электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш асосида ўқув машғулотларини фаоллаштириш, ўқувчиларнинг мустақил ва индивидуал ишларининг ҳажмини ошириш, уларнинг иш формаларини кенгайтириш, ижодий потенциалини ошириш ҳамда касбий компетентлигини шакллантириш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бордовский, Г.А. Использование электронных образовательных ресурсов нового поколения в учебном процессе: Научно-методические материалы /Г. А. Бордовский, И. Б. Готская, С. П. Ильина, В. И. Снегурова – СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007. –31 с.
2. Осин А.В. Мультимедиа в образовании: контекст информатизации. –М.: Агентство «Идальянный сервис», 2004. –320 с.
3. Панюкова С.В. Использование информационных и коммуникационных технологий в образовании: учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М.: Издательский центр «Академия», 2010. –238 С.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**А.ХАСАНОВ**

**ТДПУ Ахборот технологиялар кафедраси мудири, PhD, доц. в.б.,  
Ф.МИРЖАМОЛОВА**

**Сергели тумани 277-мактаб информатика ва ахборот технологиялари фани  
ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада таълим тизимида электрон таълим ресурслари тушунчалари, хусусиятлари, функциялари, баҳолаш ва уларнинг ютуқлари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** электрон таълим, компьютер технологиялари, рақамли таълим, ресурслар, функционал, коммуникатив, интерактив, ахборот-таълим, баҳолаш, тест, электрон дарслик, гиперматн ва моделлаштириш.

**Аннотация.** В этой статье описываются концепции, особенности, функции и преимущества использования электронных учебных ресурсов и доступа к образованию.

**Ключевые слова:** электронное образование, компьютерные технологии, цифровое образование, ресурсы, функциональные, коммуникативные, интерактивные, информационно-образовательные, оценка, тестирование, электронные учебники, гипертекст и моделирование.

**Annotation.** This article outlines the concepts, features, functions, and benefits of using electronic learning resources and access to education.

**Key words:** electronic education, computer technology, digital education, resources, functional, communicative, interactive, information-education, assessment, testing, electronic textbooks, hypermata and modeling.

Электрон таълим ресурслари – бу компьютер технологиялари асосида ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган ўқитиши воситаларини бирлаштирувчи энг умумий атамадир. Электрон таълим ресурсларининг хусусий ҳолати бўлган рақамли таълим ресурслари – бу рақамли технологиялар асосида яратиладиган ва амал қиласидан таълим ресурсларидир. Мазкур атамалар орасидаги фарқ принципиал бўлиб ҳисобланади, чунки рақамли технологиялар – бу бор-йўғи ахборотни ёзиб олиш ва қайта ишлаш усулидир. Ҳозирги вақтда булардан бошқа (квантли, лазерли ва ҳ.к.) тизимлар ишлаб чиқилмоқда. Шунинг учун электрон таълим ресурслари – технологиянинг бир қисмини эмас, балки унинг бутун бир соҳасини тавсифловчи энг умумий номланиши бўлиб саналади.

Электрон таълим ресурсларини таснифлаш ва уларнинг типологияси бўйи-

ча турли хил – мақсадли белгиси, ўқитиши тури, методик мақсади, функционал мақсади, дидактик мақсадлари ва машғулотларни ташкил этиш шакли ҳамда шу кабилар бўйича ёндашувлар мавжуддир. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу тарздаги таснифлашлар етарлича шартли хусусиятга эга бўлиб, улар технологияларининг турли хил синфларида ўзаро кесишишлари ҳам мумкин. Функционал мақсадлари бўйича электрон ресурсларининг таснифига тўхталамиз.

Намойиш этувчи ресурслар – улар ўрганиладиган объектлар, ҳодисалар, жараёнларни визуаллаштиришга имкон беради, исталган таълим ахборотларини тўлиқ ҳолда яққол тасвирашни таъминлайди.

Тренингли ресурслар – улар турли хилдаги малака ва кўниммаларни ҳосил қилиш, ўтилган мавзууни тақрорлаш ва мустаҳкамлаш учун мўлжалланади.

Диагностикаловчи ва тестдан ўтказув-

чи ресурслар – булар талабанинг билимлари, маҳорати, кўникмаларини баҳолайди, ўқитилганлик даражасини, шахсий сифатларнинг шаклланганлигини, интеллектуал ривожланиш даражасини белгилайди.

Назорат қилувчи ресурслар – ўқитиш натижаларини назорат (ўз-ўзини назорат) қилиш жараёнларини, ўкув материалини эгаллаганлик даражаси белгиланишини автоматлаштиради.

Эксперт ресурслари – булар ўкув жараёни боришини бошқаради, фойдаланувчи ва ўқитиш тизими ўртасида ўкув вазифаларини бажаришда мулоқотни ташкил этади.

Коммуникатив ресурслар – булар локал ва глобал тармоқларда исталган ахборотни олиш имкониятини, ўкув жараёни субъектларини узоқ масофалардан туриб интерактив ўзаро алоқасини таъминлайди.

Ҳисоблаш ресурслари – кўриб чиқиляётган жараёнлар ва ҳодисалардаги ўкув тажрибалари, ҳисоб-китоблар, ўлчовларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштиради.

Сервис ресурслари – булар фойдаланувчининг компььютерда ишлаш қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Хордиқ чиқариш ресурслари – булар талабаларнинг шахсий ривожланиши ва тарбияланиши мақсадларида дам олиш вақтини ташкил этиш, синфдан ташқари ишлаш учун компььютер коммуникацияси воситалари ва компььютер ўйинлариdir.

Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш таълим муассасаларида масофавий ўқитишнинг деярли барча муаммоларини тўлиқ ҳал қилишга, модулиллик, интерфаоллик ҳамда вариативли каби тавсифлар ҳисобига психологик-педагогик хусусиятдаги муаммоларни ва методик таъминлаш муаммоларини ҳам сезиларли равишда мувваффақиятли ҳал қилиши мумкин.

Талабаларнинг таълим олишига кўмаклашиш функцияси ва бу функцияларни

амалга оширишда электрон таълим ресурсларининг аҳамиятини кўриб чиқамиз:

ўқитувчи томонидан талаба ва ўқитувчининг ахборот оқимлари кесишимаси, талабаларнинг яширин тажрибасига таяниш, шунингдек, ўкув ва ижтимоий лойихаларда билимларнинг ўкув фанлараро интеграциялашуви асосида ўкув фани бўйича таълим мазмунининг танлаб олиниши. Электрон таълим ресурсларини яратиш мазмунни танлаб олиш босқичида ўқитувчи томонидан фойдаланиладиган ахборот манбалари доирасини кенгайтиришга имкон беради, бу талабаларнинг ахборот-таълим эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, ўкув фанлараро интеграциялашувни амалга оширишга ёрдам беради;

ўқитувчи томонидан нафақат ўкув фани мазмунини ўзлаштириш масалаларини ҳал қилувчи таълим технологияларини балки талабаларда компетентлиликтининг пайдо бўлишига ҳам ёрдам берувчи технологияларни ҳам танлаб олиш. Электрон таълим ресурслари турли хилдаги таълим технологияларининг қўлланилишини, анъанавий репродуктив технологияларни қўллаш мумкин бўлмай қоладиган ва методик жиҳатдан асоссиз бўлиб қоладиган вазиятни ҳам келтириб чиқаради. Электрон таълим ресурслари билан ўкув фаолияти кўпроқ даражада мустақил ишлашга ва мустақил таълим олишга йўналтирилади, бу талабаларда компетентлиликларнинг шаклланишига кўмаклашади, замонавий таълим технологияларини қўллаш билан эса бу жараён яққол ифодаланадиган мақсадга қаратилган хусусиятдаги жараёнга айланади;

ўқитувчи томонидан ижтимоий-маданий муҳитнинг бир тури сифатида олиб қараладиган ва муносабатларининг келишилганлигидан талабаларининг таълим олиши макони ва реал шарт-шароитлари яратиладиган очик ахборот-таълим муҳитининг шакллантирилиши;

очик ўкув фани муҳити таълим муассаса-

саси талабаларида ўқув фани бўйича билимлар реал “ҳаётий муаммолар”ни ҳал қилиш учун асосга айланадиган компетентлиликларнинг юзага келиши ва намоён бўлишига ёрдам беради.

Таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолаш ва уларнинг ютуқларини ҳисобга олишдаги турли хил усулларни, ўз-ўзини баҳолашга асосланадиган ҳар хил баҳолаш шаклларини танлаб олиш имконияти. Электрон таълим ресурсларида талабаларни баҳолаш ва уларнинг ютуқларини ҳисобга олишда энг аввало, талабаларнинг ҳар хил типдаги амалий ва назорат топшириқларини бажаришда эришган натижаларни қайд этиш ҳисобига янги имкониятлар юзага чиқарилган.

Тест топшириқларининг турли-туманлиги ўқитувчига индивидуаллаштирилган назорат тизимини лойиҳалаштириш имконини беради. Электрон таълим ресурслари асосига киритилган ўз-ўзини текшириш имкониятлари талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш ва мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Электрон таълим ресурслари ахборот-таълим мұхитининг энг қимматли таркибий қисмларидан бири бўлиб саналади. Айнан таълим ресурсларида ўқув жараёнининг мазмуний таркибий қисми концентрациялашади. Электрон таълим ресурсларининг ўқув жараёнидаги аҳамияти одатдаги қофозли қўлланмаларга қараганда сезиларли равишда катта, чунки янги таълим технологиялари мустақил тайёргарликнинг улуши ортиши ҳисобига ўқитувчи ва талабанинг персонал алоқалари қисқаришини кўзда тутади.

Электрон дарсликлар ахборот-таълим мұхитиниг асоси бўлиб ҳисобланади. Уларда таълим олиш учун зарур бўлган материаллар концентрациялашади. Электрон дарсликларнинг асосий сифатлари бўлиб қўйидагилар саналади:

материални баён қилиш тўлиқлиги ва

узлуксизлиги;

замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш билан янги дидактик иш схемаларининг юзага чиқарилиши;

мультимедиа технологияларидан мажмуавий фойдаланиш, навигацион имкониятлар. Электрон дарсликнинг юқори сифати ҳақида (яққол кўриниб турадиган мазмуний таркибидан ташқари) унинг қофозли форматга ўtkазилишида ўзининг дидактик хоссаларини йўқотилишига гувоҳ бўлиши мумкин.

Тест топшириқларидан ўтказиш тизими. Билим, маҳорат ва кўнимкалар дарражаларини назорат қилишининг дастурий воситалари талабанинг билимлари сифатини баҳолаш жараёнини автоматлаштиради. Тест топшириқларидан ўтказиш тизими таълим тизимида анча даврлардан бери кўлланилади. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, олинган билимларни баҳолаш жараёнида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳаракатларини моделлаштириш – ахборот нуқтаи-назаридан жуда нозик бўлган ишdir. Кўплаб вазиятларда уни энг замонавий ахборот технологияларидан, сунъий интеллект методларидан фойдаланмасдан туриб сифатли тарзда амалга ошириш мумкин эмас. Масалан, математика бўйича интерфаол тест тизими талабанинг жавоби мантигини кузатиб бориши, шунингдек, ўрганилаётган ўқув фани бўйича таянч билимлар базасига асосланиши лозим. Мана шундай тизимларни ишлаб чиқиш сезиларли миқёсдаги меҳнат, вақт ва молиявий сарф-харажатларни талаб қиласди. Бахтимизга, мана шундай мураккаб технологияларни қўллаш ҳар доим ҳам талаб қилинавермайди.

Ахборот-излаш маълумотли тизимлар талабаларнинг мустақил ишлашларини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган. Улар асосий саволлар, сўровлар ва шу қабилар бўйича излаб топиш орқали ахборотларнинг керакли блокларига бевосита

кириш имкониятлари билан дарсликлардағи материалларни мунтазам ва кетма-кетликда баён қилишни тұлдиріб борадилар. Маълумотлар тизими билимлар базаси билан иш юритиб, улардаги ахборотлар қоидага күра, дараҳтли шаклда, гиперматнли форматда, маълумотларнинг реляцион базалари күринишида ташкил этилган. Ривожланған ахборот-маълумотларни излаш тизимлари фойдаланувчига бой сервис имкониятларини тақдим этиши, масалан, динамик каталогларни яратиши, ахборотларни профиллаштириш (“сиқиб чиқаришлар”ни амалга ошириш) ва шу каби имкониятларни бериши мумкин. Энг тақомиллашған маълумотлар тизимлари ўзларини худди сунъий интеллект технологияларини құллаш билан амалга ошириладиган экспер特ли тизимлар сифатида тутиши мумкин.

Касбий фаолиятни автоматлаштириш воситалари шунингдек, үргатувчи электрон ресурслар сифатида ўртага чиқиши мумкин. Электрон ресурсларнинг мана шундай типидаги ўзига хосликлар қоидага күра, таълим соҳасидан ташқарыда ишлаб чиқылған ресурсларни киритиш лозим бўлиб, бу ресурслар ўқитиши жараёнида фойдаланиш учун тайёр ҳолатда бўлади ва фақатгина методик тайёргарлик кўрилишини талаб қиласиди. Мазкур типдаги электрон ресурслар айникса, информатикани ўқитища кенг тарқалған: талабалар шундай дастурий муҳитларда, маълумотлар базасини бошқаришнинг шундай тизимларида ишлайдиларки, бунда улар кейинчалик ўз касбий фаолиятларыда худди шундай шароитларга дуч келадилар.

Умумий фойдаланишдаги сервисли дастурий воситалар – бу категорияга ўкув жараёнининг майда ишларини автоматлаштирувчи сервис воситалари киритилади. Бу воситаларни қўллаш соҳаси турли хилда бўлиши мумкин: майда ишларни автоматлаштириш, ўкув хужжатларини расмийлаштириш, тажрибавий тадқиқотлар маъ-

лумотларини қайта ишлаш ва шу кабилар.

Мажмуавий ўқитиши дастурлари ҳар бири санаб ўтилган типлардан бирига тегишли бўладиган компонентлардан иборатдир. Электрон таълим муҳитларида ўқитиши жараёнини моделлаштириш ўз моҳиятига кўра ўқитувчи ва талаба фаолиятини моделлаштириш бўлиб ҳисобланади. Анъанавий ўқитиши жараёнига мослик даражаси бўйича ўкув ресурсларининг “жавобни танла” типидаги содда тест дастурларидан тортиб то нозик интеллектуал тизимларгача бўлган иерархиясини тузиш мумкин. У ёки бу таълим жараёнини амалга оширишда моделлаштиришнинг даражасини тўғри танлаш муҳим методологик момент саналиб, бу ресурслардан фойдаланишнинг адекватлиги ва самарадорлигини, шунингдек, уларни ишлаб чиқиши жараёнидаги сифат нисбатининг оптимальлаштирилишини таъминлашга имкон беради.

Электрон таълим ресурслари орқали ўкув жараёнини моделлаштириш ва автоматлаштириш ҳозирги кунларда кенг ишлаб чиқилмоқда. Бу соҳа барқарорлашиши, етарлича миқдордаги ғоялар, тажриба, дидактик ва технологик ютуқлар билан бойитилиши учун ҳали сезиларли қўламдаги интеллектуал, меҳнат ва молиявий инвестициялар ҳамда вақт зарур бўлади.

Электрон таълим ресурсларини таснифлаш ва уларнинг типологияси бўйича турли хил – мақсадли белгиси, ўқитиши типи, методик мақсади, функционал мақсади, дидактик мақсадлари ва машғулотларни ташкил этиш шакли ҳамда шу кабилар бўйича ёндашувлар мавжуддир.

Электрон таълим ресурсларидағи мавжуд ахборотларнинг фойдалилиги шу билан белгиланадики, бунда ахборотни олувчига ўкув мақсадларига эришишни қайдаражада таъминлай олиши асосий жиҳат бўлиб саналади. Мазкур хусусият миқдорий ўлчам билан боғлиқдир, чунки, номаълумлик даражасининг олиб ташланғанлиги

қанчалик юқори бўлса, тўғри қарорни қабул қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик юқори ва бундан келиб чиқиб – мақсадга эришиш эҳтимоли ҳам шунчалик аниқроқ бўлади. Табиийки, ахборотнинг фойдалилиги унинг интенсивлиги билан белгиланади – нотўғри ахборот фақат мақсаддан узоқлаштиради ва бу билан ахборотнинг фойдалилиги салбий бўлиб чиқади.

## Электрон таълим ресурслари муам-

моли вазиятларни юзага келтирувчи ма-  
салалар ва топшириқларни эҳтиёж ҳамда  
қизиқиш уйғотилиши лозим. Замонавий  
таълим талаблари асосида яратилган элек-  
трон таълим ресурслар ўқитиш самарадор-  
лигини оширади, талабаларнинг билим-  
ларини тизимлаштиришни таъминлайди,  
ижодий қобилияtlарини ривожлантиради  
ҳамда қасбга қизиқишини кучайтиради.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джураев Р.Х., Тайлаков Н.И. Создание электронных учебников: теория и практика. – Т.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2007. – 192 с.
  2. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари // П.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати Тошкент – 2011., 8 бет
  3. Ҳамидов Ж.А., Аблоқулов М. Электрон ўқув методик мажмууани лойиҳалашга тизимли ёндашув методикаси // Халқ таълими. Тошкент, 2012. №1. Б. 34 36.
  4. Gaffarov F.H. Role of Electronic Educational Resources in Training Special Subjects // Eastern European Scientific Journal . 376-380 б. , Германия, Ausgabe 3-2018.

# КАСБЛАРНИ ЎРГАТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

**Х.ОФТОБХЎЖАЕВА**

**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти катта ўқитувчиси,  
А.АБРАЙҚУЛОВ**

**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти бошқарма бошлиғи  
Т.ХУДАЙБЕРГАНОВ**

**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти инженер-программисти**

Дунёда жадал суратларда ривожланиб бораётган технологиялар бизнинг ҳаётимизнинг ҳар бир бурчагига кириб бормоқда.

2030 йилга келиб инсоният рақамли дунёда фаолият кўрсатар экан, компьютерлар, интернет, мобиль телефонлар, алоқа, ижтимоий тармоқлар – буларнинг барчаси инсониятнинг доимий хаёт тарзига айланиб бормоқда. Инсонларнинг технология билан танишиши, мобиль алоқага ишониши ва оила, дўстлар билан алоқада бўлиш истаги яъни технологик инқилоб манзарасини халқ хўжалигининг барча соҳаларида ва кундалик ҳаётдаги эҳтиёжи табора ортиб бормоқда бу эса ўз навбатида таълимни рақамлаштириш яъни таълим берувчиларнинг таълим-тарбия бериш усусларини ва ўқитиш воситаларини ҳам ўзгартиришга олиб келади. Роботларнинг пайдо бўлиши, автоном транспорт, сунъий онг ва автоматлашган қурилмалар кундлик ҳаётга ва иш учун зарур бўлган кўнималарга айланмоқда.

Бугунги кунда касб-хунар таълими тизимида электрон муҳитни вужудга келиши ва электрон ресурслар базасини яратилиши таълим соҳасининг ривожланишига олиб келади, чунки рақамлаштириш технологияси асосида ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилмоқда ва роботлаштирилмоқда, натижада жаҳон бозорида ишлаб чиқариш маҳсулотларининг

сифатини сезиларли даражада кўтарилиши яъни саноатни рақамлаштирилиши ўз навбатида касб-хунар таълими тизимида рақамлаштирилган электрон таълим муҳитини яратишга таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Бунинг учун касб-хунар таълими тизимида таълим жараёнларини рақамлаштиришда ижодий фикрловчи, таълимнинг замонавий метод ва технологияларини, аниқ амалий фаолият асосида педагогик жараённи мустақил лойиҳалаш ва режалаштириш усусларини электрон вариантларда қўллай оладиган педагоглар ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг таркибини шакллантиришни талаб этади.

Хозирги кунда касб-хунар таълими тизимида таълим берувчиларга нисбатан смарали фаолиятини ташкил қилиш, ўқув, илмий ҳамда методик тадбирларни тўғри режалаштириши ва амалга ошириши, касбий педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориша ўзгариб борувчи замонавий талабларга тезкор равишда мослашиб бориш каби талаблар қўйилмоқда. Бунинг учун ҳар бир касб-хунар таълими тизимида фаолият юритаётган педагог ва касбий таълим усталари креативлик сифатларига эга бўлиши уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишда инновацион ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмаслик каби фазилатларга эга бўлишлари, таълим

олувчиларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиласидиган инновацион ғояларни яратишида фаоллик кўрсатиш, илгор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкаслар билан педагогик ютуклар хусусида доимий, изчил фикр алмасиш тажрибасига эга бўлиш лозим. Чунончи, педагог кадрларнинг таълим-тарбия жараёнларидағи рақобатбардошлиги унинг илгор таълим технологияларини ўзлаштириш қобилияти, ўзгарувчан ҳамда ошиб бораётган касбий талабларга мослаша олишига боғлиқ.

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини педагогик фаолият ҳамда касбий компетентликнинг ажралмас қисми сифатида шакллантириш устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Шу сабабдан педагогларнинг касбий маълумотлар базаси ва таълим олувчилар билан ўқув мулоқотларини электрон ресурслар асосида ташкил этиш педагогик жиҳатдан муҳим вазифалар қаторига киради. Эндиликда касб-хунар таълими тизимида фаолият юритаётган педагог ва ишлаб чиқариш таълими устарларининг касбий компетентлиги ва креативлиги қуйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларни шакллантирилишига қаратилиши лозим:

- ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкиллаштириш; матн, тасвир, овоз ва видео ахборотларидан фойдаланилган ҳолда мультимедиали иловаларни яратиш;
- мультимедиа дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда анимация яратиш;
- ахборот-коммуникация технологиялари, рақамлаштирилган технологиялардан фойдаланиш;
- электрон таълим воситаларидан фойдаланиш;

- электрон таълим учун муаллифлик воситаларини яратиш;
- ўқув жараёнини ахборот коммуникация технологияларини ўринли (мақсадли) қўллаган ҳолда ташкиллаштириш ва бошқариш;
- глобал тармоқлар орқали педагогик ҳамкорликни амалга оширишни;
- таълим сифатини таъминлаш имкониятини берувчи ахборот тизимларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- мультимедиа воситаларидан фойдаланишни билиш;
- видео, аудио, график, гиперматнли маълумотлар билан ишлаш;
- электрон ўқув режалаштириш хужжатлари, электрон ўқув методик мажмua, электрон журнал, электрон хавфсизлик техникаси журналларини юритиш;
- электрон доскалардан самарали фойдаланишни;
- электрон тизимда баҳолашни, дастурлаштирилган ўқув модулларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш каби компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнга тадбиқ этиш юзасидан AutoRun Pro Enterprise II дастурида ишлашни тақдим этиш мумкин. Ушбу дастур Microsoft Windows операцион тизимида сақлаш воситаларида дастурлар ва дастурларни автоматик ишга тушириш ёки ўрнатиш учун мослашган. Дастур орқали ўқув машғулот учун зарур бўлган ўқув ахборот материаллари ва ўқитиш воситаларини тизимлаштириш имконини берувчи электрон таълим ресурсини яратишга хизмат қиласи.

AutoRun Pro Enterprise II дастури бошқа дастурлардан қуйидаги афзаллиги билан фарқланади:


- дастур содда ва қулай, чуқур АҚТ са-водхонликни талаб қилмайди;
- ўқув материалларини жамлаш ва ти-зимлашган ҳолда ишлаш имконини беради;
- янги ва кўшимча маълумотларни ки-ритиш, аҳборотни бойитиб бориш, эскирган маълумотларни янгиси би-лан алмаштириш имкони мавжуд;
- исталган миқдорда саҳифа яратиш;
- дастур ёзилган дисклар учун автома-тик созламаларни яратиш имконияти;
- яратилган дастурий таъминотни хи-моялаш имконияти.

AutoRun Pro Enterprise II дастури би-лан ишлаш икки босқич олиб борилади. Биринчи босқичда дастур интернет сайт-ларидан компьютерга юклаб олинади ва ўрнатилади. Куйида келтирилган кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

ARPEIISetup.exe буйругини босинг.

Имя	Дата изменения
RUS	2016/11/26 21:09
ARPEIISetup6	2015/10/17 15:21
Key	2015/10/17 15:12
Как создать AutoRun	2019/04/11 20:23

Очилган ойна дастурни компьютердаги локал дискга ўрнатиш танланади ва Next тутмаси босинг натижада дастур компьью-терга ўрнатилади.




Дастур интерфейси сарлавҳа, бош меню, хужжатларни қўриш учун ишчи ойналар, тасвирларни редакторлаш учун бир неча панеллар йиғиндисидан ташкил топган. Дастур ойнасининг марказидаги майдон иш жойи деб номланиб, ҳар бир хужжат учун янги саҳифа очилади.


Масалан: AutoRun Pro Enterprise II дастурида модул яратиш:

AutoRun Pro Enterprise II дастурида модул яратиш учун маълумотлар базасини яратиб олиш керак. Базани яратиш учун янги каталог (папка) яратиб олинг (Соз-дать папку). Каталогни номини киритиш учун яратилган папка устида сичқончанинг ўнг томонини босган ҳолда контекс меню орқали номини ўзгартириш (пере-именовать)ни босинг ва қайта номланг. Яратилган каталог номини “Модул яра-тиш” деб номланг.


Яратилган каталогнинг ичидаги ка-талоглар яратинг.




Каталог номини “Файл” деб номланг. Каталогни номини ўзгартириш учун яра-тилган папка устида сичқончанинг ўнг то-монини босган ҳолда контекс менюнинг қайта номлаш (переименовать) буйруғи орқали бажарилади.



Файл каталогининг ичида ҳам яна каталог очилади. Унда яратилган каталоглар номланади. Бу каталогларни номланг масалан: маъруза, видео, тақдимот, тест, пла-катлар ва х.к. деб номлаб олинг. Яратилган каталогларни маълумотлар жойлаштириб бойитиб олиш мумкин. Бу маълумотлар \*exe, doc, pdf, jpeg, avi, mp4, mp3, xml, rtf, html, gif ва х.к. файллар тўплами бўлиши мумкин.



Дастурни ишга тушуриш учун AutoRun Pro Enterprise II.exe тугмаси бо- силади ва қуйидаги ойна ҳосил бўлади.



#### AutoRun Pro Enterprise II дастури интерфейси

AutoRun Pro Enterprise II дастури иш-чи ҳолатига келтирилди (давоми, AutoRun Pro Enterprise II дастурида ишлаш тартиби журналнинг кейинги сонида берилади).

## «АҚЛЛИ КОЛЛЕЖ» НИМА?

**Ш.ШАРОФАДДИНОВ**

**КХТТИРПКМО ва УҚТ институти директори ўринбосари,  
А.АВЛИЯКУЛОВ п.ф.н.,доц., М.ШОРАХИМОВ ф-м.ф.н.,доц.,  
Н.ХОДЖАЕВ т.ф.н.,доц.  
КХТТИРПКМО ва УҚТ институти ўқитувчилари**

Президентимиз, Ҳукуматимиз томонидан Республикаизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги “Ўзбекистон республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 48-сон қарорининг қабул қилиниши хам ана шу ишларнинг биридир. “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепцияси таркибида “Ақлли таълим” тамойили бўлиб, унда таълим тизимидағи бўлажак ўзгаришларни кўзда тутган таълимдаги инновацион мухитни яратиш борасидаги амаллар дастури ётибди.

“Ақлли таълим” – бу таълим онлайн-платформалар ва оммавий очиқ онлайн курслар тарзидаги технологик ечимлар тўпламини, виртуал реал ҳолат билан тўлдирилган илгор визуализация ва масофавий кириш технологиялари ва бошқаларни ўз ичига олган технологик ечимлар тўпламидир (1).

Албатта кутилаётган натижалар мамлакатимизнинг равнақи, ҳалқимизнинг фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган, таълим тизимида зудлик билан ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Шу боис, бугунги қундаги энг муҳим вазифалардан бири, таълим тизимида туб

ўзгаришлар яратишда инновацион технологияларни жадал суръатда татбиқ этиш, таълим сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, таълим муассасаларининг барча бўғинларидағи битирувчилини рақобатбардош мутахассис, ўз Ватанига содик фарзандлар қилиб етказиша таълим-тарбияни замон талабларига жавоб берадиган босқичга кўтаришдан иборатдир.

Касб-хунар коллежида (КХК) таълим жараёнини ташкил этишда (ТЖТЭ) учрайдиган мумаммолар ва уларни бартараф этишнинг баъзи усулларини кўриб чиқамиз. ТЖТЭ ни замон талабларига мос равишда ташкил этиш деганда, биз энг аввало, ўқув жараёнда янги педагогик технологияларни қўллаш мақсадида КХКнинг инфратузилмасини модернизациялаш, моддий-техник базасини фан-техниканинг янги ютуқларини қамраб олган инновацион технологиялар, машғулотларни ташкил этишда ахборот коммуникацион технологиялардан (АКТ) самарали фойдаланиш ва энг муҳими таълим сифатини (ТС) юксалтиришга қаратилган ўқув услубий мажмуалар (ЎУМ) ишлаб чиқилганлиги ва ўқувчиларнинг билим, кўнишка, малакаларини (БКМ) объектив баҳолаш тизимини тушунамиз. Юқорида таълим жараёнини такомиллаштириш ва унинг сифатини юксалтиришда келтирилган омилларни ўзаро боғлиқлигини ва бир-бирига таъсир доирасини кўриб чиқамиз (1-расм).



“Ақлли шаҳар” тўғрисида телевидение, оммавий ахборот воситаларида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. “Ақлли колледж” ўзи нима деган табиий саволга дарҳол жавоб бериш қийин бўлмагандай туюлади, аслида эса ушбу муаммо ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий томондан мураккаб бўлиб унинг ечими заминида ички ҳамда ташки омиллар ётибди. КҲҚ раҳбарияти олдида турган биринчи даражали муаммо, бу иш берувчининг талабига биноан ўқув дастурларини ишлаб чиқиши, уларга мувофиқ равишда ўқувчилар ва ўқитувчилар контингентини аниқлашдек мураккаб ижтимоий муаммо турибди. Демак КҲҚнинг келажакдаги фаолият йўналишининг вектори меҳнат бозори талабларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади, бу эса ўз навбатида педагоглар ва таълим усталарининг компетенцияларига бўлган талаблар мезонини таҳлил қилиш ва қайта ишлаб чиқишига ундейди. Янги талаблар энди таълим жараёнини бошқаришда ҳам янгича усулларни талаб қиласиди, чунончи жадаллашган таълим жараёнини энди анъянавий усуллар билан

бошқариб бўлмайди, ўз-ўзидан янгича ёндашувларни – инновацион ёндашувларни қўллашни тақозо қиласиди. Электрон бошқарув тизими улардан бири бўлиб, у фақатгина электрон кундалик ва электрон турникет бўлибгина қолмай, балки бутун таълим жараёнини ўқув йилининг биринчи кунидан бошлаб то тамом бўлгунига қадар даврини қамраб олган бўлиши керак. Равшанки, бунда ўқувчилар ва ўқитувчи ходимлар давоматини мониторинг қилишдан ташқари ўқувчининг БКМ ларини ДТС талабларига жавоб берадиган узлуксиз назорат тизимида кузатиб бориш ва баҳолаш, педагог ходимларнинг фаолиятларини баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ўқувчи энди мустақил ишлаши ва зарур кўнкимларни эгаллаши, педагог эса АҚТ лардан самарали фойдаланиши учун ўз устида тинмай ишлаши, касбий маҳоратини ошириши, электрон таълим ресурсларидан (ЭТР) унумли ва самарали фойдалана билиши керак. КҲҚ раҳбарияти ва педагоглари олдида турган ўта муҳим, ўта масъулиятли вазифа ўқувчилар билимини холисона объектив баҳолаш туриб-

ди, агар ушбу масала жаҳон андозаларига мос равиша ўз ечимини топмаса, барча қилинаётган саъй-ҳаракатларимизнинг самараси битирувчиларимизни нафақат ички бозорда, ҳаттоқи ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топишларини кафолатлай олмайди. Шубҳасиз, ТСни баҳолашда янги ёндашувларни қўллаш зарур, бундай ёндашувлардан бири блок-модулли ўқитиши тамойилига асосланган бўлиб у ўқувчининг БКМ ларини узлуксиз равиша, бутун ўқиш даврида, объектив баҳолаш имконини беради, чунки бундай баҳолаш электрон тизимга таянган бўлади.

КҲҚ олдида турган бош вазифа – кутилаётган натижа, яъни ички ҳамда ташқи меҳнат бозорида ўз ўрнини топиб кета оладиган рақобатбардош мутахассисни тайёрлашдан иборат олий мақсад турибди. Бундай мақсадга эришиш учун КҲҚ бозор иқтисодиёти шароитларида иш берувчи билан ҳамкорликда қабул квоталарини шакллантириши, буюртмачининг ўсиб бораётган талабларини қондириш мақсадида ўқув дастурларини ишлаб чиқиши, таълим шакли (кундузги, кечки, сиртқи ва х.к.) ва муддатларини белгилаши (6 ой, 1 йил, 1,5 йил ва х.к.), КҲҚ инфратузилмасини модернизациялаш (аудитория фонди, виртуал лаборатория ва устахоналар ва х.к.), ЎУМ ни ишлаб чиқилган янги дастурлар асосида қайта ишлаб чиқиши ҳамда АРМ фондини ЭТРлар билан бойитиши, моддий-техник базасини замонавий фан-технологияларининг ютуклари-

ни инобатга олган ҳолда мустаҳкамлаш ва қайта жиҳозлаш, педагоглар ва ишлаб чиқариш усталарининг салоҳиятини юксалтириш, энг муҳими таълим сифатини юксалтиришнинг ўта муҳим омили бўлган баҳолаш усувларининг инновацион усувларини жорий этиш. Бунга албатта бутун таълим жараёнини ташкил этишда юқорида келтирилган амаллардан ташқари ўқитиши жараёнини хорижий давлатлар ўқитиши тизимини ўрганиб, ундан бизнинг шароитларга мос моделини қўллаш, мосалан, биринчи қадам сифатида блок-модулли ўқитиши тамойилига ўтиш, чунки бунда ўқувчиларнинг БКМ ларга бўлган иш берувчи ва ДТС ларга жавоб берадиган баҳолаш тизими холисона ва объектив кафолатланади, чунки бундай баҳолаш бутунлай электрон бошқарув тизимига таянган бўлади. Умуман модернизация, электрон бошқарув, инновацион ёндашув тизими тўғрисида сўз юритилганда таълим жараёнини электрон бошқарувга тўлиқ ўтказиш тушунилади. Зоро бундай инновацион ёндашувда таълим жараёнининг барча босқичлари, бўғинлари ва энг муҳими таълим сифатини баҳолаш электрон тарзда амалга оширилади. Хулоса қилиб айтганда “Ақлли колледж”ни, таълим жараёни электрон бошқаруви амалга оширилган, педагогик жамоанинг новаторлик фазилатлари шакллантирилган ва ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган таълим муассасаси деб караш мумкин.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикасида «Ақлли шаҳар» технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 48-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 09/19/48/2509-сон.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ

Н.ПУЛАТОВА

**А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТ ва МОИ таянч докторанти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида инновацион бошқарув ҳақида тушунча, педагогикада уни сифат жиҳатдан баҳолаш ва бошқарув ривожланиши самарадорлиги мезонлари, инновацион фаолият мақсадларининг интеграциялашганлиги, мактаб бошқаруви тамойиллар келтирилганды.

**Калит сўзлар:** мактаб, инновация, бошқарув, педагогика, баҳолаш, мезон, интеграция, тамойил, янгилик, таълим, сифат, жамоа, фаолият.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются концепция инновационного менеджмента в общеобразовательных школах, его оценка качества в управлении, критерии эффективности управления, интеграция инновационной деятельности и принципы управления школой.

**Ключевые слова:** школа, инновации, менеджмент, педагогика, оценка, измерение, интеграция, принцип, инновации, образование, качество, деятельность.

**Annotation.** This article highlights the concept of innovation management in general education schools, its quality assessment in management, and criteria for the effectiveness of governance, the integration of innovative activities, and principles of school management.

**Key words:** school, Innovation, Management, Pedagogy, Evaluation, Measurement, Integration, Principle, Innovation, Education, Quality, Teamwork.

Инновацион жараёнларни бошқариш бўйича самарали фаолият деганда мактабда амалга оширилаётган янгиланишлар натижасида маълум вақт оралиғида қўлга киритилган инновацион фаолият натижалари ҳамда уларга сарфланган куч, маблағ, вақт, ресурс ва воситалар назарда тутилади.

Ҳозирга қадар таълим сифати кўрсаткичларини, мактаб ривожланиш имкониятларини аниқлашнинг мукаммал мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги боис, ҳар қандай мактаб бошқарувини сон жиҳатдан баҳолаб бўлмайди, бу жараён нисбий характер касб этишда давом этади. Бироқ педагогикада уни сифат жиҳатдан баҳолашнинг мезонлари мавжуд.

Мактабда потенциал тарзда ўзлаштирилиши кутилаётган янгиликлар тўғрисида педагогик жамоа аъзоларининг ахборотга эгалик даражаси.

Мактаб долзарб муаммоларини ажратиб кўрсатишнинг тўликлиги.

Мактабда инновацион фаолият умумий ва хусусий мақсадларини рационал саралаш: олдинга қўйилган мақсаднинг мактаб долзарб муаммоларини ҳал қилиш имкониятларига

максимал тарзда мувофиқлиги.

Мактабни ривожлантириш мақсадларининг интеграциялашганлиги: киритилаётган алоҳида олинган янгиликлар мақсадининг ўзаро ҳамда муштарак мақсадлар билан мутносиблиги.

Режаларнинг ҳақиқатга яқинлиги: у ёки бу инновацион жараёнлар йўналишини зарур ресурс ва воситалар билан таъминлаш имконининг мавжудлиги, уларнинг асосланганлик даражаси.

Киритилаётган янгиликларни ўзлаштиришдан мактаб педагогик жамоасининг манфаатдорлиги.

Мактабда амалга оширилаётган инновацион жараёнларнинг мунтазам назорат қилиниш имконининг мавжудлиги.

Мактаб бошқаруви инновацион жараёнларини таҳлил қилиш мақсадида биз замонавий методологияда тавсия қилинадиган инновацияларни бошқариш, якуний натижалар энг эътиборли жиҳатларини хисобга оладиган «охиридан бошига» йўлини танладик [1]. Таҳлилга нисбатан бундай ёндашув жараённинг (натижалар ижобий ва салбий томонлари) мантикий занжирини тузиш имконини бера-

ди. Мактаб бошқаруви ривожланиши самарадорлигини биринчи мезон асосида кўриб чиқамиз.

Мактабда потенциал тарзда ўзлаштирилиши кутилаётган янгиликлар ва чекловлар тўғрисида педагогик жамоа аъзоларининг хабардорлик даражаси, биринчидан, мактабда инновацион жараёнларнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари қай даражада инобатга олиниши; иккинчидан, педагогик жамоанинг мазкур шарт-шароитларни ўзлаштириш имкониятлари тўғрисидаги башорат характеристидаги маълумотларга эгалик даражаси; учинчидан, педагогик жамоанинг мактабни ривожлантириш йўллари ва воситаларини ташувчи босма нашрлар, инсонлар, ахборот-техник тизим каби манбалардан фойдаланиш даражаси билан белгиланади.

Мактаб раҳбарлари ва педагог ходимлар билан ўтказилган сўровномалар натижаси бизга аксарият мактабларда муассасани янгилаш, бошқарув тизимини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив жиҳатлари етарли даражада ҳисобга олинмаётганлигини, бу борадаги янгиликларни олиш ва амалиётга татбиқ килиш даражасининг самарасиз йўлларидан бораётганлигини, мукаммал тизимнинг йўқлигини аниқлаш имконини берди.

Мактаблар ўз истиқбол ривожланиш максадларини шакллантиришда ҳар доим ҳам ижтимоий буюртма талабларидан келиб чиқавермайди, бунинг бир қатор типик сабаблари мавжуд. Қуйида уларни санаб ўтамиш.

Мамлакатимизнинг аксарият вилоятларидаги мактаб таълимини башоратлаш ва ривожлантиришнинг маҳаллий қадриятлар, урфодат, анъана ва шароитларни ҳисобга оладиган дастурлари мавжуд эмас. Шу боис ҳам кўпгина мактабларимизда мактабларни ривожлантириш худудий бирлашмалари ёки хорижий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни таълим жараёнига олиб кириш ишлари даражаси жуда паст.

Айрим ўкув фанлари юзасидан ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган давлат таълим стандартларининг мазмунни қайта кўриб чиқишни талаб қиласди. Мактаб компоненти таълим стандартларини лойиҳалашни

амалга оширишда педагоглар илмий асосланган методларга қараганда кўпроқ узоқ йиллар мобайнида тўплаган тажрибалари, маҳорати асосида интуицияларига таяниб иш кўрадилар.

Мактаб ўқитувчилари ва раҳбарлари жамоатчилик фикрини ўрганиш методларини яхши билмайдилар (мактаб томонидн кўрсатиладиган хизматларга асосий буюртмачилар фикрини билиш); шунингдек, мактаб бошқаруви билан юқори ташкилотлар томонидан кўп микдорда янги меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши ҳам қайсиdir маънода мактаб бошқаруvida раҳбарлари эркинлигининг чекланишига, уларнинг вазифасига ижодий ёндашувининг пасайишига сабаб бўлаётганлиги ҳам сир эмас [2].

Жойлардаги худудий таълим бошқармалари, илмий-услубий марказлар, методик кабинетларининг янги педагогик билимларни ёйишдаги нофаоллиги, иш усусларининг эскирганлиги, инновацион жараёнлардан ортдалиги.

Вилоят ва туманларимизда олимлар томонидан яратилган илмий ишланмалар, инновациялар мазмунига оид маълумотлар оқимини тартибга соладиган ахборот хизматларининг йўлга қўйилмаганлиги. Агар жойларда бу каби марказлар фаолияти йўлга қўйилган бўлса, уларнинг имконият даражасида самарали фаолиятининг йўлга қўйилмаганлиги.

Мактабларда мавжуд компьютер тармоқлари хизматларидан фойдаланиш даражасининг замон талаблари даражасида эмаслиги. Олимлар педагогик инновациялар тўғрисида компьютер тармоқлари асосида маълумот ва ахборотларни олиш алтернатив коммуникатив тизим, манбаларга нисбатан бир неча ўн барабар арzon ва куляй эканлигини аллақачон исботлашган. Бироқ ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларининг компьютер саводхонлиги паст даражада эканлиги мактабларга билимли ЭҲМ оператори мутахassisларини жалб килишни тақозо этмоқда.

Аксарият ривожланган мактабларда соғлиқни сақлаш муассасалари, тиббиёт ходимлари билан яқиндан муносабат ўрнатилмаган, мактаб ва худудий ижтимоий-психологик

хизматлар ривожлантирилмаганлиги нафақат мактабни ривожлантириш борасидаги тўсиқларни кучайтириш, балки ўқувчилар саломатлигига ҳам жиддий путур этишига олиб келади. Кўплаб мактабларда инновацион жараёнларни кўллаб-кувватлаш ёки психолог, социолог каби маҳсус хизмат кўрсатадиган мутахассислар билан таъминлашга эътибор паст. Сўровнома олинган мактаб раҳбарларининг фақат 10% янгилик ва инновацияларни жорий этишга, 7% мутахассисларни жалб этиши, 83% бу фаолият билан умуман шугулланмаганлигини билдиришди.

Аксарият мактабларда янгиликлар ғоя ва технологиялар банки (картоекаси) мавжуд эмас, бу эса мактабда мавжуд муаммоларни излаш, уларни бартараф этиш имкониятларни пасайтириб юборади, агар жамоада мавжуд муаммолар аниқланган тақдирда ҳам етарли шароитларнинг йўклиги боис улар муаммолигича қолаверади ёки жамоа долзарб деб ҳисоблаган масалалар аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган бўлади.

Кўплаб вазиятларда янги ғоялар объектив тарзда мавжуд бўлиб, субъектив тарзда мактабларда умуман мавжуд эмас (мактабларда улар хусусида ҳеч нарса билишмайди!). Инновацион таълим фаолиятидаги мазкур камчиликни енгигиб ўтишда маҳаллий таълим ташкилотлари томонидан мактабларни ривожлантириш илғор тажрибалари педагогик-психологик маълумотлар банкини яратиш зарур [3]. Бироқ сўровнома олинган мактаб раҳбарларининг фикрича, туман халқ таълими бўлимларида мавжуд педагогик янгиликлар картотекаси умуман талаб даражасида эмас, яъни қониқарсиз ҳолатга келиб қолган ёки умуман йўқ.

Демак, киритилаётган янгиликларни ташкиллаштириш ва назорат қилишдаги бошқарув қарорлари рационал асосидан ажралади, натижада мактаб ички бошқарув тизими мавжуд ёки бўлғуси вазият, муаммоларни башорат қилиш ҳамда уларни бартараф этиш имкониятларини йўқотади. Бу, бир томондан, педагогика фанида ҳар бир алоҳида олинган мактаблар томонидан ўзлаштириладиган янгиликларни саралаш, баҳолаш жараёнлари ва

мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги, иккинчи томондан, аксарият мактаб раҳбарларида стратегик бошқарувга оид зарур билим, кўнишка ва малакаларнинг йўқлиги билан изоҳланади.

Мактабларда инновацион жараёнларни самарали бошқаришнинг энг муҳим шартларидан бири мактабда инновацион фаолият мақсадларининг интеграциялашганлигидир. Бунинг учун куйидагилар зарур:

- жорий этилаётган ҳар бир янгилик мактабни умумий ривожлантириш мақсадларига мослиги (ёки уларга қарама-қарши эмаслиги);
- инновацион фаолиятнинг ҳар бир субъекти бу мақсадларни мукаммал билиши ва уларга таяниб иш кўриши. Бироқ биз юқорида таъкидлаган мактаблар ички бошқарувида гегемонлик қилаётган янгиликларни жорий этишга нисбатан тизимсиз ёндашув педагогик жамоа мақсадлари интеграциялашувига катта тўсиқлигича қолмоқда.

Мактабларда инновацион фаолият мақсадларининг интеграциялашмаганлиги ва норационаллиги мактаб ва унинг айрим участкаларини янгилаш дастурларига киритилган тадбирлар пухта ишланмаганлиги, улар орасидаги боғланиш, алоқаларнинг номустаҳкамлигига олиб келади. Аксарият ҳолларда уларнинг мувофиқлаштирилмаган ҳаракатлари, бир-биридан мустақиллиги ресурслар билан ёмон таъминланишга сабаб бўлади ҳамда мактабдаги инновацион фаолият режаларининг ҳақиқатдан йироқлашувига олиб келади [4]. Қайсики мактабларда истиқболни режалаштиришга яхлит тизим сифатида ёндашув мавжуд бўлиб, ресурслар тўғри тақсимланган, таълим субъектлари ўртасида фаолият тақсимоти яхши йўлга қўйилган бўлса, айнан шу мактабларда мазкур камчиликларни бошқарув дастурлари ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлади.

Бутун мактаб жамоаси унинг фаолиятини янгилашдан манфаатдор бўлиши учун, биринчидан, янгиликларни жорий этишни режалаштириш ва ташкил қилишда уларнинг манфаатлари, қизиқиш, эҳтиёжлари инобатга олинган бўлиши, иккинчидан, агар кутилаётган натижа уларда инновацион жараён ишти-

рекчиларига айланишлари учун мотивация үйғота олиши шарт бўлади.

Мактабда инновацион фаолият моҳияти, таркиби, унинг ўрни, мақсадлари, аҳамиятига оид тадқиқотлар мактаб бошқарув тизими томонидан таъсирининг ҳажми ва характеристикини аниқлашга хизмат қиласди.

Бунда инновацион жараёнлар бошқаруви таъсири муваффакиятли бўлиши учун мактабички бошқаруви қуидаги тамойиллар асосига курилиши лозим:

Инсонпарварлик тамойили, шахсга йўна-  
лтирилганлик, умуммактаб жамоаси аъзолари  
манфаатлари, эҳтиёжларини қаноатланти-  
ришга йўналтирилган бўлиши;

қадриятлилик тамойили, мактаб ишларининг маънавий асосларга таяниши (фалсафий, сиёсий, вазифавий, стратегик);

мактабни ривожлантириш мақсадлари, инновация субъектлари ва улар имкониятларини ҳисобга олиш ҳамда амалга ошириш та-  
мойили;

жараёнларнинг мувофиқлаштирилиши ва динамикасини белгиловчи мактаб ҳаётий фолияти барқарорлиги тамойили;

мактаб муаммолари, улар кўлами, барта-  
раф этишнинг долзарбилиги, педагогик жамоа-  
ни сафарбар этиш асосларини аниқлашга қа-  
ратилган муаммолилик тамойили;

мактабда мавжуд муаммоларни барча ла-  
ёқатли жамоа аъзолари ҳамда четдан дахлдор  
ташкилот ва шахсларни жалб қилган ҳолатда  
ечим топишга йўналтирилган ташқи муҳит  
таъсирларига очиқлик-шаффоффлик тамойили;

умуммактаб жамоаси барча аъзолари учун инновацион фаолиятнинг бориши,

унинг натижалари тўғрисидаги маълумот ва ахборотларни олиш эркинлиги тамойили;

мактабларни ривожлантириш умумий дастурини тайёrlаш ва амалга ошириш жараёнлари доирасида инновация субъектлари ҳаракат-фаолиятининг тизимлилик тамоили;

мактабни ўзгартириш ҳар бир босқичи-  
нинг устувор йўналишларини белгилашда  
асосий бўғинни аниқлаш тамойили;

бошқарув фаолияти мазмунини аниқлаш, технологияларни танлашнинг концептуал ёндашувга асосланган бошқарув ҳаракатлари мукаммаллиги, тифиз ва тўлиқлиги тамоили;

алоҳида олинган бир мактаб бошқарув тизимини ривожлантиришда унинг шароитлари ва ўзигагина хос вазифаларини ҳал қилишга қаратилган манзилли йўналганлик тамойили;

мактаб жамоасини ривожлантиришнинг яқин келажакка мўлжалланган инновацион жараёнлари билан бошқарув таъсирчанлиги-нинг мувофиқлиги тамойили.

Мактаб бошқарув моделига тизимли ёндашувда санаб ўтилган тамойиллар муассасанинг умумий бошқарув вазифаларини ҳал қилишда амалга оширилади.

Инновацион жараёнларни бошқариш ом-  
мавий амалиёти таҳлилларининг кўрсатиши-  
ча, бошқарув фаолиятида ажратиб кўрсатил-  
ган тамойиллар асосан амалга оширилмасдан,  
эътироф этилган вазифалар амалдаги тизим  
томонидан бажарилмай келмоқда. Мазкур  
ҳолат мавжуд бошқарув моделларини жид-  
дий реконструкция қилиш, уларни замонавий  
концептуал асосларга эга самарадор бошқа-  
рув моделлари билан алмаштиришни тақозо  
қиласди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кузькин Н.П. Инновации в управлении современной школой: дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01 / Н.П.Кузькин. - Саратов, 2004. -168 с.
  2. Хасанов А.А., Мамаражабов О.Э. Фанларарап алоқадорликда ўқитишининг инновацион методикаси // Таълим тизими бошқарув кадрларни тайёрлаш: муаммолар ва истиқболлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2014 й. ТДПУ, 363-364 бет.
  3. Хуторской А.В. Педагогическая инноватика: методология, теория, практика [Текст] / Хуторской А.В. - М. : Изд-во УНЦ ДО, 2005. - 222 с.
  4. Hasanov A.A. Didactic Foundations of Interdisciplinary Connections at Subject Teaching / Eastern European Scientific Journal. Germany, 2018. №6, P.127-130.

# ФИЗИКА ФАНИ ТЎГАРАК МАШГУЛОТЛАРИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ МАЗМУНИДАГИ БИЛИМЛАРНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ УЗВИЙЛИГИ (академик лицей ва касб-хунар колежлари физика фани тўгарак машгулотлари мисолида)

**У.Б.АБДИЕВ**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Термиз  
филиали, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари,  
техника фанлари номзоди, доцент**

**Аннотация.** Мақолада физикада муқобил энергия манбалари фундаментал ва амалий асосларини босқичма-босқич шакллантириш имкониятларига доир педагогик экспериментлар ва уларнинг натижалари келтирилган. Шунингдек, муқобил энергия манбалари мазмунидаги билимларни ўқитишида дидактик тамойилларнинг узвийлиги масалалари ҳам баён этилган.

**Калит сўзлар:** дидактик тамойиллар, педагогик маҳорат, таълимнинг узвийлиги, дарс ва унинг самарадорлиги, конструкция, энергия, тадқиқот, мактаб, академик лицей, муқобил энергия манбалари, ўқитиши технологияси, кўргазмали организаторлар.

**Аннотация.** В статье приведены педагогические эксперименты по возможности поэтапного отказа от фундаментальных и практических принципов альтернативных источников энергии в физике и их результатов. Также описывается взаимозависимость дидактических принципов в обучении содержанию альтернативных источников энергии.

**Ключевые слова:** дидактические принципы, педагогические навыки, непрерывность образования, урок и эффективность, дизайн, энергетика, исследования, школа, академический лицей, альтернативные источники энергии, технология обучения, визуальные организаторы.

**Annotation.** The article presents pedagogical experiments on the possibility of phasing out the fundamental and practical principles of alternative energy sources in physics and their results. It also describes the interdependence of didactic principles in teaching the content of alternative energy sources.

**Key words:** didactic principles, pedagogical skills, continuity of education, lesson and efficiency, design, energy, research, school, academic lyceum, alternative sources of energy, technology of training, visual organizers.

Маълумки, муқобил энергия манбалари айрим турларидан инсоният жуда қадим замонлардан буён фойдаланиб келмоқда. Ҳозирги пайтга келиб энергия турларидан фойдаланиш бўйича жуда катта тажрибалар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг инсониятга ва табиатга нисбатан салбий ва ижобий томонлари аниқланган. Ҳозирда анъанавий ва муқобил энергия манбалари турлари мавжуд бўлиб, улардан иссиқлик ва электр манбаи сифатида жуда кенг соҳада фойдаланилмоқда.

Анъанавий энергия манбалари турларидан фойдаланиш оқибатида Ер атмосферасини заҳарли газлар ва чиқиндилар билан

зараарлаш даражаси кескин ортиб бормоқда. Шунинг учун муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида жуда катта илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Муқобил энергия манбалари ичида энг самарависи бу “Қуёш энергетикаси” ҳисобланади. Қуёш фотоэнергетикаси электр таъминотидан узилган тоғ, чўл ҳудудларида кўшимишча энергия манбаи сифатида фойдаланилмоқда [1-2].

Физика фанини ўқитишида анъанавий ва муқобил энергия манбаларига доир фундаментал ва амалий тушунчалар, физик жараёнда энергия ҳосил бўлишининг қонуниятлари, уларни бошқариш ва самарадор-

ликни ошириш имкониятларига доир етар-  
лича билим, кўникма ва малакалар ҳосил  
қилиш давр талаби ҳисобланади. Узлуксиз  
таълим босқичларида физика фанини ўқи-  
тиш жараёнида муқобил энергия манбалари-  
га доир билимларни шакллантиришда  
ўқитишнинг дидактик тамойиллари асо-

сий амалий аҳамият касб этади. Қуйидаги  
1-жадвалда ўқитишнинг дидактик тамо-  
йиллари асосида муқобил энергия манба-  
ларига доир билимларни физика таълими-  
да шакллантиришнинг назарий ва амалий  
асослари келтирилган.

1-жадвал



Умумий ўрта таълим мактаблари физи-  
ка таълими - узлуксиз физика таълимининг  
мактаб босқичида қуёш фотоэнергетика-

сига оид нисбатан соддароқ, тушунарли  
мавзуларни ва мавзуларга тегишли асосий  
маълумотларни шакллантириш лозимдир.

Чунки, мактаб физика курси дастуридаги маълумотларни ўқувчилар етарлича ўзлаштиришларида уларнинг ёши, қобилияти ва синф босқичлари ҳисобга олиниши керак.

Мактаб физика курсида гелиотехника элементларига доир қисқача маълумотлар келтирилган. Бироқ, бу маълумотлар ўқувчиларнинг ҳозирги замон қуёш фотоэнергетикиси физикавий асослари бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишлари учун етарли эмас. Шунинг учун факат физика дарсларида эмас, балки факультатив курсларда, тўғарак машғулотларида ва илмий семинарларда ҳам қуёш фотоэнергетикиси элементар тушунчаларига доир мавзулар, машғулотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Фан ва техника янгиликлари мужас-самлашган мавзулар асосида машғулотлар олиб борища янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, шу билан бир қаторда иш ҳолатидаги қурилмалар ва уларнинг макетларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу дарс самарадорлигини оширади, ҳамда ўқувчиларда мавзуда келтирилган янгиликлар бўйича жуда катта қизиқиш уйғотишга сабаб бўлади. Шунингдек, ўқитувчи қуёш фотоэнергетикасига доир мавзуларнинг ҳар бири учун дарс технологик харитасини ишлаб чиқиши керак.

Ўқитувчи ўз педагогик маҳоратидан келиб чиқиб, ноанъанавий дарс метод ва усулларини танлаб дарс машғулотларини олиб боради. Бундан ташкари, қуёш фотоэнергетикасига доир масалалар ва тест саволларининг янги варианtlарини ишлаб чиқиб, дарс жараёнида улардан тарқатма, дидактик материаллар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари физика таълими - узлуксиз таълимнинг бу босқичида ўқувчиларда касбий қизиқишлар, янгиликларга интилевчанлик анча фаол ҳолатда бўлади. Ноанъанавий

ва қайта тикланувчи энергия манбалари ичida энг самаралиси ҳисобланган қуёш фотоэнергетикиси фундаментал ва амалий асосларини бу босқичда шакллантиришда қўшимча методик кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиши зарурияти мавжуддир. Чунки касбий фаолликни ошириш, бу соҳага қизиқтиришда, замонавий фан ва техника янгиликлари бўйича маълумотларни тўғридан-тўғри ўқувчиларга етказиш анча мураккаб ҳисобланади.

Дарс технологик хариталарини, ишланмаларни ишлаб чиқишида кўпроқ кўргазмалик, визуал воситалардан фойдаланиш катта ижобий натижаларга эришишга замин яратади. Шунингдек, ишчи ҳолатдаги макетлар, мини қуёш фотоэлектрик қурилмалар (ҳеч бўлмаганда уларнинг электрон анимацион варианtlари) ва асбоблар, қуёш батареялари ва элементлари намуналаридан дарс жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг ишлаш жараёнларини ўқувчилар ўз кўзлари билан кўришлари, бевосита уларнинг параметрларини ўлчаш ва ҳисоблаш жараёнларида иштирок этишлари, уларда бу соҳа бўйича керакли билим, кўникма ва малакалар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Олий ўқув юртлари физика таълимида - қуёш фотоэнергетикиси назарий ва амалий асосларини шакллантириш бўйича жуда кўп илмий-услубий, методик ишлар, кўлланмалар ва адабиётлар яратилган. Шундай бўлса-да, “Қуёш фотоэнергетикаси” соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари тўхтоворсиз шиддат билан ривожланиб бормоқда. Янги маълумотлар, кашибиётлар, замонавий конструкциялар ишлаб чиқилмоқда. Қуёш фотоэнергетикиси соҳаси бўйича бу янгиликларни, кашибиётларни олий ўқув юртлари физика таълими жараёнида шакллантириб борища ҳам методик кўрсатмалар, тавсиялар, ишланмаларни доимий равишда янгилаб бориш фойдадан ҳоли эмас. Бунда илмий адабиётлар, интернет, илмий жур-

налларнинг ҳиссалари бекиёсdir.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар, лаборатория ишлари бажариш имкониятлари мавжудлиги туфайли бу соҳага талабаларни янада қизиқтириш, илмий тадқиқотларга жалб этиш мумкин. Шунингдек, олий ўқув юртларида физика ва энергетика йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар учун “Қуёш фотоэнергетикаси физиковий асослари”, “Гелиотехника ва ноанъанавий энергия манбалари”, “Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари”, “Қўп қатламли қуёш элементлари”, “Қуёш фотоўзгартиргичлари ва уларнинг параметрларини ўлчаш усуллари” каби маҳсус курслар ва талаба танлов фанлари ўқитилмоқда. Олий ўқув юртларида “Қуёш энергетикаси муаммо ва ечимлари”, “Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари замонавий конструкциялари”, “Ўзбекистонда қуёш энергетикасидан фойдаланишнинг техник имкониятлари” мавзуларида илмий-амалий семинарлар, баҳс-мунозара дарсларини ташкил этиш ҳам қуёш фотоэнергетикаси фундаментал ва амалий асосларини янада тўликроқ ўзлаштириш имкониятини беради.

Малака ошириш курслари физика таълими - қуёш фотоэнергетикаси замонавий асосларига доир маълумотлардан малака ошириш курсларидағи “Физика фанининг долзарб муаммолари” модулини ўқитишида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Малака ошириш курслари тингловчилари ўқитишининг янги усул ва методларини мукаммал эгаллашлари билан бир қаторда, асосий эътибор фан ва техниканинг сўнгги янгиликлари билан танишиш ҳисобланади. Улар қуёш фотоэнергетикаси соҳасидаги интернет, илмий ўқув адабиётлари, хориж ва республика илмий-услубий журналларидаги маълумотлар билан яқиндан танишишлари лозимдир. Мисол учун, қуёш фотоэнергетикасида қуёш элементлари ёки батареялари фойдали иш коэффициенти тушунчаси

муҳим аҳамият касб этади. Ҳолбуки, замонавий кўп қатламли қуёш фотоэлементлари фойдали иш коэффициенти хозирги пайтда 35-40% гача етказилган. Мавжуд ўкув-илмий адабиётлардаги бу микдорий кўрсаткичларни ўқитувчи дарс жараёнида таққослаб келтириб ўтиши зарур.

Муқобил энергия манбалари турлари физикавий асосларини ўқувчиларга тўлиқ етарлича етказиш, уларда бу энергия манбаси турининг афзалликлари тўғрисида амалий билим ва кўнкималар хосил қилишда тўгарак машғулотларининг роли каттадир. Биз шундай машғулотларни “Ёш гелиотехниклар тўгарагида олиб бордик. Термиз давлат университети академик лицейи “Ёш гелиотехниклар” тўгараги ташкил этилиб, бу тўгаракда педагогик эксперимент олиб борилди ва уларнинг статистик натижалари таҳлил этилди. Академик лицейдаги аниқ фанлар йўналиши бўйича таълим олаётган тўгарак аъзолари ва синов гуруҳи сифатида 102-гуруҳи танлаб олинди. Танланган “Муқобил энергия манбалари турлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари” мавзусига доир 1 жуфтлик тўгарак машғулоти технологик харитаси ишлаб чиқилди ва “Ёш гелиотехниклар” тўгарагида машғулот олиб борилди. Дарсда кўргазмали қуроллар ва воситалардан фойдаланиб, презентация ва анимациялар видеопроектор орқали кўрсатилди. Дарс машғулотида мунозарали маъруза методидан фойдаланилди. Шунингдек, анъанавий ва муқобил энергия манбаларини таққослаб тушунтиришда графики органайзерлардан, Венн диаграммаси, Т жадвал, ФСМУ кабилардан самарали фойдаланилди. Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва улардан барча соҳаларда фойдаланиш имкониятлари бўйича замонавий фан ва техника янгиликлари келтириб ўтилди. Анъанавий энергия манбалари камчиликлари, экологияга таъсири ва хом ашё маҳсулотларининг чекланганлиги тўғрисида ҳам қисқача асосий

маълумотлар келтириб ўтилди. Муқобил энергия турларидан энг самаралиси қуёш энергетикаси эканлиги атрофлича ёритиб берилди. Муқобил энергия манбалари турларининг электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилиш жараёнлари физик қонунлар асосида тушунтирилди. Дарс машғулоти сўнггида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Дарс машғулоти ўқувчиларда муқобил энергия манбалари турлари тўғрисида билим, кўникмалар ҳосил бўлиш билан биргаликда уларда бу энергия турларига нисбатан жуда катта қизиқишлар пайдо бўлганлиги маълум бўлди. Педагогик эксперимент натижасини аниқлаш бўйича аниқ фанлар йўналиши 102-гурухи ва “Ёш гелиотехниклар тўгараги иштирокчиларига муқобил энергия манбаларига доир 4 та назарий савол, 5

та масала, 30 та тест саволларидан иборат варианtlар асосида назорат ўтказилди. Аввалига назарий саволлар тарқатма материаллар кўринишида ўқувчиларга тарқатиб чиқилди (назарий саволларга жавоб ёзишга 20 дақиқа ажратилди). Ўқувчилар тарқатма материаллардаги саволларни ўз назорат дафтарларига қайд қилиб, уларга жавоб ёзишдилар. Шундан сўнг 5 та масала шарти ўқувчиларга айтиб турилди, улар масалалар шартини назорат дафтарларига қайд қилиб олдилар (Масала ечимини топишга 30 дақиқа). Назорат охирида 30 та тест саволларидан иборат варианtlар ўқувчиларга тарқатиб чиқилди (тест саволларига ҳам 30 дақиқа ажратилди). Назорат натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Педагогик эксперимент натижаларида

2-жадвал

Гурӯхлар	Назарий саволлар бўйича ўзлаштириш кўrsatкичи, %	Масалалар бўйича ўзлаштириш кўrsatкичи, %	Тест синовлари бўйича ўзлаштириш кўrsatкичи, %	Умумий ўзлаштириш кўrsatкичи, %
Тажриба гурӯхи	80	76	83	79,6
Синов гурӯхи	54	58	72	61,3

муқобил энергия манбалари турлари тўғрисидаги назарий ва амалий маълумотларни академик лицейларда ўқитишида дидактик тамойилларнинг кетма-кетлиги, яъни узвийлиги бўйича тўгарак машғулотларини

ташкил этиш, дарс самарадорлигини ошириш билан бир вактда, ўқувчиларда етарлича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига замин яратиши аниқланди.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



- Abdiev U.B. Didactic basics of teaching knowledge's on alternative energy sources in continuous physics education. 7 th International Conference «Science and practice: a new level of integration in the modern world» October 28, 2018, Sheffield, UK, p.103-104.
- Abdiev U.B. Study of application of solar photo-energy in physics. International Conference “Scientific researches for development future” October 25, 2018, New York, USA, p. 122-124.

# ЁШЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИГА ҚИЗИҚИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УНГА ДОИР МАШҚЛАР

**Д.ДАДАЖНОНОВА**  
**Низомий номидаги ТДПУ катта үқитувчиси**

**Аннотация.** Ёшларда инглиз тилига қизиқиши ривожлантириш давр талаби. Мақолада ана шу ҳақида фикр юритилади ҳамда мавзуга оид машқлар тавсия этилади.

**Калит сүзлар:** имло, график, ёзув, малака, ёзма нутқ, баён, тасвирлаш, ҳикоя, иншо, хат ёзиш, реферат, аннотация.

**Аннотация.** В этой статье обсуждается вопрос развития изучения английского языка для молодого поколения является одним из обязательным требованием, также рекомендуется предметные упражнения.

**Ключевые слова:** правописание, график, письмо, умение, письменная речь, описание, иллюстрация, история, эссе, письмо, реферат, аннотация.

**Annotation.** This article discusses the development of learning English for the younger generation is one of the prerequisites, and substantive exercises are also recommended.

**Key words:** spelling, schedule, writing, skill, written speech, description, illustration, history, essay, writing, course work, abstract.

Ҳар томонлама юксакликка интилаёт-ган жамиятда турмушга мослашган, таълим ва тарбия, касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий, сиёсий, ҳукукий, психологик-педагогик шароитларни яратса оладиган, жамият, давлат, оила, Ватан олдида ўз масъулиятини ҳис эта оладиган фарзандларни тарбиялаш давр талабидан келиб чиқкан заруратдир. Бу каби масъулиятли вазифани амалга оширишда оилада олиб бориладиган тарбиявий ишлар муҳим рол ўйнайди.

Ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари мақомлари, хайрия ва ҳалқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилган бўлса, бутунжаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун хорижий тилларни билишнинг аҳамияти бекиёс.

Болаларнинг чет тилини ўрганишга қизиқишини ўстиришда ота-оналар олдида қатор вазифаларни бажариш туради. Назаримизда ҳар бир ота-она, энг аввало қўйида-гиларга аҳамият бермоғи керак деб ўйлаймиз.

- оилада кундалик тартиб бўлиши, унга

- қатъий амал қилиш;
- ота-она томонидан болаларни назорат қилиш;
- оила, мактаб, маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам ота-оналарнинг диққат марказида туриши;
- оила даврасида ривожланган мамлакатлар ҳаёти, иқтисоди ва жамиятнинг ривожланишида хорижий тилни билишнинг аҳамияти ҳақида эркин сұхбатлар ташкил этиш, бу борада болаларнинг фикрини ҳам ўрганиш;
- боланинг қизиқиши, қайси тилга мойиллигини аниқлаб олиш;
- танлаган тилни ўрганишга оид адабиётлар билан таъминлаш;
- имконият бўлса, мутахассис маслаҳатини, ёрдамини ташкил этиш;

Замонавий чет тилларини үқитиш методикасида «ёзув» ва «ёзма нутқ» тушунчалари фарқланади. Бундай фарқланиш ёзув механизмининг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Машхур психолог Н.Н.Хинкиннинг фикрича ёзув механизми икки босқичдан:

1. Ҳарфлардан сўз ясаш;
2. Сўз ва сўз бирикмаларидан ёзма ахборотлар тизимидан ташкил топган.

Маълумки, ёзув механизми биринчи босқич асосида малака даражасига етказилиши

керак бўлган ёзув ва имлони эгаллаш, иккинчи босқич заминида эса фикрларини маълум ёзув коди асосида ва ёрдамида ифодалаш, яъни, нутқ кўникмасини эгаллаш ётади.

Ёзма нутқ фаолиятнинг ўзига хос тури бўлиб, у маълумотни ёзув орқали кодлашдан иборатdir.

Ўрта мактаб учун чет тиллари бўйича нашр қилинган деярли барча дастурларда ёзув ва ёзма нутқ мақсад сифатида эмас, балки таълим воситаси сифатида белгиланган.

Таълимнинг бошланғич босқичидаги асосий вазифа ёзувни ўрганишдан иборат, чунки бу даврда ҳусниҳат кўникмалари ҳамда товуш-ҳарф мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган кўникмалар таркиб топади. Бу кўникмалар ўқиш ва ёзма нутқнинг шаклланиши учун зарур шарт-шароитdir.

Ўқитишининг ўрта босқичида ёзув устида олиб бориладиган иш янги тил материалининг тўпланиши билан боғлиқ имло устидаги ишга кўчирилади. Шу билан бирга ёзма нутқ кўникмаларининг шаклланишига имкон берувчи восита сифатида ривожлантирилади.

Ниҳоят, таълимнинг юқори босқичида илгари эгаллаган ёзма нутқ кўникмалари оғзаки нутқнинг ҳам ривожланиши билан такомиллашиб боради. Янги тил материали билан боғлиқ ҳолда имло устида ишлаш ҳам давом эттирилади.

Ўқувчиларнинг тил устида мутақил иш олиб боришида, ҳусусан ўқилган матнлар юзасидан аннотациялар ёзиш ва режалар тузишда ёрдамчи воситага айланади.

Инглиз тилида ёзувни ўзлаштиришда тил ёки тайёрлов нутқ машқлари ва нутқ машқлари кўлланилади. Ҳарфлар, ҳарф бирикмалири, сўзлар ва сўз бирикмаларининг тўғри ёзилишини, сўзлардан жумлалар тузиш, матн устида ишлаганда эса уни қисқартириш, режа тузиб ёзишни ўргатадиган машқлар тил ёки тайёрлов машқлари дейилади.

Фикрни ёзма баён қилишга ўргатадиган машқлар нутқ машқлари ҳисобланади. Бундай машқларга баён, иншо ва чет эллик дўс蒂га хат ёзиш, аннотация тузиб ёзишни киритиш мумкин.

Республикамиз ривожланган мамлакатлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини тошида болаларимизни хорижий тилларни ўрганишга қизиқтириш муҳим ва долзарбидir.

Ўзбек ўқувчиларини чет тилига ўргатишида уларга ўқищ, ёзиш, сўзлаш ва тинглаш каби кўникмаларни шакллантириш билан бирга сўзнинг турли маъноларини тушуниши орқали ўрганилаётган тилнинг жозибадорлигини кўрсатиб ўқувчиларга унга қизиқиши ўйғотиши мумкин. Шу мақсадда дарс давомида турли грамматик ўйинлардан фойдаланиш яхши натижага беради.

Кўйида ана шундай ўйинлардан айримларининг тавсилоти ҳавола этилган.

**«Animal Habits».** Бу ўйин феълнинг Present Indefinite Tense замонини мустаҳкамлашда қўлланилади.

Ўқитувчи ёзув тахтасига бир ҳайвоннинг, масалан, қуённинг номини ёзади-ю ўқувчилар қуёнга хос бўлган ҳусусиятларни бирма-бир айтадилар.

#### Rabbit

It lives in a hole

It eats plants

It has a lot of babies

It runs very fast

It likes carrot and cabbage.

Ҳар бир тўғри жавобга бир очко берилади. Шундан сўнг бошқа ҳайвоннинг номи ёзилади ва ўйин қайтарилади. Ўйинда энг кўп очко тўплаган қатор ўқувчилари ғолиб бўладилар. Бу ўйинни бошқача ҳам ўтказиш мумкин, ўқувчилар номи тилга олинган ҳайвонга хос бўлган ҳаракатларни санаб чиқишиади.

Масалан: Ўқитувчи: a frog

Ўқитувчи: a bird

Ўқитувчи: a frog jumps

Ўқитувчи: a bird flies

Ўқитувчи: a crocodile

Ўқитувчи: a rabbit

Ўқувчи: a crocodile swims

Ўқувчи: a rabbit runs [1, 161].

Ўқитувчи ўқувчидан ҳар куни хафтада, ойда, йилда бир марта қилинадиган ишнинг

номини айтишни илтимос қиласи. Ўқувчи ўз жавобида нафақат ўзи, балки ота-онаси, дўстлари, қариндош-уруглари ҳам бир марта бажариладиган ишлар номини айтади. Бу ўйин «Something special» деб номланиб, бошқача ўтказилиши ҳам мумкин, яъни ўқувчилар, одатлари, ишлари, билимлари хақида бирор бир қизиқ воқеа топадилар.

Масалан:

I go bird watching every weekend.  
I like singing national songs.  
I collect Japanese postcards.  
I paint by water color

Бу ўйинда ҳам яхши жавоб берган ўқувчилар ғолиб бўлади.

**«Wrong proverb».** Бунда ўқитувчи ўқувчилар Present Undefinite Tense замонидаги феъллар ишлатилган мақоллар ичидан нотўғрисини топиб, бу мақол нима учун нотўғрлигини тушунтиришлари керак.

**«Telepathy».** Бу ўйин Present Indefinite Tense феъл замонини мустаҳкамлашда қўлланилади. Бунда ўқувчиларнинг бир қисмига турли ҳаракатлар тасвирланган карточкалар кўрсатилади, ўқувчилардан иккинчи қисм ўқувчилар эса саволлар орқали уч имкониятдан фойдаланиб, тасвирланган ҳаракатнинг номини топадилар.

Масалан: Is he swimming?

Is he cooling dinner?  
Is he crossing the street?

Агар ўқувчи уч имкониятда ҳам топшириқни бажара олмаса, унга жарима очко берилади. Ўйинда энг кўп жарима очко олган ўқувчи ютқазади.

**«Temporary and Permanent».** Бу ўйин феъл замонларини бир-биридан фарқлашга ўргатишда қўл келади. Ўйинда ўқувчилар ҳозирги замонда ёки умуман, ҳар доим қандай ҳаракатлар қилишларини сўзлаб беришлари керак.

Масалан:

At the moment I speak English, but most of time I speak Uzbek. I am reading a historical novel now, but usually I prefer science fiction. I am eating, eat now, but I always eat vegetables.

Бехато жавоб берган ўқувчи ўйинда ютиб чиқади.

**«Finding twins».** Бу ўйинда ўқитувчи стол устига 2 тадан бир хил расм, масалан, ит расми тасвирланган карточкаларни ёйиб қўяди. Бунда итлар тасвири турлича бўлиши керак: бир жуфт карточкада катта қора ит, икки жуфт карточкада кичик оқ ит тасвири ва ҳоказо.

Ҳар бир ўқувчи ўзига карточка танлаб олади ва саволлар орқали яна қайси ўқувчидан шундай карточка бор эканлигини аниқлайди.

Нотўғри савол берганлиги ёки савол бера олмагани учун шеригини топа олмаган ўқувчига жарима очко берилади. Кўп жарима очко олган ўқувчи ўйинда мағлубиятга учрайди.

Карточкаларни яна бошқа ўйинда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, ўқитувчи карточкада тасвирланган бирор бир предметнинг номини айтади. Ўқувчилар эса бу предметнинг турли белгиларини топадилар: a man, a tall man, a fat man, a happy man, a clever man, a strong man etc. Энг кўп белгини тўғри айтган ўқувчи ўйинда ғолиб чиқади.

Бу ўйинни гурухга мос матн асосида ҳам ўтказиш мумкин. Матнни ўқиши давомида ўқитувчи белгиси топилиши керак бўлган предметнинг номини ўқиб бироз сукут сақлаб туради. Шу пайт ўқувчилар бу предметнинг белгиларини тез-тез топишлари лозим. Энг кўп белгини тўғри айтган ўқувчи ўйин сўнгидаги ғолиб деб топилади.

Инглиз методисти Пенни Урр томонидан тасвия қилинган юқоридаги ўйин-машқларни ўқувчиларнинг билим даражаси ва дарс мақсадига мослаб ўзгартириши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ў.Х.Хошимов, И.Я.Ёкубов «Инглиз тили ўқитиш методикаси». – Т.: Абдуазизов А. ва бошқалар «Инглиз тили амалий фонетикаси». – Т.: «Ўқитувчи», 1995,

# АМАЛИЙ БЕЗАК САНЬЯТИНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

К.М.ГУЛЯМОВ

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ докторанти (DSc), п.ф.н., доцент

**Аннотация.** Мақолада амалий безак санъатини ўргатиш жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш учун зарур бўлган педагогик имкониятларни яратиш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** педагогик имкониятлар, шарт-шароитлар, касбий компетенцияларни шакллантириш, талабалар, бўлажак амалий санъат ўқитувчилари, ўрганиш жараёни, амалий безак санъати.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы создания педагогических возможностей, необходимых для формирования профессиональной компетентности учащихся в процессе обучения декоративно-прикладному искусству.

**Ключевые слова:** педагогические возможности, условия, формирования профессиональной компетентности, студенты, будущие учителя прикладного искусства, процесс обучения, декоративно-прикладное искусство.

**Annotation.** The article deals with the creation of pedagogical opportunities necessary for the formation of professional competences of students in the process of teaching applied decorative art.

**Key words:** pedagogical opportunities, conditions, formation of professional competence, students, future teachers of applied arts, learning process, applied decorative art.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълимнинг жаҳон стандартларига йўналтирилганлиги, амалда ишлай оладиган, касбий фаолият ва ижтимоий амалиёт шароитида муваффақиятли иш тажрибаси ва шахсий методларини қўллай оладиган компетентли мутахассисларни тайёрлашни назарда тутади. Ҳозирги кунда касбий мослашиш, ўзини ўзи бошқариш ва такомиллаштиришга қодир бўлган ривожланган шахсни тайёрлаш жамият, давлатнинг эҳтиёжига айланиб бормоқда. Чунки ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлар ижодкор, малакали ва рақобатдош мутахассисларга бўлган талаб кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, амалий безак

санъатини ўргатиш жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларни аниқлаш муаммоларини ўрганишга бағишиланган тадқиқотлар таълимий ислоҳатлар тизимидағи долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу маънода амалий безак санъатини ўқитиши жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва тавсифлаш муҳим аҳамият касб этади.

Назарий усуллар, хусусан, амалий безак санъатини ўргатиш жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш учун педагогик шарт-шароитларни аниқлашда илмий ва ўқув-методик адабиётларни таҳлил қилиниши соҳа амалиётидаги реал ҳолатни аниқлаш ҳамда жараённи такомиллаштириш истиқ-

болларини белгилаш имконини беради.

Олий таълим иш берувчилар томонидан малакали мутахассиснинг қобилиятига бир қатор талаблар қўяди: касбий функцияларни амалга ошириш; ишлаб чиқариш муҳитида билим ва кўникумаларни қўллашда мослашувчанлик ва мақсадга мувоғик тарзда фаолият кўрсатиш харакатланиш; фаолият йўналишига мос иш режасини тузиш; касбий компетенцияни такомиллаштириб бориш мақсадида ўз-ўзини тарбиялаш; жамоада ишлаш компетенциясига эга бўлиш ва ҳ.к. Шу муносабат билан битирувчиларни иш берувчиларнинг талаблари асосида касбий тайёрлаш бўйича таълим-тарбияни ташкил этишнинг педагогик имконият ва шарт-шароитлари қандай бўлиши керак, деган савол туғилди.

Замонавий битирувчига касбий компетенцияларни ўзлаштириш жуда муҳим ҳисобланади. Касбий компетенция – юқори малакали педагогик фаолият учун зарур бўладиган касбий билим ва кўникумалар, педагогик қобилиялар ҳамда мулоқот услубининг шаклланган тизимиdir. Бу эса битирувчиларнинг маълум бир ишни бажаришдаги касбий тайёргарлигининг тури ва даражасида намоён бўлади.

Ўқув жараёнида муайян педагогик шарт-шароитларни шакллантириш ҳар бир талабага касбий маҳоратини такомиллаштириш йўлида ўз шахсий намунасини яратиш имконини беради. Касбий компетенцияларни шакллантиришга ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш учун биз унинг нимага кодирлигини билишимиз зарур. Педагогик шарт-шароитлар – педагогик фаолият давомида онгли равишда яратиладиган ҳамда зарур жараённинг энг самарали шаклланиши ва оқимини таъминлайдиган шарт-шароитлардир [1, 69 б].

Муаммога оид илмий-тадқиқот ишла-

рини танқидий ўрганиш ҳамда маҳаллий шароитда реал ҳолат учун оптималь ёндашув қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Манбаларнинг таҳлилларидан маълум бўладики, тадқиқотчилар томонидан амалий безак санъатини ўрганиш жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари у ёки бу жиҳатдан очиб берилган. Жумладан, фалсафа (М.Каган, Г.Г.Шпет ва бошқалар), маданиятшунослик (И.Я.Богуславская, Я.Я.Мурзина, Н.А.Некрасова ва бошқалар) этнография (П.Г.Богатирев, Ю.В.Бромлей, А.М.Сагалаев, Н.Томилов ва бошқалар), санъатшунослик (И.М.Азимов, И.А.Ахоров, М.С.Булатов, Л.В.Миненко, А.С.Морозова, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, А.А.Хакимов, С.О.Хан-Магомедов ва бошқалар)ка оид илмий адабиётларда амалий безак санъати тадқиқотнинг предмети бўлиб хизмат қилган. С.Ф.Абдуллаев, И.В.Алексеева, А.А.Амануллаев, О.А.Арутунян, Б.Б.Байметов, С.С.Булатов, Ж.А.Дарменов, В.А.Мазур, И.М.Раджабов, Н.Б.Смирнова, М.В.Соколов, В.П.Строков Қ.Қ.Қосимов ва бошқаларнинг илмий ишларида худудий амалий безак санъатини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Сўнгги йилларда олиб борилган нақошлик (С.С.Булатов, Қ.Қ.Қосимов, К.М.Гулямов, Х.О.Йўлдошев ва бошқалар), ганчкорлик (А.А.Амануллаев, Н.Мансуров ва бошқалар), заргарлик (Д.А.Фахретдинова ва бошқалар), миниатюра (Ш.Шоёкубов ва бошқалар), тўқимачилик (Л.Б.Каршакова ва бошқалар), бадий ўймакорлик (Н.А.Аведова, Ф.Йўлдошев, А.С.Морозова ва бошқалар) илмий тадқиқот ишларида декоратив-амалий санъат турларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган бўлиб, бу тадқиқот ишлари, асосан санъатшунослик ёки амалий характерга эга. Шу боис муаммонинг муҳим жиҳати –

соҳанинг бўлажак мутахассисларини тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини таъминлашнинг назарий асослари ҳамда амалий методик ечимлари тақдим этилмаган. Айни пайтда талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг усул ва шакллари устида В.И.Байденко, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, А.К.Маркова, А.В.Хуторской каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бораётганлигини эътироф этиш жоиз. Айниқса, К.Ж.Амиргазин, Н.В.Ефремичева, Л.В.Шокорова, А.С.Трофименко каби олимлар томонидан бу жараён бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияларини шакллантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Ҳозирги вақтда олий таълимнинг компетентли мутахассислар тайёрлашга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини жаҳон талаблари асосида шакллантириш, хусусан, ўрганилаётган соҳаларда мутахассисларнинг компетенциясини якуний тизимлаштириш, компетенцияга асосланган таълим-тарбия талабларига мувофиқ ўқув дастур ва иш режаларини ишлаб чиқиш, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини изчил ва босқичма-босқич шаклланишини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий мажмуаларни такомилаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий таълимнинг асосий вазифаси мутахассисларни бевосита амалий фаолият учун тайёрлашдан иборат. Шунинг учун ўқув жараёнини шундай ташкил этиш керакки, қисқа вақт ичида таълим муассасаси битирувчисида касбий фаолият муҳитига мослашиш имкони бўлсин. Касбий фаолиятга йўналтирилганлик замонавий олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг

учун ҳам замонавий иш берувчиларнинг ўз фаолиятининг бошидан ўзига юклатилган вазифаларни бекамикўст бажаришга қодир бўлган компетентли мутахассисга мухтожлиги яққол сезилади [2, 16 б.].

Дастлабки кунлардан бошлаб ҳар бир талаба нафақат турли машғулотларда, балки, энг аввало, мустақил равишда амалга оширилиши зарур бўлган фаол ҳаёт тарзига ва таълим тизимида кечётган жараёнларга мослашиши муҳимдир. Талабанинг таълим жараёнида нафақат ўқув дастурлари доирасидаги материалларни эгаллаши, балки ижодий мустақил иш кўникмаларига эга бўлиши унинг компетенциясининг муҳим таркибий компоненти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ўқишининг дастлабки кунларидан бошлаб мустақил ақлий иш услубини ўзлаштириши, онгли равишда ва қатъият билан ўз ижодий қобилиятини ривожлантириши зарур. Шундагина талаба ўзининг касбий маданиятини, муайян фаолиятига нисбатан нуқтаи назарини ва эътиқодини шакллантириши мумкин.

Мустақил бўлиш шахснинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, у инсонларда дарҳол вужудга келмайди. У талабанинг ўзи устида мунтазам иш олиб бориш жараёнида аста-секин ортиб боради ва касбий маҳорат сифатида ривожланади. Талаба ўзида касбий компетенцияларни шакллантиришда тинглашни, маърузаларни конспект қилишни, тавсия этиладиган адабиётлар билан ишлашни, семинар, лаборатория, амалий машғулот ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришни билиши зарур. Ўқув жараёни эса шунга мос педагогик шарт-шароитга эга бўлиши лозим. Натижада талабалар амалий безак санъати турларидан фойдаланиб, ижодий лойиҳаларни ишлаб чиқишини ўз ичига оладиган курс ва битирув малакавий ишларини бажариш компетенциясига эга бўлади [3, 19 б.].

Талабаларнинг бўлажак амалий санъ-

ат ўқитувчилари ҳамда халқ амалий санъати усталари бўлишини инобатга олган ҳолда, улар келгусидаги касбий фаолиятлари учун тажриба ва турли материалларни тўплашга эътибор қаратишлари лозим. Ушбу материалларга қуидагилар киради:

- халқ хунармандчилигининг келиб чиқиши тарихи ва ривожланишининг назарий асослари; хунармандчиликни ривожлантириш борасида баракали ижодий фаолият юритган, ўзига хос мактаб яратган халқ усталари ҳақида маълумотлар; халқ усталари ижодининг методик асослари, жумладан халқ амалий безак санъатининг миллий-тарихий илдизлари; талабалар томонидан бажарилган безаклар, нақш композициялари, расмлар, қораламалар, ижодий ишланмалар, технологик схемалар, жадваллар, тестлар, ўрганилаётган муаммонинг асосий қоидалари бўйича кроссвордлар;

- ўрганилаётган муаммолар бўйича мустақил ижодий ишни: материалларни, замонавий амалий безак санъатининг янги технологияларини излаш, улар асосида талабаларнинг маҳорат дарсларини ташкил этишлари; дарс машғулотлари учун зарур бўлган ашёлар ва асбоб-ускуналар; буюмларни тайёрлашнинг методик асослари ва босқичлари бўйича кўрсатмалар; материаллар билан ишлашда дуч келадиган қийинчиликларни енгиб ўтиш бўйича талабаларнинг таклифлари; буюмнинг образини талқин қилишда намоён бўладиган ғоялар, ишланмалар; эскизлар, ижодий қораламалар, лойиҳалар;

- талабаларнинг танлов, фестивал, кўргазма, конференция ва халқ амалий безак санъатига бағишлиланган турли тадбирларда иштирок этиши.

Амалий безак санъати бўйича тўплangan ўқув материалларидан фойдаланиш талабаларга ўзларининг ижодий салоҳиётларини ифода этиш, билимларни фа-

оллаштириш, ўқитиш самарадорлигини ошириш, вазифаларни бажаришда ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради, мустақил фаолият доирасини кенгайтиради, ижодий, тадқиқот ишларига вақт ажратиш имконини беради.

Амалий безак санъатини ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг муҳим шарти юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида ижобий натижага эришишда етакчи ўрин профессор-ўқитувчига берилади. Талабанинг кейинги фаолиятининг муваффақияти унинг ушбу жараённи талаб даражасида ташкил этишига боғлиқ.

Хозирги кундаги таълим-тарбия – бу янгиланган, динамик жараён бўлиб, ўқитувчи самарали ўқитиши учун ўзи ҳам замонавий ўқитиши усулларини, ўқув жараёнини ташкил этишининг янги шаклларини, янги технологияларни ўрганиши ва ўзининг касбий компетенциясини мунтазам ошириб бориши мақсадга мувофик. Шунуктаи назардан педагогик кадрларни ўзини-ўзи ўқитиши ва уларнинг тадқиқот фаолиятини раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши талабаларга янада самарали таълим-тарбия бериш учун тегишли педагогик шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

Соҳага оид илмий манбаларнинг тахлиллари, қўлланилаётган ёндашувларни эътиборга олган ҳолда талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари сифатида қуидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- талабаларнинг академик тайёргарлик жараёнини касбий фаолиятга яқинлаштириш, яъни амалиётга йўналтирилган ўрганиш жараёни;
- талабаларнинг кўргазма, танлов,

конференция, фестивал ҳамда амалий бе-зак санъати ва халқ бадиий ҳунармандчи-лигига бағишиланган бошка тадбирларда иштирок этиши;

– компьютернинг график дастурлари ёрдамида турли нақш композицияларини ҳосил қилиш, ранглаш ва пардозлаш;

– профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатла-рини мураббийлик стратегияси асосида амалга ошириш;

– бўлажак амалий санъат ўқитувчиси-ни тайёрлашда креатив технологиялардан фойдаланиш (ижодий лойиҳалаш, рақо-батбардош технология, шахсий ютуқлар портфолиоси, маҳорат дарслари, кўргаз-мали технологиялар).

– касбий фаолиятнинг рағбатланти-рувчи, когнитив, амалий, шахсий-психоло-гик таркибий қисмларини шаклланиши ва ривожланишига қаратилган таълим-тар-

бия жараёни;

– талабаларнинг касбий тайёргарли-гини оширишда муҳим рол ўйнайдиган фанларни бир-бирини тўлдириш, мақсад, вазифа ва талаблар бирлиги, фанларро алоқалар асосида таълим мазмунини яра-тиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабаларда касбий компетентликни шакл-лантириш янги ижтимоий-маданий шаро-итларда ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, маънавий-моддий маданиятнинг юксак бадиий намуналарини яратиш, атроф-муҳит обьектлари ҳамда турли буюмларни бадиий лойиҳалаш учун анъанавий ва замона-вий воситалар, метод ва технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган рақобатбар-дош, талаб даражасидаги мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.



#### Фойдаланилган адабиётлар:



1. Байденко В.И. Компетентностный подход к проектированию государственных образова-тельных стандартов высшего профессионального образования (методологические и ме-тодические вопросы): метод. пособие. –М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, – 2005. – 114 с.
2. Жантлеуова Ш.К. Формирование профессиональной компетентности студентов в процес-се педагогической практики: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08. – Алматы, 2006. – 28 с.
3. Зимняя И.А. Интегративный подход к оценке единой социально-профессиональной ком-петентности выпускников вузов // Высшее образование сегодня. – 2008. – № 5. – С. 14–19.
4. Трофименко А.С. Педагогические условия формирования профессиональных компетен-ций студентов в процессе обучения декоративно-прикладному искусству // Вестник ЧГПУ им. И. Я. Яковлева. 2016. № 1(89) – С. 171–175.

# МТМЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШГУЛОТИНИ ЎТКАЗИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Д.ЮНУСОВА, М.ТОЖИБОЕВ**  
**Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчилари**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги, яъни 5-6 ёшли болаларни жисмоний тарбия машғулоти жараёнида турли ҳаракатли ўйинлар орқали жисмоний сифатлари, жисмоний тайёргарлиги, болалар ҳаракат фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим, жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, машқлар, ўпканинг тириклик сифими, оёқ учida юриш, югуриш, сакраш, ҳаракатли ўйинлар.

**Аннотация.** В статье представлены исследования эффективности использования комплексов адаптированных подвижных игр для развития физических качеств у детей 5-6 лет.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, физическая развития, физическая подготовка, дети, физические качества, подвижные игры, мяч, прыжок, 5-6 лет.

**Annotation.** The article presents a study of the effectiveness of the use of complexes of adapted mobile games for the development of physical qualities in children 5-6 years old.

**Key words:** children, physiological qualities, mobility games, ball, leap, 5-years old.

Мактабгача тарбия тизими жараёнига янгича ёндашиш, бола тарбиясидаги ўзбек халқининг миллый анъаналари, қадриятлари, халқ ижодиётининг ўзига хослиги, халқ педагогикасининг улкан тажрибаси ҳамда ўзига хос хусусиятлари, минтақа иқлим шароитлари боланинг жинси, ёш босқичлари, уларнинг анатомо-физиологик, психолого-гигиеник жиҳатлари, барча ижобий хусусиятларини ўзлаштиришни уйғунлаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Охирги йилларда мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ўртасида жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлигини тарбиялаш, уларнинг жисмоний сифатлари, асосий ҳаракатларни ўргатиш бўйича методик тавсиялар бир қанча муаллифларнинг ишларида тавсия этилган.

Болалар ҳаётининг 5-6-йилларида ундаги ҳаракатлар янада аниклашади, ўзаро ҳаракатларнинг мослашуви тикланади. 6-7 ёшли болалар серҳаракат бўладилар. Шунинг учун ўз ҳаракат аъзоларидан моҳирлик билан фойдаланадилар. Уларнинг ҳаракатлари етарли даражада уйғунлашган ҳамда аниқ бўлади. Улар бу ҳаракатларни тева-

рак-атрофдаги шароитга қараб бир-бирига мувофиқлаштира оладилар [1,2]. Болаларда ҳаракат қилиб бораётган буюмлар ҳавода қандай жойлашганлигини, шу жумладан бир жойдан иккинчи жойга ўтаётган кишининг гавдаси қандай ҳолатда турганлигини фарқлай олиш имконияти ўсиб боради. Болалар шериклари югуриб бораётганда унинг гавдаси қай ҳолатда эканини, болалар мувозанат сақлаш машқини бажараётганда, велосипедда юриб кетаётганда ва ҳоказо ҳаракатларни бажариш жараёнида гавда аъзоларининг ўзаро нисбати қандай ўзгариб бориши ҳақида тушунтириб бера оладилар. Улар тезликни, ҳаракат йўналишининг маром ўзгаришларини фарқлай оладилар. Бола ҳаракатини изчиллик билан кузатиб (тарбиячининг ёрдами билан) ҳаракатнинг турли-туман босқичларини ажратса олади, ҳаракатнинг сифати ва микдори натижаси учун бу босқичларнинг аҳамиятини тушунтиришга интилади. Улар ҳаракатлар тўғрисида аниқ-ёрқин тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради, мослиқ ва уйғунлик жиҳатдан мураккаб бўлган ҳаракатлар қоидасини болалар томонидан ўзлаштиришга олиб келади.

Масалан, болалар югуриб келиб узунликка ва баландликка сакраб, оёқ учиды югуриш чөфида бурилиш маҳоратини ва ҳоказоларни эгаллаб оладилар [3]. Мунтазам спорт билан шуғулланувчи болаларда асосий ҳаракатлар такомиллашади. Ҳаракатларнинг бола гавда тузилиши ва имкониятларига боғлиқ бўлган яккама-якка хусусиятлари аниқроқ намоён бўлади. Шу билан бирга болалар кўпроқ ҳаракатни бажаришда яхшироқ натижаларга эриша борадилар. Кейинчалик вазифаларни бажариш вақтида ирова сифатларини кўпроқ намоён қила бошлайдилар. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, боланинг яхши натижаларга эришишига интилиб қилган ҳаракатлари ҳамиша ҳам унинг имкониятларига мос келавермайди. Шунинг учун тарбиячи жуда хушёр, сезгир бўлиши ва меъёридан ортиқ зўриқишига йўл қўймаслиги керак. Тананинг айрим қисмларида: масалан бош, оёқ, қўл бўғинлари ҳамда бармоқлар ва бошқаларнинг ҳаракатини мақсадга мувофиқ такомиллаштириб бориш қобилияти жадал суръатда ривожлана бошлайди. Болаларда чақонлик билан бажарилган, тез, меъёрдаги ҳаракатларга нисбатан эстетик муносабатда бўлиш одати аста-секин пайдо бўлади. Улар ўз ҳаракатларидаги гўзаллик ва мутаносибликнинг аҳамиятини чуқурроқ тушуна бошлайдилар. [2,4] Ҳаракат турларини танлашда болаларнинг ўз шахсий интилиши, қизиқишилари намоён бўла бошлайди. Айримларига кўпроқ югуриш ва сакраш ёқади, бошқалари эса аргамчидан сакрашни, копток ўйнашни, футбол ўйинини яхши кўришади ва ҳ.к. Кўпинча қайси машқни чиройли, яхшироқ бажарсалар, болаларга кўпроқ ўшанга ўхшаш машқлар ёқади. Тарбиячи болаларнинг шахсий қизиқишиларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳар томонлама ҳаракат тайёргарлигини кўзда тутувчи дастур мазмунини яхши ўзлаштириб олишини кузатиб бориши лозим.

Болалар ҳамжихатликда бажариладиган фаолиятда, айниқса, мусобақа аломнатлари мавжуд бўлган ҳаракатли ўйинларда, улар

ўз ишларига ва ўртоқларининг ҳаракатларига баҳо беришга уриниб кўрадилар ҳамда жамоа манфаатларига мувофиқ келадиган хулқ-одоб йўлини топишга ҳаракат қиласидар. Бу эса болаларни фаол ҳаракат қилишга ўргатади.

Кейинги ўн йил давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, мактабгача ва мактаб ёшидаги бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги сустдирил. Кўпгина олимларимизнинг фикрича (Т.С.Усмонхўжаев (1997), К.М.Махкамжонов, Ф.Н.Насриддинов, Л.Семенова (1996), И.В.Половцева (1990), Х.Б.Туленова (2000), М.И. Машарипова (2006), М.Боркошев (2009)) мактабга келаётган болалар етарли жисмонан тайёр эмас, МТМ ва оилада олган жисмоний тарбия бўйича ҳаракат малака ва қўникмалари дастур талабларига жавоб бермайди. Кун тартибида жисмоний машқлар машғулоти етарлича ўтказилмайди. [5,6,7]

Илмий тадқиқот ишимиз давомида олдимиизга қўйилган мақсад ва вазифаларга асосан катта гуруҳ болалари билан жисмоний тарбия ўқув машғулотлари йил давомида олиб борилди. Машғулот учун умумий қабул қилинган кириш қисми (4-6 дақиқа), асосий қисм (18-20 дақиқа) ва якуний қисм (3-4 дақиқа)дан иборат бўлиб, машғулотнинг тайёрлов қисмida сафланиш, қайта сафланиш, юриш, югуриш машқлари, мураккаб бўлмаган ўйин топшириклари берилди. Тарбиячи юриш ва югуриш машқларининг навбатлашиб туришига алоҳида аҳамият берилди, шу билан бирга уларнинг бир хилдалиги болаларни толиктириб қўймаслиги, машқларнинг сифатини пасайтирмасликка алоҳида эътибор ажратдик. Машғулотнинг иккинчи қисмida умумривожлантирувчи машқларга, ҳаракатнинг асосий турларига ўргатилди, ҳаракатли ўйинлар ўтказилди.

Якуний қисмда юриш машқларидан, унча мураккаб бўлмаган ўйин вазифаларидан фойдаланилди.

Катта гурухда умумривожлантирувчи машқлар бутун тана аъзоларига, алоҳида му-

шак ва бўғин гурухларига мақсадни кўзла-  
ган ҳолда таъсир кўрсатди, ҳаракатлар муво-  
фиқлигини, фазода мўлжалга ола билишни  
яхшилашга ёрдам берди, юрак-қон томир ва  
нафас функцияларига ижобий таъсир кўр-  
сатди.

Йил давомида болаларни жисмоний  
жиҳатдан гармоник ривожлантириш мақса-  
дидаги ҳар бир ҳаракат тури бўйича тахминан  
бир хил миқдорда машқлар танланди.

Ҳар бир машғулотда ҳаракатнинг  
учта асосий тури бериб борилди. Бунда  
фақат ҳаракатларни бирга қўшиб бажариш  
эмас, балки ҳар бир турдаги машқни турли  
босқичларда: машқларни ўргатиш, такрор-  
лаш ва мустахкамлаш босқичларида ўрга-  
тиш вазифаси ҳам муҳимdir.

Якуний қисмда болага қўзғалувчан ҳо-  
латдан нисбатан тинч ҳолатга аста-секин  
ўтишни таъминлайдиган машқлар беришга  
имкон яратилди.

Илмий тадқиқот ишимиз давомида бо-  
лаларнинг жисмоний ривожланиш натижа-  
ларини аниқлаш бўйича қуидаги натижа-  
ларга эришдик:

Боғча ёшидаги болаларнинг жисмоний  
ривожланиши ёшдан-ёшга ошиб боради.  
Ўғил болаларнинг қўл кучи ва ўпкасининг  
тириклик сифимининг (ЎТС) энг юқори тез-  
лиги 4,5-5 ёшида юқори бўлди. Масалан:  
бўйининг ўсиш тезлигии 6,2 см. оғирлиги  
эса 1,6 кг. ЎТС 100 л. Кўкрак қафаси кенг-  
лиги тинч турганда 1,9 см. нафас олганда 2,6  
см. нафас чиқарган ҳолда 2,8 см. га ошиди,  
қиз болаларда эса энг юқори ўсиш тезлиги 6  
ёшда бўлиб, оғирлиги 1,9 кг. Қўл кучининг  
ўсиш тезлиги - чап қўл 0,2 кг. ўнг қўл кучи  
0,5 кг. га ошиди. Олиб борган тадқиқот ишлар-  
имиз натижалари бошқа адабиётлардаги  
олинган маълумотларга мос келади (1-жад-  
вал ).

1-жадвал

### 5-6 ёшли болаларнинг жисмоний ривожланиши

Ёши	Жинси	Оғирлиги (кг)	ЎТС (мл)	Бўйи (см)	Кўлининг кучи		Кўкрак қафас кенглиги		
					чап	ўнг	т.т	н.о	н.ч
5-ёш	Ў	18,7	830	110,3	6,6	7	61,8	64,6	59,7
	Қ	18,0	830	109,7	6,1	6,8	55	57,9	54
6-ёш	Ў	20,3	930	116,5	6,9	8	60,7	67,2	62,5
	Қ	19,9	930	113	6,3	7,3	56	59	54,7

Боғча ёшидаги болалар билан жисмо-  
ний тарбия машғулотида ўйин методидан  
фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичла-  
рининг таҳлилига қўра маълум бўлдики,  
ўсиш тезлиги (темп) 4x10 м. га мокисимон  
югуриш, турган жойидан узунликка сакраш,  
тўлдирма тўпни отиш, гавдани эгиш ва  
ўзишда ўсиш тезлиги анча юқори. Масалан,  
мокисимон югуриш ўғил болаларда 2,9 со-  
нияни ташкил қиласа, қиз болаларда 2,5 со-  
нияга фарқ қиласди (2-жадвал).

Турган жойидан узунликка сакрашда  
ўсиш тезлиги: ўғил болаларда 12,1 см. қиз

болаларда эса 12,2 см. Тўлдирма тўпни  
отишда ўғил болаларда 12,6 см. га етди, қиз  
болалар эса 23,1 см. га эга бўлдилар.

Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичининг  
таҳлили шуларни кўрсатдики, ҳар хил машқ  
турларида болаларнинг бажариш натижала-  
ри ҳар хил натижаларни кўрсатди. Мисол  
учун, 30 метрга югуришда, тўлдирма тўпни  
ўтирган ҳолда отишда, болаларга қараганда  
қиз болаларнинг кўрсатган натижалари юқо-  
ридир.

Организмга ҳар томонлама танлаб таъ-  
сир кўрсатувчи машқларнинг турли-туман-  
лиги боғча болаларнинг ёш ўзгаришига,

2-жадвал

**5-6 ёшли болалар жисмоний тайёргарлигини аниқлаш учун  
олинган тестлар натижалари**

Ёши	Жинси	Юқори стартдан 30 м га югуриш (сония)	Моки-симон югуриш 4x10 м (сония)	Узунликка сакраш жойида турган ҳолда (сония)	Тўлдир. тўпни отиш (сония)	Гавдани эгиш ва ёзиш (сония)	Кумли хал.и ир.ш (метр)	Ўтирган ҳолда олдинга энгашиш (см)
5	Ў	9,2	17,8	87,9	85,4	8,8	3,5	8,3
	Қ	9,8	18,3	84,7	74,1	6,7	3	8,9
6	Ў	8,9	14,9	100	98	18,5	4,5	8,7
	Қ	9,1	15,8	96,9	97,2	12,4	4	9,2
Ривож (тэмп) тезлиги	Ў	0,3	2,9	12,1	12,6	9,7	1	0,4
	Қ	0,7	2,5	12,2	23,1	5,7	1	0,3

соғлигига ва жисмоний тайёргарлигига, ривожланишига, жинсига қараб тузилмоғи керак. Боғча ёшидаги болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига эътибор берар эканмиз, албатта, уларнинг ҳаракатларига, яъни оддий юриш, югуриш ўтириш, улоқтириш, тепиш, сакраш, тирмасиши каби ҳаракат малакаларини хисобга олиш керак. Бу ҳаракат малакалари болаларнинг кундалик ҳаракатларида сезилади. Саломатлик пойдерорини айнан ёшлик чоғидан кўрилиши керак. Саломатликка фаол ҳаракатнинг таъсири каттадир. Маълумки, бола катталарнинг, яъни ота-оналарнинг, тарбиячиларнинг бе-

восита таъсири натижасида, мустақил ҳаракат жараёнида ва уни қамраб олган муҳитдан оладиган ахборот таъсирида катта бўла бошлайди.

Шунинг учун ота-оналар болаларнинг кун тартибида ҳаракатнинг таъсири қанчалик катталигини ёдда тутишлари, имкон қадар фарзандига ҳаракат кўнималарини тўғри ўргатиб боришлари, кўмаклашишлари лозим. Кунда ҳаракатда бўлган бола, яъни, ёш организм биологик жиҳатдан ҳаракатларга янада эҳтиёж сезади, бу эҳтиёжни қондириш учун эса ҳаракат фаолияти етарли бўлиши керак.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шарипова Д.Ж., Семенова С.М ва бошқалар Кичкинтойларни гигиеник тарбиялаш. // Ўқув қўлланма. -Т.: 1997, 160 б.
2. Клинтон X. Бир болага етти маҳалла ота – она. // Ўқув қўлланма. -Т.: «Ўзбекистон», 1997. 20 б.
3. Расулова М ва бошқалар Учинчи минг йилликнинг боласи //Услубий қўлланма –Т.: 2000. 40 б.
4. Туленова Х.Б. “Мактабгача таълим муассасаларида болалар жисмоний тарбиясини такомиллаштириш” Автореф. дис... пед фан номзод. -Т.: 2001. –22 б
5. Усмонхўжаев Т.С., Мелиев Х.А. “Ҳаракатли ўйинлар”. // Ўқув қўлланма. – Т.: 1997, 150 б.
6. Усмонхўжаев Т.С. “1001 ўйин”. // Ўқув қўлланма. -Т.: 2000. – 200 б.
7. Усмонхўжаев Т.С., Мелиев Х.А. “Болаларнинг асосий ҳаракат фаолиятига оид машқлар ва уларни ўргатиш услубиёти”. // Ўқув қўлланма. - Т.: 2004. – 22 б.
8. Миняев Б. Основы методики физического воспитания. М., «Высшая школа», 1999.
9. Morgunova I.I. Gimnastika va uni o'qitish metodikasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. «ILM ZIYO» Toshkent – 2011 у.
10. Сакун Э.И. Построение учебного процесса по физическому воспитанию студентов в вузе. М., «Дашков и К», 2009.
11. Сушко Г.К. Гимнастика и методика её преподавания Т.: ILM ZIYO.-2012 г.
12. Фалин В. Основы юношского спорта. М., «ФиС», 1999.

# КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КИМЁВИЙ ТАЖРИФБАЛАРНИНГ ДИДАКТИК ВОСИТА СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

**Г.КАДИРОВА**  
**КХТТИРПКМО ва УҚТ институти таянч докторанти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада бир қатор тадқиқотчи-олимларнинг кимё ўқув фанини ўқитишининг самарадорлигини оширишда тажрибалардан фойдаланишининг зарурияти хусусидаги фикр-мулоҳазалари тахлил қилинган. Шунингдек, таълим олувчининг ўзи томонидан бажариладиган тажрибаларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** кимёвий тажриба, экспериментал тажриба, амалий машғулот, лаборатория машғулоти.

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются взгляды ряда ученых-исследователей о необходимости использования опыта в повышении эффективности преподавания химии. Также высказано мнение о значимости экспериментов, осуществляемых самими обучающимся.

**Ключевые слова:** химический опыт, экспериментальный опыт, практические занятия, лабораторные занятия.

**Annotation.** This article discusses the views of a number of researchers on the need to use experience in improving the efficiency of teaching chemistry. It was also suggested that the experiments carried out by the students themselves are important.

**Key words:** chemical experience, experimental experience, practical classes, laboratory classes.

Табиий фанлар тизимида кимё фани ўзининг алоҳида ўрнига эга. У ўзининг назарий пойдевори бўлган атом назарияси орқали антик дунё материализми ва фалсафий мероси билан боғланади. Кимё фанининг ривожланишини мамлакат иқтисодиётини ривожланишига кўрсатадиган таъсири бекиёсdir. Чунончи, ер юзида, шу жумладан юртимизда аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса бошқа фанлар қатори кимё фани олдига ҳам бир қатор муаммоли масалаларни қўймоқда. Жумладан: табиий захиралардан тежамкор ва оқилона фойдаланиш, кимёвий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда кимёвий ўғитлардан фойдаланишининг хавфсиз ва табиий усувларини яратиш, ишлаб чиқариш жараёнининг экологик муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш борасидаги Ҳаракатлар страте-

гиясида «кимё, математика, физика, биология, информатика каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чукурлаштирилган тарзда ўрганиш» устувор вазифа этиб белгиланган<sup>1</sup>. Бу борада кимё фанини ўқитишининг методик тузилмаси, ўқувчиларнинг инновацион ўқув фаолияти мазмуни, кимё фанидан лаборатория ва амалий машғулотларнинг ташкилий-педагогик босқичлари, мустақил ишларни бажаришга йўналтирилган ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади

Мактаб таълими ривожланишининг замонавий босқичи ўқувчи шахси, фаол ўқув-билиш фаолияти асосида уни ҳар томонлама ривожлантиришга ўтиш билан тавсифланади. Мазкур гояни ҳаётга татбиқ қилиш мактабда туб ислоҳотларни амалга ошириш, таълим мазмуни ва технология-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

ларини модернизациялаш билан боғлиқ. Таълим сифатини оширишга қаратилган жараёнларда педагогика тарихига назар солиш, тадқиқотчи олимларнинг таълимни ривожлантириш йўлида олиб борган энг самарали тадқиқотларини ўрганиш ва улардан замонавий таълим асосларини яратишида фойдаланиш лозим.

Замонавий мактаб ривожланишининг ҳозирги босқичида кимё фанига оид назарий билимларни муқобил таълим режалари асосида такомиллаштириш йўлида маълум ишлар амалга оширилди, бироқ ҳозирги глобаллашув даври кимёвий тажрибаларни, айниқса таълим олувчиларнинг ўзи томонидан мустақил йўлга қўйилиши ва ўтказилишини тақазо этувчи тажрибаларни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Амалий лаборатория ишларини ўтказишининг замонавий методикаларида тажрибанинг бу функциясини жорий этиш анча мураккаблашган. Шу билан бирга, ушбу билимлар билар бир қаторда ўқув жараёнига тадқиқотчилик характеридаги ишларни киритиш зарур бўлади.

Юқорида белгиланганлар умумий ўрта таълим мактабларида кимё курсини ўрганиш, нафақат назарий билимларни ўзлаштириш, балки уларни амалий эгаллашнинг муҳим асоси саналадиган амалий лаборатория ишларини ўтказиш мазмунни ва методикасини янада такомиллаштириш зарурлигини тақазо этади.

Амалий машғулотларнинг таълим сифатини такомиллаштиришдаги вазифасини белгилашда уларнинг кимё фанини ўқитиши методикасидаги тутган илмий-назарий ва дидактик асосларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кимё фанини ўқитиши жараёнида тажриба ишларидан фойдаланишининг дидактик аҳамиятини белгилашда аввало, “тажриба” тушунчасининг мөхиятини изоҳлашга эътибор қаратиш керак.

“Тажриба” терминининг фанда кенг маънода ишлатилишига ўқувчи эътиборини қаратиш зарур. Чунончи, тажриба терминига турлича изоҳ берилади.

Булар:

1. Кўйилган мақсад, унга эришиш учун интилиш.

2. Топшириқ, вазифа.

3. Маълум билим ва фикрлар асосида кимёдан бажарилиши мумкин бўлган амалий машғулотларга доир савол-топшириклар.

4. Ўқувчининг тажриба бажариш жараёнида амалий кўникма ва малакаларини текшириш – ўқитиши услубларидан бири, яъни тажриба тушунчаси турли нуқтаиназардан қаралиши мумкин<sup>2</sup>.

Шу билан бирга тажрибага кибернетик, психологик, педагогик нуқтаи назардан ҳам қаралади. А.Н.Лерментов тажрибага психологик нуқтаи назардан ёндашиб, уни субъектдан бирор харакатни талаб этувчи вазият деб изоҳлайди. О.К.Тихомировнинг айтишича “тажриба” – бу маълум шароитларда кўрсатилган мақсад. “Тажриба” тушунчаси ва унинг таркиби қисмларини психологик таҳлил қилишнинг кенгроқ ифодалари ҳам мавжуд. Масалан, Л.Л.Гурованинг фикрича, “тажриба” – бу унинг маълум ва номаълум элементлар ўртасидаги боғлиқликни очиб берувчи шартларни излаш йўли билан назарий савол-жавоб ёки амалий ўзгаришларни талаб этишдан иборат фикрлаш фаолияти обьектиdir.

Таникли ўзбек педагог олими Х.Т.Омонов “психологик мазмундаги тажриба” тушунчасини педагогик нуқтаи-назардан таҳлил қилиб, ўқув-ижодий фаолият жараёнида юзага келадиган тажриба тўғрисида фикр билдирган. Унга кўра тажриба бир вақтнинг ўзида ўқув-ижодий фаолият

<sup>2</sup> Ю.Ф.Махмудов, Х.Т.Омонов, И.Ш.Исматов, З.Ж.Холмирзаев. – Кимё таълимни мазмунини эксперимент асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари. – Тошкент: “Ноширилик ёѓуси”, 2015. 38-б.

объекти ҳамда ўкув-ижодий фаолиятни педагогик ташкил этиш воситаси сифатида ҳам бўлиши мумкин<sup>3</sup>.

Фикримизча тажриба фан асосларини реалликка яқинлаштириш усули. Таълим соҳасида ўрганилган назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиш имконини берувчи воситалардан биридир.

Шу ўринда кимё фанининг ривожланишида тажрибанинг аҳамиятли ўрнини таъкидлаш жоиз. Чунки кимё фанининг илмий ва амалий жамғармасининг деярли барча салмоғи тажриба орқали юзага келиши тарихдан маълум. Албатта, кимё фанидан тажрибалар олиб бориш узоқ ўтмишга бориб тақалади. Табиий фанларга оид буюк алломаларимиз қолдирган моддий ва маънавий мероснинг кўпчилиги улар томонидан ўтказилган машақкатли тажрибалар маҳсулидир. Буюк аждодимиз, энциклопедик олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Сайдана” асарида кўплаб доривор ўсимликлар ва табиий минералларни ўзига хос ҳусусиятларини тажрибалар орқали аниклаган. Беруний таълимнинг муҳим масаласи – таълим жараёнида болаларни амалиётда синалган ишончли далиллар билан қуроллантиришдир, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, таълим кўрсатмали, мақсадли, муайян тартибга асосланган бўлмоғи лозим ва кўрсатмалик таълимни аниқ, ёрқин ва қизиқарли қиласди, кузатувчанлик ва фикрлаш, мушоҳада юритишни ўстиради.

Мутафаккир алломамиз Абу Али ибн Сино ўз давр илмига мансуб бўлган доривор ўсимликларни классификациялашда ҳам бевосита тажрибаларга суняди.

Кимёнинг фан сифатида шаклланиши XVIII асрга келиб пайдо бўлди. Таниқли табиий фанлар олим ва тадқиқотчилари (А.Лавуазе, М.В.Ломоносов, Ж.Дальтон,

С.Каниссаро) томонидан илгари сурилган ғоя ва назариялар тажрибалар орқали асосланди.

Таниқли кимёгар, даврий қонун ва кимёвий элементлар даврий жадвалининг асосчиси Д.И.Менделеев “Эксперимент” табиатни сўроқ қилиш санъатидир деб изоҳлаган.

Ўкув фанлари қаторига кимё тўлақонли “аъзо” сифатида фақат XX аср бошлирида қўшилди. Унгача кимёга оид кўплаб маълумотлар физика курсида ва табиатшунослик курсининг жонсиз табиат бўлимида берилган. Бу ўкув фанларидан машғулотлар ҳамма вақт намойиш тажрибалари билан олиб борилган. Ўкувчиларнинг табиий-илмий туркум фанлари бўйича лаборатория машғулотлари ҳам амалиётда бўлган.

Кимёдан амалий машғулотларнинг аҳамияти ҳақидаги кузатишларини тадқиқотчи Кукулеско ўзининг “Кимё элементар курси” асарида ёзил қолдирган. Унга кўра кимё фани билан таништиришнинг ягона мақсадга мувофиқ усули ўкувчиларнинг ўзи тажриба ўтказиши ва ҳодисаларни шахсан кузатишидан иборатdir. Муаллифнинг таъкидлашича, тажрибаларни талаб қиласидиган фанларни ўқитиши идеал экспериментал тарзда йўл қўйилганда ҳам, токи ўкувчига тажрибаларни ўзи ўтказиши учун имкон берилмас экан, у ўзининг асосий мақсади – мустақил фикрлаш ва билим даражасини ривожлантиришга эришмайди<sup>4</sup>.

Кимёни ўкув фан сифатида мувафақиятли ташкил этиш масалалари бўйича бир қатор изланишлар олиб борган таниқли олим, тадқиқотчи С.И.Сазоновнинг фикрича, амалий ишларни киритиш билан эришиладиган ижобий ҳолатлар, қуидагилардан иборат:

<sup>3</sup> Попов М.М. Руководство к изучению химии в лаборатории: планы и конспекты лабораторных работ. -Ч.1.-М.: Знамя рабфаковла, 1924.-393 с.

<sup>4</sup> Созонов С.И. О педагогическом значении опытных наук в курсе средней школы // Образование.-№ 12.-С. 21-28

- Кимёвий тажрибалар ташқи ҳисларнинг ривожланишига кўмаклашади, бу воқеликни тўғри ва аниқ идрок қилиш учун зарур.
- Энг содда характердаги, ўқувчиларни аниқ нарса ва ҳодисаларни идрок ва таҳлил қилишга ўргатадиган, амалий машғулотлар ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши учун энг кўп мос келади.
- Кимёвий тажрибалар ўқувчининг билимга, изланишга қизиқишини ривожлантиради.
- Кимёвий тажрибалар илмий методни эгаллашга кўмаклашади.
- Тизимли амалий машғулотлар натижасида ўқувчи тажриба йўли билан олинган хulosса ва натижаларга ишончни ўзида уйғота олиши лозим.
- Кимёвий тажрибалар юқори синфларда ва олий таълим муассасаларида ўқув фанларини муваффақиятли ўзлаштириш учун катта аҳамият касб этади.

Услубчи, педагог-олим В.Н.Верховский нафақат кимёвий тажрибалар методикаси ва техникасини ишлаб чиқиши, балки унинг бошқа методлар қаторидаги ўрни ва аҳамияти, тажрибанинг ўқувчилар томонидан кимёни онгли ва чуқур ўзлаштиришдаги аҳамиятига тўғри қарашни ўрнатишда ҳам хизматлари катта бўлган. Бу борада В.Н.Верховскийнинг айrim фикрларини келтирамиз: "... Биз кимё курсида фақат айrim элементлар, бирикма ва реакциялар, моддаларни олиш усуллари ва бошқаларнинг тажриба ёрдамида ўрганилиши билан сира чеклана олмаймиз. Тажриба ўқувчиларни кимёдаги энг муҳим қонуниятларни тушунишга олиб келиши лозим. Қонун унинг учун фақат эслаб қолиниши шарт бўлган жумла бўлмаслиги лозим. Ўқувчини бу жумлага аниқ факт, яъни тажриба орқали олиб келиш керак."

Професор М.М.Попов ўзининг "Ру-

ководство к изучению химии в лаборатории" (Лабораторияда кимёни ўрганишга оид йўриқнома) китобига сўзбошида таъкидлашича, таклиф қилинаётган кимё ўқитиши методининг моҳияти ўқувчини доимий равишда тадқиқотчилик шароити ва ҳолатга қўйиб, унга ўзига яраша топшириклар беришдан иборат.

Професор С.Г.Крапивиннинг "Записки по методике химии" (Кимё методикасига оид ёзувлар) асарида таълим муассасасида кимё фанини ўқитишига оид шахсий тажрибасини умумлаштириб, курснинг эмпирик мазмуни билан назарий масалалар ўртасидаги нисбат масаласини ишонарли тарзда келтирган. Унинг фикрича, кимё фанини ўқитиши ўқувчиларнинг шахсий кузатишлари ва тажрибаларига асосланиши лозим. Бироқ, экспериментал ўқитиши назарий таълим, яъни қонуниятлар, қонунлар, фаразларни баён қилишга зарар етказмаслиги лозим. Бундан ташқари, муаллиф, ҳар бир тажрибани батафсил тушунтириш зарурлигини таъкидлаган, зоро тажрибаларни тегишлича талқин қилмасдан экспериментал ўқитиши бекор кетиши, самара бермаслиги мумкин. Тушунтириш чоғида эса ўқувчиларнинг мустақиллиги учун кенг ўрин қолдириш, уларга тегишли хulosаларни ўзи чиқарishi учун имкон бериш керак. Шу сабабли С.Г.Крапивин мактаб тажрибаларини ўйнишда тадқиқотчилик усулларига катта аҳамият қаратган.

1930-йиллар охиirlарида ўрта мактабда кимёга оид экспериментал ишларни ўйниш ва ўтказишга оид масалалар "Химия в школе" (Мактабда кимё) журнали саҳифаларида муҳокама қилина бошлади. Чунончи, А.А.Грабецкий амалий машғулотларни 9-10 синфларда, лаборатория тажрибаларини 7-8 синфларда ўтказишни тавсия қилди<sup>5</sup>. С.Г.Аповаленко эса аксин-

<sup>5</sup> Зайцев О.С. Исследовательский практикум по общей химии.- М.: Изд-во МГУ, 1994.-480 с.

ча, мактаб кимёвий эксперименти турларини чегаралаб берди: лаборатория тажрибалари, амалий ишлар, экспериментал топшириклар ва улардан комплекс фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Мамлакатимизда ҳам шу кунгача кимё таълимими ташкил этишда самарали методлардан фойдаланишга қаратилган бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Кимё дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларнинг турли жиҳатлари бўйича А.Азимов, Е.А.Дратва, А.Мамажонов, Ҳ.Т.Омонов, М.И.Умаров, Ж.Фаёзов, Ш.Қувватов, С.Низамова ва бошқалар илмий-методик тадқиқотлар олиб борганлар.

Е.А.Дратванинг илмий тадқиқот иши ўрта мактаб кимё курсини ўқитишида кимёвий эксперимент ва тасвири кўргазмали қуролларнинг аҳамияти хусусида бўлиб, кимё фанини ўқитиши жараёнида маълум мавзу юзасидан ёки маълум боб тугагандан кейин ўтказиладиган кимёвий эксперимент ва тасвири кўргазмали воситалар ўқувчиларнинг кимёвий тушунчаларни осон ўзлаштириб олиш имкониятини яратиши қайд этилган.

А.Азимов «Кимёвий эксперимент ўрта мактаб ўқувчиларида кимёнинг назарий тушунчаларини ривожлантириш воситаларидан бири сифатида» номли қўлёзмасида амалий ишларнинг кимё таълимидаги роли ва ўқувчиларнинг ўзлари бажарадиган тажрибаларни таҳлил қилиб, тажриба асосида хulosса ва натижаларни йиғиш, назариянинг амалиётга боғлаб берилишига эътиборни қаратади

Ў.Боймуродов ўз диссертациясида кимё фанидан Ўрта мактабларда ўқувчиларни кимёвий хом ашё ва уни ишлаб чиқариш корхоналарида қайта ишлаш йўлларини тушунтириш орқали кимёвий жараёнларнинг асл моҳиятини англатиш тўғрисидаги фикрини билдирган.

Шунингдек профессор Ҳ.Т.Омонов

ўзининг бир қанча илмий мақолаларида ва услубий қўлланмаларида кимё таълимидаги тажрибалардан фойдаланишнинг афзаликлари хусусида тўхталиб ўтган.

Тадқиқотчи олима С.А.Низамованинг “Лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш тартиблари” номли услубий қўлланмасида амалий машғулотларни самарали ташкил этишнинг бир неча услубари ҳақида тавсиялар берилган<sup>6</sup>.

1932 йилдан бошлаб мамлакатимизда В.Н.Верховский, Л.М.Сморганский, Я.Л.Гольдфарб томонларидан яратилган дастлабки дарсликларда амалий ва лаборатория машғулотлари жой олган ва улардан узоқ вақт мобайнида фойдаланилмоқда.

1993 йилдан бошлаб мамлакатимизда миллий дарсликлар яратила бошланди. 2004 йилдан бошлаб 7, 8, 9-синфларда кимё ўқитиши И.Аскаров, Н.Тўхтабоев, К.Фофиров томонидан яратилган дарсликлар асосида амалга оширилмоқда. Дарсликларда мавзулар кесимида амалий машғулотлар берилган бўлиб, уларни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнида ноанъанавий дарс ўтиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги белгиланган.

Кимё фанидан тажрибалар ташкил этишнинг ривожланиш тарихига назар солар эканмиз унинг бугунги кундаги таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти жуда муҳим эканлигини таъкидлаш жоиз.

Хулоса ўрнида шуни келтириш мумкинки, кимё фанидан амалий машғулотларни мазмунли ташкил этишни йўлга кўйиш, уларни илфор, замонавий методларга таянган ҳолда олиб бориш зарур. Чунки кимёвий тажрибалар воситасида кимё фанини чуқур ўзлаштирилишига эришилади.

<sup>6</sup> Низамова С.А. Лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш тартиблари. 7-9 синф ўқувчиларнинг барча амалий машғулотлари ва лаборатория ишларини замонавий жиҳозлар асосида ўтказилиш тартиби. Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланмана. «Сано-стандарт»

1. Мактаб дастурида таклиф қилингандан тажрибаларни бажаришда ўкувчилар тажриба натижаларини мухокама қилинишида, уларда кимё фанига нисбатан қизиқищ үйфотищда.

2. Фаразларни илгари суриш ва экспериментал текшириш имконидан фойдаланиш ишларида.

3. Ўқувчининг ўзи томонидан бажа-

риладиган тажрибалар уларнинг индивидуал қобилиятлари ва имкониятларини аниклаш мобайнида.

4. Айрим мавзулар юзасида ўрганилган назарий билимларни тажрибаларга таяниб текшириш, мавзуни мустаҳкамлаш каби жараёнларда салмоқли хизмат қилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.,6-сон,70-модда.
  2. Ю.Ф.Махмудов, Ҳ.Т.Омонов, И.Ш.Исматов, З.Ж.Холмирзаев Кимё таълими мазмунини эксперимент асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари. – Тошкент: “Ноширлик ёғдуси”, 2015. 38-б.
  3. Попов М.М. Руководство к изучению химии в лаборатории: планы и конспекты лабораторных работ. -Ч.1.-М.: Знамя рабфаковпа, 1924.-393 с.
  4. Созонов С.И. О педагогическом значении опытных наук в курсе средней школы // Образование.-№ 12.-С. 21-28
  5. Зайцев О.С. Исследовательский практикум по общей химии.- М.: Изд-во МГУ, 1994.-480 с.
  6. Низамова С.А. Лаборатория ва амалий машғулотларни ўtkазиш тартиблари. 7-9 синф ўқувчиларининг барча амалий машғулотлари ва лаборатория ишларини замонавий жиҳозлар асосида ўтказилиш тартиби. Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма. «Сано-стандарт» нашриёти.–Тошкент, 2016. – 115 б.

# **OBUNA- 2020**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga  
2020 yil uchun  
obuna davom etmoqda**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.**

**Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.**

**Obuna Indeksi: 1090**

**Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochtasi” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.**

**Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.**

**Murojaat uchun telefonlar:**

**1.Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04.**

**Manzil:** Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

**Telefon:** 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04

**E-mail:** [kasbhunartalimi@mail.ru](mailto:kasbhunartalimi@mail.ru), [ksbjurnal@inbox.uz](mailto:ksbjurnal@inbox.uz)

